

ШОДИКУЛ ХАМРОЕВ

Қақпал

ҶМР

ҚАНОТҚИДАГИ

ШОДИКУЛ ХАМРОЕВ

Қисса ва ҳикоялар

Қақнус ҚАНОТИДАГИ

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
Ҳ-49

Ёзувчи Шодикул Ҳамроевнинг мазкур тўпламидан жой олган қиссаю ҳикоялар, шубҳасиз, китобхонларнинг бадиий диди ва онги, адабиёт ҳақидаги тасаввурларини яна бир поғона кўтаради. Негаки, улар ҳаётнинг абадийлиги, умрнинг ўткинчилиги, инсон туғилганидан то умри поёнига қадар ўзи ишонган, суянган ҳақиқатларга интилиб яшаши ҳақидаги фалсафий қарашлар билан қоришиқ ҳолда битилган.

Ўйлаймизки, ушбу тўплам азиз китобхонларимизнинг кўнгил ҳамроҳига айланади.

ISBN 978-9943-28-628-3

© Шодикул Ҳамроев, 2016
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016

Қақнус қанотидаги умр

У менинг тўнғич фарзандим, кўзимнинг оқу қораси эди: унинг ёруғ дунёга келиши, илк марта гўё она қорнидаги тафтли ва оромбахш ҳаёти бузилгандан кўнгли қаттиқ озор чеккандек дафъатан чинқириб йиғлаб юбориши, жисму жуссамдаги мудроқ тортган туйғуларимни бирдан жунбишга келтирган, тушкун ва зерикарли, имиллаб кечаётган ҳаётимга ранг ва мазмун олиб кирган эди. Йўк, йўк, унинг дунёга келгани ҳақидаги хушxabарни эшитиб туриб, гўё узоқ йиллардан буён ҳаётнинг қоронғи пучмоқларидан жоним ҳалак бўлиб излаб юрган муқаддас нарсани кутилмаганда топиб олгандек, қувончдан ўзимни буткул йўқотиб қўйган, юрагим азбаройи орзикиб кетганидан, тўйиб-тўйиб йиғлагим келган эди.

У менинг тўнғич фарзандим эди: унга нисбатан кўнглимда меҳру муҳаббат, шафқату мурувват ва ишончу умидим чексиз эди, ўша дунё аста-секин туннинг ҳарир пардасига ўралиб бораётган, тим қора осмонда юлдузлар милтираб жилва қилаётган айни окшом палласида мен туғуруқхонанинг бетартиб бўёқ чаплаб ташланган деразаси ортида кўркув ва ҳаяжон гирдобига ғарқ бўлиб турар эканман, ногоҳ ичкаридан унинг худди дунёни бузиб юборгудек чинқириб йиғлашини эшитиб туриб, гарчи бунга узоқ пайт ўзимни ишонтиролмай юрган бўлсамда, умримда биринчи марта юрагимда оталик туйғуси уйғонган ва ўзимни туйқус улғайиб қолгандек ҳис этган эдим.



У менинг тўнғич фарзандим эди: у ҳақда ўйларканман, гўё кутилмаганда ҳаётнинг сирли кўчасига кириб қолгандек ақлим шошиб қолар, муқаддас битик сингари қадим аجدодларимдан ўтиб келаётган, баъзан ноҳақ тўкилиб-сочилган, баъзан ғазабдан кўпириб тошган, баъзан эса, зулм ва қабохат кўз очирмаганидан тўнглаб қолган, аммо ҳеч қачон кўзи бекитилган булоқ сингари қуриб битмаган кайноқ қон энди унинг жажжи вужудида жимирлаб оқаётганини сира ақлу тасаввуримга сиғдира олмас ва одам боласи яралгандан то йўқ бўлиб кетгунга қадар англаб бўлмас хилқат эканига иймон келтирардим.

У менинг тўнғич фарзандим эди: менга, аввалига, ким туғилиши – ўғил кўраманми ёки қизми, мутлақо фарқсиз ва аҳамиятсиз туюлган эди, ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган, фақат кунлардан бир кун юрак кўримдан яралган мужда сокин кечаётган ҳаётимга кириб келишини, у билан менинг қисмату аъмолим то абад эш бўлиб кетишига қаттиқ ишонар ва шундай саодатманд кунлар тезроқ етиб келишини орзиқиб кутиб яшардим. Фақат хотинимнинг тақдири азалдан қутган инояти, истак-хохиши бошқача эди, у ўша кўнгли айниб, ҳеч нарса ёкмай юрган илк кунларидаёқ киз туғилишини орзу қилар, йиллар ўтган сайин сўлиб-сарғайиб, унут бўлиб бораётган ўн саккиз ёшидаги ўй-хаёл, орзу-умидларини мана шу беғубор истак тимсолида қайта кашф этган ва охир-оқибат бунга қаттиқ ишониб қолган бўлса-да, барибир ўғил туғилди. Ўша кезларда унинг шундай беғубор ўй-хаёллар қуршовида масрур қиёфада юрганини кузатиб туриб, рост гап, ич-ичимдан унга ҳавасим келган, у кўзимга янада жозибали ва гўзал бўлиб кўринган эди. Бунинг устига, мен ўғил эмас, киз туғилган тақдирда ҳам толеимдан шундай суюнган бўлардим.

У менинг тўнғич фарзандим эди: мен унинг дунёга келгани ҳақидаги хушxabарни эшитиб, ўзимни худди

хаётнинг тез ва шитоб билан оқаётган катта ўзанига тушиб қолгандек хис этган, дафъатан дунё ҳам, одамлар ҳам кўзимга ўта сахий ва меҳр-мурувватли кўринган, ҳамма-ҳамма нарсани кўнглимга якин олган эдим.

Менинг тўнғич фарзандим, у гўё митти сеҳргар каби қалбимда яшашга, ҳаётдан завқ-шавқ олишга бетизгин иштиёқ уйғотган эди.

Мен ўша кун, одатдагидек, туғуруқхонага егулик кўтариб бордим, бу чамаси, ўғлим туғилганининг иккинчи куни эди, хотиним дераза тавақасидан энгашиб егуликни олар экан, чакалоққа нима исм топганими сўраб қолди. У боя айтганимдек, ўғил эмас, қиз туғилган тақдирда, бу ҳақда гапириб ҳам ўтирмас, балки тўккиз ойдан буён юрагининг кат-қатида асраб-авайлаб келаётган, ҳатто мендан ҳам қаттиқ сир тутган ўша сирли исми энди қизариб-тортиниб ошкор қилар ва бу исм менга ҳам, ҳеч шубҳасиз, ёкиб тушар эди. Чунки хотинининг диди жуда нозик ва баланд эди, у ҳаётдан оддий, аммо гўзал нарсаларни сира адашмай топа олар эди. Лекин кутилмаганда ўғил туғилиши, унинг кўнглини жўштириб келган орзу-умидларини бир зумда чиппақка чиқариб юборди. Унинг: «Энди ўғлингизга ўзингиз исм топинг», дея хиёл зарда ва иддао аралаш айтган сўзларида ҳам шу нарса сезилиб турар эди.

Аммо бу мен учун унчалик муҳим эмасди, чунки ўғлим тўрт мучаси бут ва соппа-соғ дунёга келган, энди унга бирон-бир муносиб исм кўйишим кераклигини англаб турардим.

Аслида ўғлим бу сершовқин ва нотинч шаҳарда эмас, балки ўзимнинг киндик қоним тўкилган олис кишлоқда туғилганда, ҳеч шубҳасиз, ҳамма-ҳаммаси бошқача кечарди. Унинг дунёга келиши барчани бирдек қувонтириб юборар, қариндош-уруғ, кўни-қўшнилар худди ўзларининг ҳаётида мўъжиза юз бергандек бир-бирларини қутлашиб, суюнчи улашишга тушар, онам аз-

баройи шошиб қолганидан ўзини қўярга жой тополмай қолар, у ёқдан-бу ёққа югурганча, шу митти меҳмоннинг ташвишини чеккан бўларди. Отам эса, шундай қувончли кунда, албатта, бирон-бир жонлиқ сўйиб, қон чиқарарди. Шундай пайтда кимдир ўғлимга ҳеч кимнинг хаёлига келмаган мўъжаз исм ҳам топар ва бу исм ҳаммага бирдек маъқул тушар эди. Кейин отам эрта тонгда ҳовлимизга муллони бошлаб келар ва у ўғлимнинг қулоғига исми билан бирга азон айтган бўларди...

Буларнинг бари қишлоқдаги ҳаётнинг ўзи каби табиий бир йўсинда кечар, ҳеч ким олдиндан шундай қилиш керак, деб атай ўйлаб қўймасди.

Мен буларни худди умримнинг аллақайси палласида рўй бериб ўтган воқеа сингари хаёлимдан ўтказар эканман, беихтиёр кўнглим чўкиб кетар, айни дамда ҳайҳотдек шаҳарда, ҳатто, қувончу шодлигимни баҳам кўрадиган яқин одамим йўқлигини ўйлаб туриб, ўзимни ёлғиз ҳис этардим.

Албатта, тўнғич фарзандимнинг бу мусофир шаҳарда туғилишини сира истамагандим, аммо айни чоғда, бу ерни ташлаб ҳам кетолмасдим, уч йилдан буён ниҳоясига етмай чўзилиб келаётган илмий ишим кўл-оёғимни ипсиз боғлаб турарди. Хотиним эса, ёлғиз ўзи қишлоқда туришни сира хоҳламас, айниқса, ой-куни яқин қолган кунларда уни шунга кўндиришга нечоғлиқ уринмай, барибир, натижа чиқмаган эди. Биз Эски шаҳардаги танг-тор, деворлари зах тортиб кетганидан илвираб ётган кўримсизгина ҳовлида ижарада турардик. Хотиним қишлоқда эмин-эркин ҳаётга кўникканидан, бу ерда қисиниб-қимтиниб яшар, назаримда, ранг-рўйи ҳам салқи тортиб кетгандек туюлар эди. Аммо бунга қарамай, у ортиқча инжиқлик ва гина-қудурат қилмас, ҳамиша кўнглимга қараб иш тутарди.

Мен хотиним билан хайрлашгач, туғуруқхона ҳовлисидан чиқиб бекат томон келар эканман, ўғлимга исм қўйиш ҳақида ўйлар, бу фикр аллақачон хаёлимни банд

этиб олган эди. Албатта, унга муносиб исм қўйиш, энг аввало, менинг илк оталик бурчим эканлигини ич-ичимдан ҳис этардим.

Яшириб нима қилдим, ўғлимга исм қўйиш ҳақидаги фикр бирдан ўзимга жуда ёқиб тушган, у худди ҳузурбахш ва лаззатли ўй сингари юрагимни ҳаприктирар, хаёлимни ўйноқлаб, олис-олисларга олиб кетар эди. Аслида эса, бу шунчаки жўн ва оддий юмуш эмасди, балки мен кечагина дунёга келган ва нажот сўраётгандек, жавдираб тикилиб турган бир тирик жонга исм беришим керак эди. У келажакда ана шу исм остида ўсиб-улғаяди, ҳаётнинг бағрига шу ном билан кириб боради, ҳамма уни шу исм орқали танийди.

Аввалига ўғлимга исм топиш жуда осон ва енгил туюлган, узок вақт бошим қотиб қийналаман, деган фикрни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ахир, дунёда нима кўп – исм кўп, шулардан биттасини танлайман, тамом-вассалом.

Аммо орадан икки кун ўтиб кетди ҳамки, бирон-бир тўхташга келишим қийин бўлди. Мен кечаю кундуз шу ҳақда ўйлаганимдан, бошимда минг битта исм гужғон ўйнар, улар бир-биридан чиройли, оҳангдор, қулоққа худди майин куйдек ёқимли эшитилар ва бир зумда кишини ўзига маҳлиё этиб қўярди. Бироқ мен уларнинг қайси бирини танлашни билмасдим. Баъзан қайсидир исм кўнглимга ёқиб тушар ва енгил тортган кўйи ўғлимга муносиб исм топдим деб ўйлардим. Аммо хали чувалашиб ётган ўй-хаёлларимни йиғиштириб олишга улгурмай туриб, гўё ўғлимга шу исмни қўйсам қандайдир нохуш воқеа рўй берадигандек, шоша-пиша фикримдан кайтардим. Сўнг яна бутун вужудим билан исмлар аралаш-қуралаш бўлиб ётган оламга шўнғиб кетардим. Мени аввалига исмларнинг чиройи, кўрки ва жарангдорлиги кўпроқ қизиқтирган ва хаёлим дунёсида сузиб юрган исмларнинг кўпроқ шу томонига эътибор берган эдим. Кейин эса бу мени қизиқтирмай қўйди. Энди

исмларнинг кулоққа ёқимли ва жарангдор эшитилишидан кўра, кўпроқ қандай маънони англатишига қизиқиб қолганлигим боис бутун фикру хаёлим билан шуни билишга уринар эдим.

Мен узоқни кўзлаб сафарга отланган, бироқ ўзи сезмаган ҳолда йўлдан адашиб кетаётган йўловчига ўхшар, исмларнинг маъно-моҳиятини билишга уринар эканман, асосий мақсадимдан тобора олислаб бораётганимни иччимдан сезиб турардим.

Бир сафар – ўшанда окшом маҳали уйда ёлғиз ўзим хаёлга чўмиб ўтирган эдим – бошимга кутилмаганда урилган фикрдан беихтиёр кўрқувга тушиб, юрагим орқага тортиб кетди. Назаримда, бу дунёда одам боласи кўтариб юришга арзийдиган биронта ҳам муносиб исм қолмаган, барча исмлар худди эскирган либос сингари аллақачон оҳори тўкилиб, путуридан кетган эди. Ҳа, ҳа, исмлар узоқ йиллар оғиздан-оғизга чайналиб ўтиб келаётганидан ўзининг улуғворлиги, жаранги ва жозибасини йўқотиб қўйган, у энди худди бойқуш чинқириғидек кулоққа хунук ва ёқимсиз эшитилар, гўё исм исм эмас, балки тавқи лаънат теккан кимсанинг ихрашига ўхшаб қолган эди.

Йўқ, йўқ, тўғрироғи, исмда айб йўқ, балки одам боласи қўл урган жамики ёвузлик, жаҳолат ва тубанлик нукси айнан исмга мухрланиб қолган, нафақат мухрланиб қолган, балки уни буткул ўраб-чирмаб олган эди, шунинг учун қайси бир исмдан фахшнинг шилта ҳиди гуп этиб димоққа урилар, бошқа бир исм қонга ботган, яна бошқа бир исм эса тубанлик ва разолат тимсоли сифатида юракка ваҳм ва кўрқув солиб янграрди. Ким билади, эҳтимол, исм ҳеч қачон қариб-қартаймайди, эскирмайди, абадий ёш ва кўркам, у ўз соҳибини қабргача кузатиб қўйиб, яна бир бошқа одамнинг елкасига «миниб» олиб, ҳеч нарса кўрмагандек яшайверади, деган фикрда ҳам жон бордир. Аммо мени, айти пайтда, кўнглимнинг бир че-

тида ғимирлаб турган бошка фикр қийнар эди: исм хам инсоннинг ўзи каби нечоғлиқ узоқ яшаса, шунчалик разолатга ботади, тубанлашиб кетади ва охир-оқибат, ҳеч ким унга ҳавас қилмай кўяди.

Эҳтимол, пича ошириб юбораётгандирман, бироқ айни дамда бошқача фикр юрита олмасдим. Чунки, мен кечагина дунёга келган ўғлимга муносиб исм излаётгандим. Ҳа, шундай, мен бугун исмга харидор эдим, одатда, харидор ҳамма-ҳаммасини миридан-сиригача сўраб-суриштиради, тортишиб-бахслашади, сўнг қайси мол кўнглига ёқса, шуни танлайди. Мен ҳам инжиқ ва талабчан харидор сингари ҳамма-ҳаммасини билишни истардим.

Албатта, исм тўғрисидаги бундай совук ва тушкун ўйлар безовта тортган руҳимга жуда ёмон таъсир қилар, кўнглимдаги кизиқиш ва иштиёқ ҳиссини сўндирар эди.

Бироқ айни пайтда, бундай мушкул аҳволга тушиб қолганимга қарамай, ўғлимга таваккал қилиб бирон-бир исм кўйишни хаёлимга келтирмасдим.

Шууримнинг олис ўнгирида сузиб юрган ҳар бир исм ҳақида эринмай бош қотирар эдим: бу исм қачондан бошлаб одамларнинг тилига тушган, у қандай маънони англатади, ўтмишда шу ном остида кимлар яшаб ўтган, улар ҳаётда қандай из қолдиришган, хуллас, ҳамма-ҳаммасини билишга уринар, турли-туман китобларни титкилар, ўзимга тинчлик бермаётган саволларга жавоб излар эдим.

Бунинг устига, ўғлимга исм излаб ўй-хаёлим чувалашиб ётган айни ўша кунлари аллақайси китобдан «Қорайимлар қиссаси»ни ўқиб қолдим-у, исм тўғрисидаги фикрларим янада қатъий тортди.

Ўшанда нафақат исм тўғрисидаги фикрларим кутилмаганда ғойибдан рағбат ва қувват олгандек, балки қадимда яшаб ўтган ва асрларнинг суронли тўфоню эврилишлари остида кўмилиб қолган қорайимларнинг

аччик қисмату аъмоли, ҳаётӣ тутуми ва эътиқоду интилишлари сирли мужда янглиғ мени чинакамига ҳайратга солиб қўйган эди.

Мен ҳаяжонга тушган қўйи ушбу асарни ўқир эканман, ҳаёлан олис ўтмишга, қорайимлар яшаган даврга сайр қилар, бу ёвқур одамларнинг поёнсиз саҳрода мағрур қад ростлаган ўтовларига кириб борар, улар билан гулхан атрофида тонгга қадар суҳбат курардим.

Айникса, қорайимларнинг исми муқаддас туғ каби бошлари узра азот кўтариб яшагани, илоҳий битик каби унга чуқур эътиқод қўйишгани юрагимни орзиқтириб юборар эди.

Бундан ҳам кизиғи шунда эдики, қорайимлар қабилада фарзанд дунёга келса, унга исм қўйишга асло шошилмас, балки аввалига гўдакни шунчаки бир ном билан, масалан, чўмичбойми, қозонбойми, деб аташар эди. Албатта, бу болага берилган муваққат ном эди, ҳақиқий исми ўсиб-улғайиб, вояга етгач, ўспириннинг ўзи олиши талаб этилар эди.

Китобда қайд этилишича, қабилада исм бериш маросими қувончу ҳаяжон, асъасаю қийқириқлар билан кечар, у баъзан бир неча кунга чўзилиб кетар, катгаю кичик барча қабила аҳли байрамона ясанганча катта майдонга тўпланишар ва исмга талабгор ўспириннинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмай кузатишар эди. Қабила оқсоқоллари эса, халойиқнинг кўз ўнгида исмга талабгор ўспиринни минг битта синовдан ўтказишар, унга турли-туман саволлар беришар, аллақандай мураккаб ва хатарли шартларни бажаришни талаб қилишар ва шундан сўнг узок кенгашиб, унга муносиб ном беришарди.

Маросимда ўспиринга исм билан бирга совут, қилич ва оқ от ҳам тортик этилар ва у энди қабиланинг ҳақиқий аъзоси саналарди.

Китобда кайд эгилишича, корайимларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган исм бериш маросими ўта қатъий тартибда, мурасасиз ўтар ва унга ўзгартириш киритишга ҳеч ким журъат этолмасди.

Албатта, исм олиш насиб этмаган, яъни машаққатли синовлардан ўта олмаган ўспириннинг кейинги қисмати жуда аянчли кечарди: майдонга йиғилган халойиқ оксоқолнинг: «Унга исм берилмасин!» деган сўзлари янграши билан туйқус жунбишга келар, ҳамма қаҳр-ғазаби, нафратию аламини ўша бахтиқаро ўспириндан олар, сўнг уни уриб-сўкиб ҳайдаганча қабиладан мангу бадарға этишарди.

Исмни ана шундай улуғлаб яшаш корайимларнинг ҳаёт тарзига шу қадар чуқур сингиб кетган эдики, бу ақидани бузишга ёки унга жиндай бўлса-да, янгилик киритишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди.

Мен «Қорайимлар қиссаси»ни ўқигач, азбаройи ҳаяжонланганимдан илмий раҳбарим бўлмиш профессорга ҳам таассуротларимни гапириб бердим. Аммо кутганимдан фаркли ўлароқ, унинг тунд юзида бирон-бир ҳайратланиш ёки ўзгариш сезилмади.

– Эрамиздан аввалги асрда яшаган корайимларни айтаяқсизми? — деди у хотиржам овозда. – Ҳа, биламан, тарихда шундай элат яшаб ўтган. Уларнинг исмга нисбатан ғалати муносабати, тўғрироғи, исмни илоҳийлаштириши бир пайтлар мени ҳам худди сизга ўхшаб қаттиқ ҳаяжонга солган эди. Лекин кейинчалик чуқурроқ мулоҳаза юритиб, ўйлаб қарасам, корайимларнинг таназзулга юз тутиши ва тарих саҳнидан бутунлай йўқ бўлиб кетишига, аввало, уларнинг ўзи қаттиқ эътиқод қўйган ана шу маросим сабаб бўлган. Нега дейсизми? Бунинг изоҳи жуда оддий: корайимлар ўзига муносиб исм ололмаган ношуд ўспиринни ўйлаб ҳам ўтирмай қабиладан ҳайдаб солишган. Яъни, исмсиз қолган кимсани ҳеч ким қорайим санамаган. Йиллар ўтиши билан ўзига муно-

сиб исм ололмаган ва қабиладан бадарға қилинганлар сони кўпайиб борган. Аҳвол шу даражага бориб етганки, қабилада бармоқ билан санарли беш-ўн нафар қорайимлар қолган холос. Бироқ шунда ҳам бу ўжар одамлар эски ақидадан воз кечишни хаёлларига келтиришмаган. Охир-оқибат, қорайимлардан ном-нишон қолмаган. Мана сизга, қандайдир ақидага кўр-кўрона эътиқод қўйиб яшашнинг оқибати.

Профессорнинг ишонч билан кесиб-кесиб гапириши ва унинг аччиқ хулосаси мени бир зумда гангитиб қўйди. Аммо ҳар нарса бўлганда ҳам кўнглимда қорайимларга нисбатан чуқур ҳурмат туйғуси уйғонган, айниқса, уларнинг исмни улуғлаб яшагани ҳайратга соларди.

* * *

Ким билади, эҳтимол, мен бундай мантиқсиз, нотайин ўй-хаёлларга берилиб, беҳуда кўркув ва ваҳимага тушаётгандирман?! Эҳтимол, ўғлимни азбаройи яхши кўрганимдан унга ҳар қандай исмни раво кўрмаётгандирман?! Балки, исм топишга қийналаётганимга ўзимнинг табиатимдаги инжиқлик ва худбинлик сабаб бўлаётгандир?!

Ҳозир бу ҳақда аниқ бир нарса дея олмайман. Аммо мен бутунлай умидсизликка тушмаган, ўзим ўжарлик билан излаётган исм ҳақида, гарчи буни сўз билан аниқ-тиник ифодалаб беролмасам-да ғира-шира тасаввурга эга эдим. Бу исм ўғлим туғилган кундан буён хаёлимнинг олис ўнгирларида бир уюм оппоқ булут каби оҳиста сузиб юрар, баъзан тушларимда уни аллаким қўшиқ сингари куйлаётганини эшитиб қолар эдим. У минг бир оҳангда жаранглаб, юрагимда умид ва қувонч гулханини ёкиб ўзига томон бетиним чорлар, фақат уни эслаб қолишга қийналаётган эдим. Баъзан ноҳуш ўйлар таъсирида тушқунликка берилиб, ҳафсалам пир

бўлиб турган пайтларда ана шу сирли исм хаёлимда ялт эгиб пайдо бўлар ва қудратли куч сингари кўнглимда яна умид ва иштиёқ чироғини ёқарди. Шунинг учун мен кунлар ўтиб бораётганига қарамай, ҳамон ўғлимга муносиб исм топмаганимга унчалик эътибор бермас, кўнглим нимадандир анча хотиржам эди.

Ҳар гал туғуруқхонага егулик кўтариб борганимда, хотиним кўзлари жавдираб оғзимни пойлар, у ўғлимга қандай исм қўйганимни билишни истар эди. Бироқ ҳали исм топмаганимни эшитаркан, бирдан авзойи ўзгариб кетар, азбаройи жаҳли чиққанидан ёноқлари пир-пир учиб, жаҳлини тўкиб соларди:

– Хаёлингиз қаерда ўзи? Ўғлингиз қолиб, нималарни ўйлаб юрибсиз?

Хотиним астойдил куюниб гапирар, ора-сира ўпкалаб, кўз ёши ҳам қилиб олар, изимга қайтаётганимда эса, яна қайта-қайта уқтирар эди:

– Эртага ўғлингизга исм қўйиб, гувоҳномасини олиб келиш эсингиздан чиқмасин! Йўқса, дўхтирлар уйга жавоб беришмасмиш...

Мен кадамимни судраб босганча, туғуруқхона ҳовлисидан чиқарканман, ўзимни худди адашиб боши берк кўчага кириб қолган кимса сингари ночор ҳис этар, ўй-хаёлларим буткул чувалашиб кетганидан исм ҳақида ортиқ ўйлашга юрагим безиллар эди.

Бунинг устига, айнан ўша кунлари худди атай қилгандек, йўлак четида ўтирадиган тиланчи чолнинг кутилмаганда айтган сўзлари хаёлимни багтар остин-устун қилиб юборди.

У Худонинг берган куни университет кутубхонасига олиб борадиган йўлакнинг бир четида танда кўйиб ўтирар ва зорикқан овозда алланималар дея минғирлаган кўйи ўтган-кетган йўловчилардан хайр-садақа сўрар эди. Унинг афт-ангорига қараб бўлмасди, бетартиб ўсиб кетган соч-соқоли юзига қўрқинчли ва ёввойи

тус бериб турар, кўзлари маъносиз ва тушкун боқар, жуссаси озгин, елка суяклари тугилган муштдек бўртиб чиққан, эгнидан эса қишин-ёзин ранг-туси ўчган эски тўн тушмасди. Унинг мана шундай ислиқи, ташландик, ғариб ва бенаво қиёфасига қараб туриб, кишининг кўнглидан беихтиёр туриш-турмуши шундай бўлгач, бу дунёда тиланчи бўлмай қайга ҳам борарди, деган ўй кечарди. Афтидан, у ҳаётда одамдек яшаш, умргузаронлик қилишни аллақачонлар унутиб юборган, кўнглида ҳам соф ва беғубор туйғулар аллақачон ўчиб кетган ва ўзини хор қилиб, одамлар оёғи остида ўралашиб яшашдан ор қилмай кўйганди.

Унинг коксуяк кўлларини чўзганча хайр-садақа сўраши, абгор ахволи кўнгилда фақат нафрат ва ижирғаниш ҳиссини кўзғар эди. Одатда, йўловчилар худди нуқси уриб қоладигандек, уни четлаб ўтишга уринишар, кўпинча очик-ошкор нафрат билан тикилишарди.

Мен ўша кунни ана шу чолдан сира ақл бовар қилмас сўзларни эшитиб, дафъатан ҳушёр тортдим.

Шу пайтга қадар онда-сонда, шунда ҳам чўнтагимда майда пул пайдо бўлиб қолганда хайр-садақа қилганимни айтмаганимда, унга бирон марта тузук-курук эътибор ҳам бермаган, бирон оғиз сўз ҳам қотмаган эдим. Ҳар доим унинг қаршисидан лоқайд ўтиб-қайтар, йўлакда ивирсиб ўтириши мени мутлақо қизиктирмасди.

Аммо айни ўша кунларда у ўғлим дунёга келгани-ю, мен унга исм излаб буткул хаёлга ботиб юрганимдан қандай хабар топди, қаердан била қолди – шунга ҳали-ҳануз ақлим етмайди. Ким билади, эҳтимол, мен йўлакдан ўтаётиб, кимгадир ўгил кўрганим-у, унга исм излаб юрганим тўғрисида гапирган ва бу гап-сўзлар тасодифан унинг қулоғига ҳам чалиниб қолган, энди эса, у писмиқлик билан ўзини салкам авлиё чоғлаб, нимаики эшитган бўлса барини оқизмай-томизмай

Ўзимга қайтариб айтаётгандир. Эҳтимол, шу йўл билан мўмайгина садақа ундириш пайидадир. Эҳтимол, кейинги кунларда ҳаётимда қандай воқеа рўй бериб ўтган бўлса барини савқи табиий хислати билан билиб олгандир.

Билмайман, ҳар нарса бўлиши мумкин. Аммо мени буткул танг қолдирган нарса ўша кун эрталаб одатдагидек, кутубхонага бораётиб, негадир кўнглимда садақа бериш истаги туғилди ва чўнтагимдан кўлдан-кўлга ўтаверганидан уладаси чиқиб кетган пулни олиб, унга узатаётганимда, кутилмаганда, бошини илкис кўтарди ва киприк қоқмай, юзимга совуқ тикилганча, сўз қотиб қолди:

– Ўғлим, – деди у худди кироат қилаётгандек босик ва дўриллаган овозда, – аввало ҳаммаси Худодан, аммо исм танлашда асло шошилманг. Ҳар бир исм ўзининг руҳи ва юки билан яралган. Шуниси сира ёддан чиқарманг: исмда сир бор, унинг қатига боланинг қисмати яшириб қўйилган. Ўғлингизга чуқур ўйлаб, сўнг исм қўйинг. Омин, атаган хайр-садақангизни Худо ўз даргоҳида қабул қилсин! – у қоқсуяк кўлларини очиб, юзига фотиҳа тортди-да, сўнг яна бошини қуйи солиб олди.

Ҳа, ҳа, у худди кироат қилаётгандек, салобатли овозда: «Исмда ҳам сир бор», деди. Кейин сира кутилмаганда, унинг турки-авзойи бирдан ўзгарди, гўё ҳозиргина ўртамизда ҳеч қандай гап-сўз бўлиб ўтмагандек, бошини кўксига теккизгудек энгаштириб, тағин зорикқан овозда алланималар дея минғирлашга тушди. Мен азбаройи таажжубга тушганимдан тошдек қотиб қолиб, оёқларим остида букчайиб ўтирган чолга ички бир кўрқув ва хайрат билан тикилганим сайин у ҳақдаги бурунги узук-юлуқ тасаввурларим йўқолиб, кўзимга бу кўҳна ва қув дунёнинг барча сир-синоатини беш бармоғидек билладиган сеҳргарга ўхшаб кўринарди. Чолга тикиларканман, кўнглимда қизиқиш ва хайратим

тобора ортиб борар, уни яна галга солишни, ўзимни шу пайтга қадар қийнаб келган барча жумбок ва чигалликларга жавоб олишни истардим. Аммо у менинг истак-хоҳишимга зид ўларок, аллақачон тўнини буткул тескари қийиб олган, бошини кўтарай демас, овози ҳам ичига тушиб кетгандек эди. Фақат дам-бадам кўз ости билан оёқларимга қараб-қараб кўяр, афтидан, бу ердан тезроқ кетишимни кутаётган эди.

Мен унинг боши устида анча пайт туриб қолдим, аммо ундан бирон-бир сас-садо чикмади, бунинг устига, йўлакдан ўтиб-қайтаётган йўловчилар ажабланиб қарашаётганини сезгач, ноилож кутубхона томон йўл олдим.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз? Аммо тиланчи чол мени ростдан ҳам қаттиқ ҳайратга солиб қўйган эди. Бошқа бир кимса шундай башорат қилса, эхтимол, мен бунчалик таажжубга тушмас, барчасини табиий йўсинда қабул қилган бўлардим. Аммо ҳар кун йўлакда ивирсиб ўтирадиган, на зоти, на насл-насабининг тайини бор дайди ва ислиқи бир кимсадан ногаҳон бундай дилхоҳ сўзларни эшитишни сира тасаввуримга сиғдиролмасдим. Аслида ким ўзи бу тиланчи чол?! Фикру хаёлимни ана шу ўй банд этиб олган, кутубхонанинг зах ҳиди анқиб ётган нимкоронғи хонасида илмий ишимга тааллуқли китобларни номигагина титкилаб ўтирар, бироқ бошимга ҳеч нарса кирмасди.

* * *

Аммо эртаси куни эрталаб, чамаси, хафтанинг сешанба куни эди, кутилмаганда шундай ғалати воқеанинг устидан чикдимки, кимдир бошимга туйқус бир мушт туширгандек баттар гангиб қолдим.

Шу кун эрталаб туғурукхонадан чикиб, кутубхонага бораётган эдим, йўлак ўртасида – айнан ҳалиги тиланчи чол ўтирадиган жойда бир тўда одамлар тўпланиб, бир-

бирларининг елкаси оша бўйинларини чўзганча, алланимани берилиб томоша қилишарди. Қандай воқеа рўй берибдийкин деган ўйда қадамимни тезлатдим. Одамлар тўпланиб турган жойга етиб келиб, манзарадан ақлим шошиб қолди. Эғнидаги қоп-қора кийим-боши махсус идорага дахлдор эканлигини билдириб турган икки барваста йигит ҳалиги тиланчи чолни қўлларидан маҳкам тутган кўйи ҳув нарида эшиги ланг очиб қўйилган темир панжарали машина томон судрагандек бир алфозда олиб боришар, тумонат одам нафасини ичига ютиб, улардан кўз узмай туришарди. Ҳалиги икки йигит алланимадан қаттиқ ғазабга минган, азбаройи жаҳлнинг зўридан кўзлари косасидан чиққудек каттариб кетган эди. Улар чолнинг қўлларидан худди жирканч бир нарсани тутгандек, ижирғаниб судраб боришар, дамбадам сўкинганча силтаб-силтаб ташлашар ва кўнжи қалта этиклари учи билан тепиб-тепиб кўйишар эди. Бечора тиланчи чол бундай таҳдид ва зуғумдан буткул ўзини йўқотиб қўйган, унинг жуссаси баттар кичрайиб, бир бурда бўлиб қолгандек туюлар, шалвираган кўйи оёқларини базўр судраб босаркан, кўрқув тўла кўзлари атрофга худди нажот ва ёрдам сўраётгандек жавдираб боқар, аъзойи бадани қалт-қалт учиб тушаётгани аниқравшан сезилиб турарди.

Мен бу манзарани анча олисдан кузатиб туйқус тузоққа илинган қуш сингари буткул умидсизликка тушиб қолган тиланчи чолга қарарканман, юрагим гурсилаб тез-тез урар, ич-ичимдан қаттиқ бир ҳаяжон кўтарилиб келарди. Ана шу ҳаяжон ва ҳадик таъсирида йўлакни банд этиб олган одамларни итариб-туртиб олдинга қандай ўтганимни сезмай ҳам қолдим. Ва ҳалиги тиланчи чолнинг афт-ангорига яқиндан назар ташлар эканман, буткул бошқа манзарага кўзим ташни, ақлим баттар шошиб қолди. Йўқ, йўқ тиланчи чол мен боя ўйлагандек, кўрқув ва ваҳимадан сира ўзини йўқотиб

кўймаган эди, аксинча, у гўё бошига ҳеч қандай кўргулик ва мусибат тушмагандек ўзини мутлақо хотиржам ва бепарво тутар, юзида сокин ва хотиржам ифода кезинар, фақат лабининг бир четида аллақандай заҳарханда ва истехзоли кулги билинар-билинемас кўзга ташланиб турарди. Мен унга қараб туриб кўзларимга ишонмасдим. Чамаси, у ўзини атай шундай гўлликка солиб олган, гўё ўзимни овсардек қиёфага солиб олсам, бу бало-қазонинг чангалидан оппа-осон қутулиб кетаман, деб хомтама бўлаётганга ўхшар эди. Ким билади, эҳтимол, кутилмаган таҳдид ва зуғумдан ақлу шуури буткул қарахт тортиб қолган ва айна пайтда юрагини ўраб-чирмаб олган кўрқув ва ваҳима таъсирида у ҳеч нарсани идрок этмай кўйгандир. Балки уни узоқ вақт пойлаб юриб, ниҳоят, бугун нақд айб устида қўлга туширишган ва шундан дами ичига тушиб кетиб, миқ этмай қолгандир. Билмадим, ҳар нарса бўлиши мумкин. Лекин назаримда, айна дамда тиланчи чолнинг хуши ўзида эмасга ўхшаб кўринар эди.

Ҳалиги икки барзанги йигит уни судрагандек машина олдига олиб келгач, қўлларини кўйиб юборишди ва машинага чиқишни буюришди. Тиланчи чол эса ёшига ярашмайдиган бир эпчиллик билан машинанинг темир зинасига оёғини дадил қўйди-да, машина ичкарисига бош сукди ва худди тубсиз чоҳга тушиб кетгандек, бирдан кўздан ғойиб бўлди. Фақат машинанинг ён томонидаги панжара ўрнатилган кичкина туйнукдан унинг қоп-қора юзи ғира-шира кўзга ташланиб турарди. Унинг айна мана шу қора тортиб кетган қиёфаси хотирамга қаттиқ муҳрланиб қолди. Кейинчалик ҳар гал тиланчи чолни эслаганимда, унинг машинанинг темир панжарали туйнуғи ортидан ийманган ва тортигандек бир алфозда қараб турган мана шу ҳолати лоп этиб хотирамда жонланар, юрагимда алам ва оғриқ кўзғар, ичичимдан кўтарилиб келган изтироб, ўксинишдан дунёга сиғмай қолардим. Аслида ҳам, унинг ўша туйнукдан

кўзга элас-элас ташланиб турган чуваккина юзи ва зим-
виё тун кўйнида унутиб қолдирилган бир жуфт шамдек
ёниб турган кўзлари жуда қайғули ва аламнок эди, бу
огир манзара чолнинг кўлчиликка ноаён қисмату аъмо-
ли, саргашта умри ҳақида жуда кўп нарсаларни унсиз
сўзлаб турар эди.

Йигитлар машина эшигини зарб билан шарақлатиб
ёпишди. Шундан сўнг машина шиддат билан ўрнидан
кўзгалди-да, тез орада кўздан ғойиб бўлди. Йўлакда то-
мошаталаб йўловчилар тирбанд бўлиб кетган эди, улар
тобора олислаб бораётган машина ортидан шивир-шивир
қилишга тушишди: кимдир тиланчи чолни абгор қиёфада
беркиниб юрган ашаддий қотил деса, бошқа биров уни
чет эллик жосусга йўяр, яна кимдир кип-қизил ўғри экан,
кўпдан буён изига тушиб, бугун кўлга олишга муваффақ
бўлишибди дер, бошқа биров бундан ҳам ваҳимали тах-
минни тўқир эди. Аммо ҳеч ким тиланчи чол аслида ким,
нега уни кутилмаганда машинага босиб олиб кетишга-
ни ҳақида аниқ бир нарса билмас, ҳамма ичидан тўкиб-
бичиб гапирарди, холос. Йўловчиларнинг тутуриксиз
тахмину фаразлари энсамни қотириб, ғашимга тегарди.
Шунинг учун бундай гап-сўзларни эшитишга ортиқ са-
брим чидамай, кадамимни судраб босганча кутубхона
томон йўл олдим.

Хушим ўзимда эмасди, юрагим ғаш, хаёлларим тўз-
ғоқ, ҳеч нарса ёқмас, гўё ҳаётдан совиб кетгандек эдим.
Аслини айтганда, ҳозиргина кўз ўнгимда рўй бериб ўтган
воқеа: тиланчи чол ва унинг ноаён қисмати, боя машина
туйнугидан кўзга ташланиб турган юзи сира хаёлимдан
кетмас, ўзим истамаган тарзда шу ҳақда ўйлар эдим. «Де-
мак, – дея тахмин қила бошладим, – у узоқ пайт йўлак
четида умрини елга совуриб, беҳуда танда кўйиб
ўтирмаган, балки шундоқ ҳам бахтсиз ҳаётига бу муси-
бат худди ўғри мушук сингари туйқус бостириб кели-
шини, аллакимлар йўлакда тўсатдан пайдо бўлиб, уни

аллақаёкка олиб кетишини билган, фақат ўша пайтда довдираб, ўзини йўқотиб қўймаслик учун руҳан тайёрланган, асабларини тошдек қайраб қотирган, ичида ўзига куч, ирода ва мадад сўраб Яратганга тинимсиз нолаю фиғон қилган, ялиниб-ёлворган ва охир-оқибат, у кўзлаган максадига тўлиқ эришган эди. Ҳа, шундай, унинг бояги ҳолатини бундан ўзгача изоҳлаб бўлмайди».

Чуқурроқ ўйлаб карасам, у хайр-садақа илинжида лаблари гезариб ўтирадиган олчок тиланчиларга ҳам унчалик ўхшамас эди. Ҳа, рост, мен уни қўлларини чўзиб, ўтган-кайтганнинг этагига ёпишгани, дийдиё қилганини ҳеч қачон кўрмаганман. У, одатда, йўлакнинг бир четида бошини қуйи солиб ўтирар, баъзан кун бўйи ҳам бошини кўтариб, агрофига қарамас, фақат паст ва тушуниксиз товушда алланималар деб минғиллар, аммо овозида хасрат ва зориқиш оҳанги сезилмас, балки у ҳазин бир қўшиқни чўзиб-чўзиб хиргойи қилаётган ва шунинг таъсирида масту мустарик бўлиб қолган кимсага ўхшар эди. У йўлак четида нафсининг илинжида эмас, балки бу кув дунё буткул зада қилиб ташлаган ёлғиз ва ўксик кўнглини овутиб ўтиргандек, йўловчилар онда-сонда ташлаб ўтадиган хайр-садақаларга ҳам бошини кўтариб қарамас, сарик чака ва ғижимланган қоғоз пуллар унинг оёғи остида бетартиб сочилиб ётар эди.

У орому хотиржамлигини ҳаётнинг мана шу хилват гўшасидан топиб олгандек, ҳар кун йўлакка чиқишни қанда қилмас, кишин-ёзин шу ерда эди. Фақат тунлари аллақаёкка ғойиб бўлар ва яна тонг азонда йўлакка биринчи бўлиб унинг пойқадами тегар эди.

Мен тиланчи чол ҳақида ўйлаган сайин кизиқишим тобора ортиб борар, кўнглимда бир-биридан ғалати ва жумбоқли саволлар бош кўтариб келар эди: аслида ким ўзи у? Ҳаётнинг қоп-қоронғи ва бўм-бўш йўлагидан нимани излайди? Кимнинг васвасаси, макру хийласига учиб, ўзини ерга урди, умрини елга совуриб юборди?

Хали айтганимдек, тиланчи чол одамларнинг хайр-садақасига кўз тикиб яшайдиган кимсага сира ўхшамасди. Шу боис, кўнглимнинг туб-тубида унга нисбатан ачиниш ҳисси аралаш илиқ меҳрга ўхшаш туйғу уйғониб кела бошлади.

Ҳа, дарвоқе, кечагина у менга исм тўғрисида жуда галати ва ажиб ҳикматомуз гапларни айтган эди. Йўқ, бу жўн ва омади гаплар эмасди, ахир, бундай нарсалар ҳақида шунчаки гапириб бўлмайди. Чунки кеча у ортиқча ҳаяжону эҳтиросга берилмай, ишонч билан кесиб-кесиб гапирган, ҳар бир сўзи юрагининг қатқатидан отилиб чиққан, кўзлари эса, гўё айтаётган фикрларини тасдиқлаётгандек чакнаб турган эди. Ҳа, шундай, у ёлғон гапирмаган эди, аслида мени алдаш ва лакилллатишдан унга ҳеч қандай фойда йўқ эди. Бунинг устига, берган хайр-садақамга номига бўлса-да кўз ташлаб қўймади. Қизик, тиланчи чолнинг исми нима экан?! Ҳар қалай, у исмсиз кимса эмас, бир пайтлар дунёга келганда, ота-онаси унга яхши ният билан исм қўйгандир?!

Айни дамда бошқа бир нарсага ич-ичимдан қаттиқ ишониб турардим: уни ким деб аташганидан қатъи назар, менимча умр бўйи ўз исмидан кўнгли тўлмай яшаган, қаттол қисматини мана шу пешонасига азалдан битиб қўйилган исмдан кўрган. Афтидан, шундан сўнггина у исм ҳақида юраги безиллаб ўйлайдиган бўлиб қолган ва бояги қатъий хулосага келган эди.

Ҳа, шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас. Ахир, ҳаётда ҳеч ким ўзи бошидан кечириб, ишонч ҳосил қилмаган нарса ҳақида бунчалик қатъият билан гапира олмайди.

Нимасини айтай, тиланчи чолнинг ноаён кечмиши фикру хаёлимни буткул банд этиб олган, у ҳақда турли-туман тахмину фаразлар тўқир эдим. Бунинг устига, кеча исм ҳақида айтган сўзлари ҳали-ҳануз юрагимга

кўркув солиб турарди. Зеро, ўғлим туғилганига олти кун бўлганига қарамай, ҳали унга исм қўймаган эдим.

* * *

Иттифоқо, ном ана шундай кунларнинг бирида ўғлимга исм топдим: уни Муайяд деб атадим. Бу ном тўзғиб ётган хаёлимда қутилмаганда қаердан пайдо бўлди, қандай сеҳру жозибаси билан кўнглимни забт эта қолди, гапнинг рости, ҳозир буни тузук-қурук тушунтириб беролмайман. Ким билади, эҳтимол, бу исм шуру тасаввуримнинг қат-қатларида узоқ йиллардан буён кўмилиб ётган, бироқ мен унинг хаёлим уммонида яшаётганини ҳеч қачон пайкамаган, фақат ўғлим чинқириб йиғлаганча дунёнинг залворли эшигини нозиккина бармоклари ила оҳистагина қоқаётган маҳал шу исм ҳам узоқ сафарга отланган йўловчи сингари бирдан қалқиб юзага чиққандир. Эҳтимол, ҳалиги тиланчи чол айтгандек, ўғлимнинг пешонасига битилган қисмату аъмолнинг ўзи уни ёдимга солиб қўйгандир. Билмайман. Фақат бу исмни хотиним илк марта тилга олганда нечоғлик энсаси қотиб, жаҳли чиққан бўлса, у ўзимга шунчалик ёқар, назаримда, бу исм то уфққа қадар чўзилиб кетган, ҳали бирон-бир кимсанинг изи тушмаган ёлғизоёқ йўл каби сирли ва жозибали кўринар эди.

Хотиним бу исмни эшитган заҳотиёқ худди ёкимсиз нарсанинг таъмини туйгандек, бирдан юзи буришиб кетди:

– Муайяд нима дегани? Дунёда шундан бўлак тузук-роқ исм қуриб қолганми? Алмисокдан қолган шундай исм топишингизни ўзим ҳам сезгандим... Одамлар тўнғич ўғлига ҳам тузукроқ исм қўёлмабди, демайди-ми?!

Хотиним ўғлимнинг исмини айтаётганда ҳадеганда тили айланмай кийналганидан баттар жаҳли кўзиб кетарди. Бироқ унинг бундай норози оҳангда

жаврашлари узоққа чўзилмади, орадан кўп ўтмай индамай кўйди.

Энди ҳамма ўғлимни «Муайяд» деб атайти. У шу исмнинг остида ўсиб-улғаяди. Бу гўё исм эмас, муқаддас тумор сингари уни ҳаётнинг хатарнок кўчаларидан кипригига ҳам гард юқтирмай олиб ўтади, кўнглига ҳамиша энг хузурбахш орзу-умидларни солиб туради.

Ким билади, балки мен ҳавойи ва пуч ўйлар таъсирида хаёлпараст бир кимсага айланиб қолгандирман. Эҳтимол, ўғлимнинг исми бу дунёдаги миллионлаб бошқа номлардан бирон-бир жихати билан фарқ қилмас, у ҳам оддий ва жўн бир исмдир.

Лекин назаримда ўғлимга қўйилган исм бағрида хали одамзод боласига насиб этмаган, бир қарашдаёқ ақлу тасаввурни буткул лол қолдирган мўъжиза яшириниб ётгандек туюлар эди.

Мана шу ўй юрагимни хулё каби жунбишга солар, хаёлан жуда кўп нарсалар ҳақида ваъда берарди. Бунинг устига, мен худди тақдирдан ҳеч қачон меҳру мурувват кўрмаган, балки ҳар доим ўгай ўғил сингари бир четга итқитиб ташлаган кимса каби ўғлимнинг келажакига умид ва хавотир билан қарар, мудом у ҳақда ўйлар эдим.

* * *

Ўғлимнинг чақалоқлик дамлари худди қадим эртаклардаги сингари тинч, осойишта ва сирли тарзда ўтиб борарди: у, одатда, кечаю кундуз уйқудан кўз очай демас, узоқ вақт қотиб ухлар, ҳатто биз билан битта уйда яшаётгани ҳам сезилмасди. Фақат қорни очган пайт тамшаниб-тамшаниб паст овозда йиғлар, унинг овози йиғидан кўра кўпроқ энди кўз очаётган кучук боласининг ғингишига ўхшаб кетар ва хотиним шошапиша кўкрак тутганда, у бир-икки марта тортқилаб-тортқилаб кўкрак сўрар ва эма туриб яна уйқуга кетар-

ди. Баъзан уйқу уни ўзининг сирли домига шунчалик чуқур тортиб кетардики, ҳатто нафас олаётгани ҳам сезилмай қолар, жиппа юмилган кўзлари ва ифодасиз тусга кирган оқпар юзига тикилиб туриб, киши дафъатан нохуш ва совуқ ўйга борганини сезмай қолар эди. Гоҳида хотиним унга тикилиб туриб, туйқус ранг-кути ўчиб типирчилаб қолар ва шоша-пиша ўғлимнинг кўксига бош қўйиб, юрак уришига кулок тутар, аммо хавотири босилмасди, шекилли, атай бурнини чимчилаб, уйқусини бузиб уйғотар эди.

Бунинг устига, ўғлимнинг жисму жуссаси жуда кичкина ва нозик эди. Мен у туғилган кунлари жуда кўп марта унинг юзи, кўзларининг ранги ва мийиғида ёйилиб қулишини ўзимча тасаввур қилишга уринган ва охир-оқибат чехраси кулгидан ёришиб турган лўппигина гўдакнинг қиёфаси хаёлимдан жой олиб улгурган эди. Шу боис ўғлим тасаввуримда яшаётган ана шу чақалоққа қуйиб қўйгандек ўхшайди, деб ўйлар ва бунга каттик ишонар эдим.

Ҳар гал туғуруқхонага егулик кўтариб борганимда, хотиним деразадан бошини чиқариб, ўғлимни худди эсини таниб қолган боладек таърифлар, унинг лабларини ёйиб, беғубор қулишию қўл-оёқларини типирчилатиши, ҳатто, сочларининг ранги, қошу кўзлари кимга ўхшаб кетишини шундай завқ-шавқ билан гапириб берардики, беихтиёр ўзимнинг ҳам юрагим орзиқиб кетарди.

Бироқ ўғлимни туғуруқхонадан олиб келган кун хаяжонда ҳарир чойшабни кўтариб, унинг юзига қарарканман, кўнглим нохуш тортиб кетди: йўргакда ётган гўдак тасаввуримда яшаб келаётган чақалоққа сира ўхшамас эди. Унинг кўпчиган ҳамирдек рангпар юзига ҳали қош-киприк битмаган, бир парча кип-қизил гўштга ўхшар, фақат сийрак сочлари қоп-қора ва узун эди. Унга қараб турарканман, худди орзу-умидим бир зумда саробга айланиб қолган кимсадек бўшашиб кетдим.

Шу ўй таъсирида ўғлимнинг бешигига яқинлашишга анча пайтгача юрагим бетламай юрди.

Аmmo буларнинг бари ўтқинчи экан, чунки ўғлим кунлар ўтган сайин аста-секин улғайиб борар эди: ҳадемай унинг тўлишиб, тип-тиник тортиб қолган юзига ранг ва чирой кирди, қошу киприклари худди шитоб билан ўса бошлаган баҳорги майса сингари ялт этиб кўзга ташланиб қолди, кулгичлари туйқус ёйилиб кетганда кишига бир дунё завқ-шавқ бағишлар эди. Мен унинг жисму жуссасида ҳар дақиқада қандай қудратли ва ҳайратомуз ўзгариш рўй бераётган бўлса, барини уйқунинг сирли ҳамда лаззатбахш бағридан топаётганини ич-ичимдан сезиб турардим. У кунни тунга, тунни кунга улаб ухлар, уйқу худди меҳрибон ва оккўнгил энага сингари ундан меҳру муруввати, қалб кўри ва қувончу шодлигини сира аямас, туну кун боши узра парвона бўлар, унинг мўъжаз руҳиятига ором ва ҳаловат, кўзларига эса нур бағишлар, мушакларини куч-қувват билан тўлдирар эди. Ўғлим уйқунинг сирли кучоғида ором олган кўйи улғайиб борарди.

* * *

Орадан кўз очиб юмгунча саккиз ойдан зиёд вақт ўтиб кетди. Кунлар гўё шамол сингари шитоб билан елиб ўтган, мен вақт қандай кечганини сезмай қолган эдим. Ўғлим соғлом ўсар, у ёшига нисбатан анча тетик, ердан аллақачон бағрини узиб олиб, апил-тапил эмаклашга тушган, баъзан алланимани қўлчалари билан маҳкам тутиб, довдираб-довдираб ўрнидан турар ва қадам ташлашга уринар эди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, гўдакларга хос муғамбирлигию соддалиги, кўзи тушган нарсага хаёлга толиб, узоқ-узоқ тикилиб қолиши, уйқусидаги сирли жилмайишлари, хуллас, ҳамма-ҳаммаси кишини чинакамига ҳайратга солар, хаёлни болаликнинг олис дунёсига бошлаб кетарди.

Баъзан ўғлимга тикилиб туриб, олис йиллар бағрида қолиб кетган болалик кезларимни жуда кўп кўмсардим. Айниқса, киндик қоним тўкилган қишлоқдан узоқда – мусофир шаҳарда яшай бошлаганимдан буён болаликдаги хотираларим ҳаётимнинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолган эди. «Йўқ, – деб ўйлардим, – одам боласи аслида болалик даврини эмас, балки масрур туйғуларини соғинади, юрагини оғир кўланка сингари босиб ётган изтиробу аламини унутиб, шафқатсиз дунёнинг юзига яна бир марта гўдак назари билан қарашни, болаликнинг ўзи каби содда ва беғубор қиёфада кўришни истайди».

Ана шундай ўй-фикрларни хаёлимдан ўтказар эканман, одам боласи асли фаришта қавмидан яралгани, унинг кўнгил интилиши, бўй-бастидан ҳамиша анвойи гулларнинг муаттар ҳиди уфуриб туриши, бу қаримсиқ дунё унга жирканч ва ёвуз нарсалардан бетиним сабоқ бериб, ўз изму ихтиёрига солишга уринмасин, барибир, кўнглининг тубида милтираб турган гўзаллик, меҳр-шафқатга ташналик ҳиссидан батамом маҳрум қилиб, ҳиссиз бир махлуққа айлантириб қўйишга ожиз эканлигига юракдан иймон келтирар эдим.

Аслида ҳам шундай эмасми?!

Ахир, шундай кўз ўнгимда ҳеч нарсани хаёлига келтирмай ўйнаётган ўғлим ҳам кўнглимдан кечаётган бу ўйларни унсиз тасдиқлаб турарди: у кўзи тушган ҳар бир нарсага ўзининг рўй-рост ва адолатли фикрини билдирар – буни унинг юзига қалқиб чиққан ифодадан ҳам билиш мумкин эди, ҳеч нарсага шубҳа ва бадгумонлик билан қарамас, тама илинжида ялиниб ялтоқланмасди. У бу қадим дунё аслида қандай яралган бўлса, шундай қабул қилар, унинг мурғак қалби тонгги шабнамдек мусаффо эди.

Ўғлимнинг кўзига бу кўҳна дунёнинг қўйнида айқаш-уйқаш бўлиб ётган ҳамма нарса қизиқ ва сирли кўринар,

кўнглида чексиз хайрат ва таажжуб уйғотар, ипакдек майин хаёлларини ўз домига тортиб кетарди. У ҳар бир нарсага киприк қоқмай узок тикилиб қолар, гўё алланималарни муҳокама қилаётгандек пешонасини тириштирар, хайратдан катта-катта очилган кўзларида ҳадик ва қизиқиш зоҳир эди.

Эҳтимол, айтсам ишонмассиз, бир сафар ўғлимни мен ва хотинимнинг қиёфамиз, юриш-туришимиз, сўз қотишу кулгиларимиз ҳам мўъжиза янглиғ хайратга солиши, унинг мурғак тасавбурида адоксиз қизиқиш уйғотишини илкис пайқаб қолдим. Ўшанда ёзнинг илик окшом маҳали, хотиним болалик чоғида рўй берган қизиқ бир воқеани гапириб бераётган эди: у аллақачон хотирага айланиб қолган ўша воқеани айни дамда бошидан кечираётгандек, хаяжонга тушиб жўшиб гапираар ва завқи келгандан дам-бадам шарақлаб кулиб кўярди. Унинг чехраси янада очилиб кетган, хаяжонданми, ёноқлари кип-қизил тортган, берилиб гапириши қулоғимга майин ва ёқимли эшитилар эди. Шу боис, унинг гапларига буткул махлиё бўлиб, қилт этмай ўтирардим. Аммо туйқус алланимадан хаёлим бўлинди-ю, ғалати ҳолатга кўзим тушди: ўғлим – тўққиз ойлик гўдак ҳам гўё ҳамма нарсани аниқ-тиниқ англаётгандек онасига тикилиб ўтирар, қиёфаси жиддий, фақат онда-сонда алланимадан завқи келибми, мийиғида кулиб-кулиб кўяр эди. Мен унга тикилиб қарарканман, Муайядни онаси гапириб бераётган воқеа эмас, балки унинг қандай алфозда гапириши, лабларини тез-тез кимирлатишию шарақлаб кулиши хайратга солаётганини пайқаб қолдим-у, ўзимни тутолмай кулиб юбордим. Овозим уй ичини тутиб кетди. Ўғлим ҳам бирдан сергак тортди ва менга ялт этиб қаради-ю, у ҳам кулиб юборди. Хотиним, табиийки, ҳеч нарсани пайқамади. Кейин мен унга қандай воқеа рўй берганини гапириб бергандим, мени хаёлпарастга йўйиб, гапларимга ишонмади.

Ўғлимнинг табиатидаги гўдакларга хос соддалик кўнглида кечаётган ўй-хаёлларни яшириб қолишга имкон бермасди. Агар унга бирон-бир нарса ёқиб тушса, кулгичлари ўз-ўзидан ёйилиб кетар ва кўркув ҳамда ҳадикни ҳам унутиб, ирғишлаганча ўша томонга талпиниб қоларди. Хунук ва ёқимсиз нарсалар, табиийки, ўғлимнинг руҳиятига ёмон таъсир қилар, бундай пайтда унинг юзи бирдан буришиб, аянчли тусга кирар ва чинкириб йиғлаб юборар эди.

Бир куни шундай воқеа рўй берди: ўшанда кун энди узилаётган палла – айна шом маҳали эди. Уй деразасининг тавақалари очиб қўйилганидан ичкарига салқин шабада ғир-ғир оқиб кирар ва димикқан ҳавони ҳайдаб соларди. Мен ботаётган қуёшнинг дераза ойнасида ўйнаётган шафақларига жимгина тикилиб ўтирар, кун бўйи кутубхонада китоб титкилаганимдан бошим тинимсиз ғувиллар ва ўзимни қаттиқ толиққандек ҳис этардим. Ўғлим ҳам боягина уйкудан уйғонган, ўзига кела олмай хомуш тортиб ўтирар эди. Хотиним ташқарида – ошхонада кечки овқатга уннар, уй ичига оғир жимлик чўккан эди.

Ўғлим иккимиз мана шундай хаёлга ғарқ бўлиб турган пайт, кутилмаганда уй ичига қандайдир капалак учиб кирди. Капалак жуда чиройли ва нафис эди, унинг сарғиш тусдаги қанотлари қуёшнинг алвон шафақларида ялт-ялт этиб товланиб, кўзни олар, хонада гўё бир парча чўғ учиб юрганга ўхшарди. Капалак бошим устида доира солиб, айланиб уча бошлади.

Кўнглимдан арвоҳ капалак бўлса керак деган ўй кечди-ю, бирдан сергак тортдим. Табиатан ирим-сиримларга унчалик ишонмасдим. Лекин капалаклар тўғрисидаги нохуш таассурот болалигимдан хотира бўлиб қолган, орадан узок йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳали-хануз бу ўйдан қутула олмасдим. Болалигимда оқшом маҳаллари ҳовлимизда тез-тез сарик

капалаклар пайдо бўлиб қолар, онам эса дарҳол пичирлаб аллақандай дуоларни ўқир ва ора-сира бизга хаяжонли овозда: «Булар арвоҳ капалаклар, тагин тега кўрманглар», дея қайта-қайта ўқтирар эди.

Сарик капалаклар ҳовлидаги гулларга кўниб, узоқ вақт учиб юрарди. Онам тун чўкиб, ҳашаротлар кўздан буткул ғойиб бўлгунга қадар бизга номаълум кўркув ва саросимадан қутула олмас, баъзан капалакларнинг катта-кичиклиги, учишига қараб туриб, бугун отамнинг ёки онамнинг арвоҳи келди, деб ўз-ўзига пичирлаб кўярди. Сўнг арвоҳлар умидвор бўлаяпти, дея, албатта, бўғирсок ёки чалпак пишириб кўни-кўшниларга тарқатарди. Онамнинг ўшандаги ҳолати хотирамга қаттиқ муҳрланиб қолган, шундан буён нафақат сарик капалаклар, балки барча капалакларга чўчиб, кўркув билан қарар, уларга кўзим тушган захотиёк ўз-ўзидан юрагимга ваҳима ора-лаб қоларди.

Айни дамда уйга учиб кирган капалакни кўздан қочирмай кузатар эканман, ичимда унинг шом маҳали пайдо бўлганини қандайдир фалокатнинг аломатига йўяр, бироқ ўрнимдан туриб, уни ташқарига қувиб чиқаришга зинҳор ботина олмасдим.

Ўғлим уй ичига капалак учиб кирганини пайкамай қолди, у ҳали-хануз хомуш тортиб ланж қиёфада ўтирар, лабларини чўччайтириб, бошини қуйи солиб олган, дам-бадам кўзлари юмилиб-юмилиб кетар эди. Мен ҳам ич-ичимдан унинг кўзи капалакка тушиб қолишини сира истамас, гўё бу ҳашаротни кўрса, фалокат содир бўладигандек, хавотир билан тез-тез унга қараб-қараб кўярдим.

Буни қарангки, капалак худди кўнглимдан кечаётган хавотирни сезиб атай қилгандек, тўппа-тўғри ўғлимнинг боши устига учиб борди-да, доира солиб айлана бошлади. Уй ичига оғир жимлик чўккан, капалакнинг ҳавони оҳиста-оҳиста сирмаётган қанотлари

саси, назаримда, эшитилаётгандек туюлар ва юрагимдаги ваҳима баттар ортиб борар эди.

Капалак шу алфозда жимир-жимир этиб учганча, анча пайт ўғлимнинг боши устида айланди. Бир пайт ҳамон мудраб ўтирган Муайяд кутилмаганда бошини илкис кўтарди ва кўзларини катта-катта очиб, юқорига қаради. У капалакка кўзи тушиб, бир муддат анграйиб қолди. Аммо ҳайрати узокка чўзилмади, бир пайт, чамаси, кўнглида қизиқиш ва иштиёқ ҳисси устун келди, шекилли, кулгичлари ўз-ўзидан ёйилиб кетди, митти кўлчаларини худди капалак қанотларидек апил-тапил силкитганча ирғишлашга тушди. У кўлчаларини шитоб билан тез-тез силкитар ва тушуниксиз, аммо ҳаяжон тўла товушда алланималар деб кичкириб-кичкириб кўяр эди. Катта-катта очилган кўзлари чўғдек ёниб турар, ёноқлари кипқизил тортиб кетганди. Капалак ҳам чўчимас, худди атай у билан ўйнаш учун учиб киргандек, боши устида тинимсиз айланар, гоҳ юқорилаб, гоҳо пастлаб учар, қанотларини рақсга тушаётгандек нозли-нозли силкитиб кўярди.

Уларга қараб туриб юрагим орзиқиб кетар, хаёлимни банд этиб олган бояги ваҳимали ва нохуш ўйлар аста-секин кўтарилиб борарди. Ич-ичимдан ўғлимга хавасим келар, зеро, хали тили чикмаган гўдак бу дунё гўзаллигидан завқ-шавқ олаётган эди.

Аслида капалак ҳам жуда чиройли эди.

Шу кун куёшнинг алвон шафақлари батамом сўниб, тун чўккунга қадар ўғлим капалак билан ўйнади.

* * *

Ҳаётимиз шундай тинч ва осойишта ўтиб борар, биз Муайяд билан овунар ва кувонар, уни ўзимизга тақдирнинг энг катта сийлови деб билардик. У митти сеҳргар каби кўнглимизга ҳамиша умиду ишонч солиб

турар, кўзимизга бу кекса дунё ўта сахий ва мурувватли бўлиб кўринар, яшаш эса завкли туюлар эди.

Аммо ёз ўтиб, шаҳарга кузнинг намхуш нафаси кириб келган, дов-дарахтлар япроғи заъфарон тус олган кезларда кутилмаганда ўғлимнинг рухиятида ғалати ўзгариш бошланди ва хотиним иккимиз азбаройи кўрқув ва ваҳимага тушганимиздан ўзимизни буткул йўқотиб қўйдик.

* * *

Бу ҳақда хотиним илгари ҳам икки-уч марта хавотирланиб гапирган, аммо мен шунчаки ваҳима қилаяпти, деган ўйда бу шўришларга тузук-куруқ эътибор бермаган эдим.

Ўша куни, кечга томон уйга қайтганимда, хотиним шундай ваҳима билан кутиб олдики, беихтиёр ўзимнинг ҳам кўнглимга хавотир оралаганини сезмай қолдим.

– Ўғлингизга нима бўлган – сира тушунолмаيمان, – деди у йиғлагудек бўлиб. – Кун узоғи умуман ухламади, бешигини тсбратавериб кўлим узилиб тушай деди. Қани энди, кўзини юма қолса, қайда дейсиз, биғиллаб йиғлаганча кўл-оёғини типирчилатиб, бешикдан ечиб ол дегандай тинмай хархаша қилади. Бешикдан ечилиб, боладек ўз кўйида ўйнаб ўтирса майли эди. Бунингиз одамнинг хаёлига келмайдиган қилиқ чиқарган. Ҳали гиламнинг катини кўтариб, остидан алланима излайди, ҳали тахмоннинг орасига кўл суқиб титкилайди, ҳали сизнинг анави китобларингизни олиб, битта-битта варақлайди. Ўйнаб шундай қилса, гўрга эди, йўқ, бунингиз титкилаб-титкилаб, охири ўз-ўзидан чинқириб йиғлаб юборади. Тавба, худди алланарса чакиб олгандек шундай қакшаб йиғлайдики, овозидан уй кўчиб кетай дейди. Йиғлаганда ранг-рўйини кўрсангиз, кўрқиб кетасиз. Овутгунча жоним нақ бўғзимга келади. Бола бўлиб, болага ўхшамайди, хайронман...

Хотинимнинг гапларини эшитиб туриб, уй ўрта-сида худди ўзи ҳақида гапираётганимизни англа-гандек, бошини қуйи солиб, хомуш тортиб ўтирган ўғлимга яхшироқ разм солдим: у ғамгин ва маъюс эди. Кўзлари ич-ичига ботган, ранги синик, афтидан, ичини қандайдир дард қийнаётганга ўхшар эди. Мен шунча кундан буён ўғлимга тузук-курук эътибор бермабман. Айни дамда, у кўзимга қандайдир оғир дардга чали-ниб, бирдан сўлиб қолганга ўхшаб кўринди. Дархол кўтариб, бағримга босдим ва юзидан ўпиб, эркалаган бўлдим. Аммо у одатдагидек қувончдан ирғишламади, эркалашларимга ҳам парво қилмади. Қўлларимда шал-вирабгина турар, бутун вужуди қарахт тортиб қол-гандек, ҳеч нарсани пайқамас, чамаси, хаёли ўзида эмас, аллақаёқларда учиб юрарди.

Оқшом хотиним иккимиз бир-биримизга сўз қотишга ҳам ҳафсала қилмай жимгина овқатландик. Ўғлим ту-ғилгандан буён уйимизга ҳеч қачон бундай оғир жимлик чўкмаган, унинг руҳиятида рўй берган ўзгариш бизни ғам-ғуссага ботириб қўйган эди.

Овқатланиб бўлиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, ғалати воқеа юз берди: шунча пайтдан буён чиройи очил-май тумшайиб ўтирган ўғлим бирдан ўз-ўзидан жонла-ниб қолди, унинг сўник ва рутубатли кўзлари чакнаб кет-ди, юзига ҳам кизиллик югуриб қолди ва нимадир ёдига тушиб қолгандек, шошиб ўрнидан кўзгалди-да, апил-та-пил эмаклаганча уй тўридаги тахмон томон юра бошла-ди. У ёвқур ва ўжар қиёфага кирган, юзини шиддатли ифода қоплаб олган, кўзлари ёниб турарди, айни дамда ҳали эсини танимаган гўдакка эмас, балки ўлжаси то-мон шитоб билан бостириб бораётган сиртлонга ўхшар, ҳаракатлари кескин ва қатъий, шу тобда уни ҳеч қандай куч изига қайтаришга қурби етмасди.

Уй ичига юракни тарс ёрадиган жимлик чўккан, хотиним иккимиз нафасимизни ичимизга ютганча ўғ-

лимдан кўз узмай турардик. Аммо у тахмонгача етмай, сал бу ёқда, деворга яқин жойда тўхтади. Ким билади, эҳтимол, у аслида тахмон томонга эмаклаб бормаётган, фақат менга шундай туюлгандир. Билмадим, ишқилиб, ўғлим оёқларини узатган кўйи ястаниб ўтириб олди-да, қўлчалари билан шошиб гилам катини кўтарди ва бўйнини чўзиб унинг остига қаради. Чамаси, у алланимани излар ва ўша излаётган нарсасини гилам остидан топиб олишга сира иккиланмасди, шекилли, ишонч ва умид билан киприк қоқмай тикиларди.

Биз ундан кўз узмай турар, кўнглимизда кизиқиш ва хавотир бўлса-да, хаёлини бузишга журъатимиз етмасди.

Орадан имиллаб бир неча дақиқа ўтгач, ўғлим оғир хўрсинди-да, қўлчаси билан тутиб турган гилам катини ўзига ярашмаган аллақандай зарда ва иддао билан кўйиб юборди, сўнг яна бояги важоҳат билан уй тўрига, тахмон томонга эмаклаб кетди.

Кўрпа-ёстик йиғиб кўйилган тахмон чеккасига чираниб осилганча ўрнидан туриб олди ва ўнг қўлини унинг қатига сукқанча ҳафсала билан титкилашга тушди. У гўё хаммасини олдиндан пухта ўйлаб олгандек ҳар бир ҳаракатини адашмай-оғишмай бажарар, ўнг қўлини чаққонлик билан кўрпа-тўшак қатига суқиб, тез-тез титкилар, чап қўли билан эса, йиқилиб тушмаслик учун тахмон четини маҳкам чангаллаб олган эди.

У қўлчаси тахмон орасида экан, кўзларини охиста юмиб олар ва узоқ пайт пайпасланарди. Баъзан худди излаётган нарсасини топиб олгандек бирдан кўзлари ярқ этиб катта-катта очилиб кетар, баъзан эса, кўрпа-тўшакларнинг четидан тутиб тортқилаганча, тахмонни йикитишга уринар, азбаройи чиранганидан бўғрикиб кетганди.

Аммо унинг барча чиранишлари беҳуда кетаётган эди, тахмон унинг боши устида худди қоядек соя ташлаб

турар, қанчалик уринмасин, барибир, йиқитишга қурби етмасди. Ўғлимдан кўз узмай қараб турар эканман, ниманидир излаётгани ва шундан буткул тинчини йўқотиб қўйганига тобора ишониб борар, хаёлимни бир-биридан сирли ва чигал ўйлар банд эта бошлаган эди. Ўғлим бунчалик берилиб нимани излапти ўзи?

Унинг хатти-ҳаракатлари аста-секин асабий тус олар, кўлчалари ўзига бўйсунмай зир-зир титрар, кўзларида гир-гир ёш айланар ва тахмон четини тутганча ҳамон чайқалиб турарди.

Мен ўғлимнинг хатти-ҳаракати шундай яқун топишини олдиндан сезган, юрагим кўрқув ва хавотирга тўлиб тоқатсизланиб кутиб турган эдим. Ўйлаганимдек, бир пайт ўғлим алам билан ўзини ерга ташлаб юборди ва уй ичини унинг чинкириб йиғлагани тутиб кетди. Муайяд ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаб йиғлар, оёқчалари билан ерни тап-тап тениб кўяр ва кўзларидан тиркираб ёш куйилар эди. Унинг овози шунчалик алам ва изтиробга тўла эдики, бу оддий гўдакнинг хархашасига сира ўхшамас, балки бошига оғир жудолик тушган кимсанинг фарёди сингари юракка санчилиб ботар эди.

Менинг ҳам кўнглим бузилиб, кўзларимга ёш тўлиб қолди ва ўрнимдан отилиб туриб, ўғлимни ердан кўтариб олдим. Аммо унинг кўнгли баттар ўксиб кетди, шекилли, юзини кўксимга босиб, боягидан ҳам аянчлироқ овозда чинкириб йиғлашга тушди. У дарду аламини йиғи орқали англатмоқчидек, ўзини босолмай селу селоб бўлиб йиғлар, миттигина жуссаси силкиниб-силкиниб тушар, аъзойи бадани қизиб кетган, кўзларидан тиркираб чиқаётган иссиқ кўз ёш кўксимга шилқиллаб сингиб борарди.

Мен уй ўртасида ўғлимни бағримга босиб турарканман, уни қандай овутишни билмасдим, одатдаги ширин сўз ва эркалатишларим, айни дамда, умуман қорқилмасди.

Бунинг устига, унинг миттигина жисму жуссасини ўраб-чирмаб олган изтиробу ўкинч, алам ва қайғу, ўзини буткул унутганча чинкириб йиғлаши мени ҳам карахт қилиб ташлаган, бошим ҳеч нарсани идрок этмас, чорасизликдан ўғлимни бағримга босганча тошдек қотиб турардим.

Хотиним ҳам аллақачон Муайядга қўшилиб пиқ-пиқ йиғлашга тушган, кўнгли қандайдир нохушликнинг шарпасини сезгандек кўзлари кўрқув ва ваҳимага тўлиб қолган эди.

Ўғлимнинг ҳадеганда йиғиси босилавермагач, хотиним уни кўлимдан олиб, бағрига босди ва овуниб колармикин, деган ўйда кўкрак тутди. Одатда, ўғлим хархаша қилиб йиғлашга тушган пайт хотиним дарров кўкрак тутар ва у бирдан шунга андармон бўларди. Бироқ бу гал оғзига кўкрак олишни истамади, бошини орқага ташлаб йиғлар, оёқчаларини бетиним тирчилатиб, онасининг бағридан халос бўлишга уринарди.

Хотиним дам унинг кўлига қандайдир ширинлик тутар, дам ўйинчоқларини шиқирлатиб, хаёлини чалғитишга уринар, лекин буларнинг барини унинг адоқсиз йиғиси босиб кетарди.

Охири болани бешикка беллади-да, уни оҳиста тебратиб, ҳазин овозда алла айта бошлади. У кўпроқ нола қилаётганга ўхшар, ғамгин овози бешикда биғиллаб йиғлаётган ўғлимнинг йиғисига қоришиб, хонани гўё мотамсаро навҳа тутиб кетганди.

Хотиним бешикни узоқ тебратди. Йиғи холдан тойдирди, шекилли, кўп ўтмай унинг кўзлари уйқунинг сирли домига илинди-ю, тинчиб қолди.

Аммо у жуда нотинч ухлар, алахсираб алланималар дея ғудранар, гоҳо у ёқдан-бу ёққа ағдарилишга уринар, аммо бешикнинг маҳкам тортиб боғланган боғичлари бунга имкон бермасди.

Мен алламаҳалгача ухламай, ўғлимнинг боши устида ўтирдим. Унинг хаёлини ўғирлаган ўша сирли нарса уйқусида ҳам тинчлик бермасди, ухлаб ётаркан, юзидаги ифода тез-тез ўзгариб турар, гоҳида курукшаган лабларида кутилмаганда беғубор кулги шарпалари югургилаб қолар, аммо кулгичлари ҳали росмана ёйилишга улгурмай туриб, бирдан сўнар, сўнг чехрасини тагин тунд ва рутубатли, мутлақо тушуниксиз ифода коплаб оларди. Баъзан эса, у уйқусида алланимадан чўчиб тушганидан ранг-рўйи терс оқариб кетар ва лаблари тортилиб, йиғлашга чоғланарди-ю, сўнг яна тинчиб қоларди.

Унинг изтиробга ботган юзига қараб туришга ортиқ сабрим чидамади, бешикнинг ёпқичини секин тортиб қўйдим.

* * *

Эртаси куни эрталаб институтда илмий раҳбарим бўлмиш қирқ беш ёшлар чамасидаги пакана профессор билан учрашдим: илмий ишим аллақачон ниҳоясига етган, фақат ҳимоя кунини белгилаш қолган эди. Домла мен билан ҳол-аҳвол сўрашгач, кейинги ойнанинг охирида илмий ишим ҳимояга тавсия этилганини айтар экан, баъзи бир камчиликлар устида жиддий ишлашим лозимлигини қайта-қайта тайинлади:

– Иш ҳар жиҳатдан пухта бўлгани яхши, – деди у. – Ҳали олдинда етарлича вақт бор. Илмий ишингизни яна бир марта бошдан-охир қайта кўздан кечириб чиқинг.

Профессор яна бир талай топшириқлар берди. У ҳимоя мурасасиз ва кескин ўтишини, тирноқ остидан кир кидирадиган айрим кимсалар пайт пойлаб юрганини, уларнинг ҳар бир илмоқли саволига ўзимни йўқотиб қўймай босиклик билан жавоб қайтаришим лозимлигини қайта-қайта уқтирди.

Илмий раҳбарим анча бадгумон одам эди, у ўзини фанда ғанимлари кўп деб билар, гўё ҳар бир босган

кадамини кимдир таъқиб этиб юргандек, ўта эҳтиёткор эди.

Бунинг устига, мени жуда қобилятли, кўп нарсага кодир ёшлардан бири, деб ҳисоблар, бундан беш йил бурун ҳам институтни тугатиш арафасида талабалар орасидан ёлғиз мени илм билан шуғулланишга ундаган эди.

Профессор билан хайрлашгач, тўппа-тўғри уйга йўл олдим. Айни пайтда, илмий ишим ҳимояга тавсия этилгани ҳам кўнглимга сиғмасди. Ҳолбуки, ҳаётимдаги энг катта мақсадларимдан бири – шу илмий ишни ҳимоя қилиш эди. Бунинг учун қарийб беш йил машаққат чеккан, тунларни уйқусиз ўтказган, кутубхонанинг зах босган хоналарида ойлаб китоб титкилаб ўтирган эдим. Айниқса, ота-онам ва хотиним худди мўъжиза содир бўладигандек, ҳимоя кунини сабрсизлик билан кутишар эди.

Тунни нотинч ўтказганимдан бошим лўқиллаб оғрир, бутун вужудим ланж ва қарахт, ҳеч нарса ёқмас, ҳаёлим паришон эди. Кеча оқшомдан буён ўғлим ҳақида тинимсиз ўйлаб, унинг безовталиги сабабини билолмаётгандим. Агар у уйдаги бирон-бир буюм ёки ўйинчоқнинг дардида шунчалик ичикиб безовта тортаётган бўлса, ўша томонга талпинар, қўли билан имо-ишора қилиб кўрсатганча, олиб бер, дея хархаша қиларди. Аммо у бирон-бир буюм ёки жиҳозга қайрилиб ҳам қарамаган эди. Қолаверса, ҳар қандай ўжар бола ҳам бунчалик ичикиб безовта тортмайди. Ким билади, эҳтимол, ўғлим излаётган нарса нафақат уйимизда, балки дунёнинг ўзида йўқдир?! Эҳтимол, нимани излаётганини ўзи ҳам билмас?! Эҳтимол, бу узок вақт яширинча давом этган ва кутилмаганда қалқиб юзага чиққан қандайдир оғир дарднинг аломатидир?!

Шундай нохуш ўй-хаёлларга ғарқ бўлганча уйга етиб келиб, эшикни очган хотинимнинг ғуссага ботган сўлғин

юзига кўзим тушгач, кўнглимдан ўғлим яна тинчини йўкотган деган ўй кечди. Дилим баттар қоронғи тортиб, хотинимга сўз қотишга ҳам ҳафсалам етмай, ичкарига бош суқдим.

Муайяд бешик каватида тўшалган кўрпача устида тиззаси устига қўйиб олган қалин муқовали китобни – илмий ишимга тааллуқли «Қадимги дунё солномаси»ни битта-битта варақлаб ўтирарди. У уйга кирганимни пайқамади, шекилли, бошини кўтариб ҳам қарамади. Ўғлим бутун дунёни унутган, гўё тиззаси устига қўйиб олган китобнинг қат-катига сингиб кетгандек, юз-кўзида хаёлнинг оғир шарпалари сузиб юрар, лабларини чўччайтириб олган эди. У китобни шошилмай битта-битта варақлар, ҳар бир саҳифани берилиб, диққат билан кўздан кечирав, ҳеч нарсани кўздан қочирмас, баъзан аллақайси суратга узоқ тикилиб қолар, пешонасини тириштириб алланималарни хаёлидан ўтказар, бундай пайтда юзининг бир чеккаси хиёл ёришиб кетгандек бўлар, аммо бу ифода бир лаҳзанинг ўзида ғойиб бўлар, сўнг хўрсингандек чуқур нафас олиб, жимгина навбатдаги саҳифани очар эди. Ҳали эсини танимаган гўдакнинг бундай вазмин ва жиддий тортганча китоб варақлаб ўтириши, табиийки, ҳар қандай кишини ҳайратга соларди. Менимча у шунчаки китоб титкилаётгани йўқ, балки юрагига қутқу солган ўша сирли нарсани китоб орасидан излаётган эди. Уйга кириб, унга кўзим тушган заҳотиёк кўнглимдан шундай ўй кечди.

Остонада анча туриб қолдим. Бир пайт ўғлимнинг нимадандир хаёли бўлинди, шекилли, китобдан нигоҳини узди-да, бошини кўтариб менга қаради: аммо танимаётгандек совуқ ва бегонасираб тикилиб турар, нигоҳи аллақандай ғамгин эди. Афтидан, уни хаёл буткул чалғитиб қўйган ёки жисму жуссаси қарахт тортиб қолганидан ҳеч нарса сезмас ва идрок

этмасди. Муайяднинг ҳозирги ҳолатини бошқача изоҳлаб бўлмасди. Одатда, ҳар куни уйга келганимда у ирғишлаб бағримга талпинар, қувончдан кўзлари порлаб кетарди. Айни дамда эса, биз худди икки нота-ниш кимса каби бир-биримизга бегонасираб тикилиб турардик.

Анча пайтдан сўнг ўғлим нигоҳини худди қийнал-гандек базўр узиб олди-да, оғир хўрсинди ва тагин жимгина китоб титкилашга тушди. У остонада турганимни эсидан чиқариб юборди шекилли, қайта бошини кўтармади.

Мен худди бегона уйга адашиб кириб қолган одам-дек ўзимни ноқулай ҳис этар, тош қотиб туришни ҳам, ташқарига чиқиб кетишни ҳам билмасдим.

Шу пайт йўл-йўлакай дўкондан харид қилган ўйинчоклар ёдимга тушиб қолди-ю, тўрхалтани шоша-пиша титкилай бошладим. Ўйинчокларни олиб, ўғлимнинг қаршисига териб қўйдим. Кейин қаддимни ростларканман:

– Муайяд! – дедим овозимни кўтариб. Хитобим хаяжон ва энтиқишга қоришиб эшитилганини ўзим ҳам сезиб, ғалати бўлиб кетдим. – Қара, ўғлим, сенга қандай чиройли ўйинчоклар олиб келдим.

Ўйинчоклар жуда бежирим ва чиройли эди, улар ҳар қандай боланинг эътиборини бирдан ўзига тортиб, кўзини ўйнатиб юбориши тайин эди. Ўғлим ҳам китобдан нигоҳини узиб, ўйинчокларга тикилиб қолди. Афтидан, ўйинчоклар унга ёқиб тушди, бирдан қуруқшаган лаблари ёйилиб, кўзларидаги рутубатли ифода аллақаякка ғойиб бўлди. Аммо тиззаси устидаги китобни маҳкам ушлаб олган, чамаси, ундан хаёлини бутунлай узиб ололмаган эди.

Орадан бир лаҳза ўтиб-ўтмай кўнглида уйғонган қизиқиш ҳисси бирдан сўниб қолди, шекилли, тагин қовоклари солиниб кела бошлади. Ўғлим ўйинчокларга

қўл уриш у ёқда турсин, хатто улар томонга талпинмади ҳам. Фақат у ўйинчоқлардан нигоҳини узиб олаётиб, гўё буларни нима мақсадда олиб келганимни ич-ичидан яхши англаб тургандек, кўзларини катта-катта очганча, ялт этиб менга қаради ва бир муддат киприк қокмай тикилиб қолди. Ох, унинг тиғдек ўткир, изтиробу алам коришиб кетган нигоҳига дош бериш жуда оғир эди. Муайяднинг нигоҳидан шунчалик кўп нарсани уқиб олдимки, азбаройи юрагим кўрқув ва ваҳимага тўлиб қолганидан, бирдан бўшашиб кетдим.

Ўғлим бу дарду балога кеча ёки бугун чалинмаган, балки бунга анча бўлган, эҳтимол, у дунёга келган чоғ бу тушуниксиз дард мўру малаҳдек унинг этагига ёпишган ва кунлар ўтган сайин жисму жуссасини ўраб-чирмаб олаётган эди. Муайяд унсиз, забун аҳволда бу дарддан қутулишга уринаркан, гўдаклик дунёсини аллақачон тарк этган, у оқни қорадан ажратадиган, ҳаётни росмана идрок этадиган кимсага айланиб қолгандек эди. Ўғлимнинг инон-ихтиёри ўзида эмасди, бу дард қора ҳаёл каби унинг фикру зикрини банд этиб, буткул ўз измига солиб олишга улгурган эди.

Энг даҳшатлиси, ўғлимнинг биздан – мен ва хотинимдан аллақачон кўнгли совиган, ота-оналик меҳру муҳаббатимиз, еру кўкка ишонмай суйиб эркалашларимиз унинг муз тортган юрагини энди қайта илита олмас, у гўё ўзга бир дунёда сарсон-саргардон тентираб юрарди.

Эҳтимол, ўғлим бу дарду ситам худди қора кўланка сингари ваҳм билан устига бостириб келган пайт кўмак ва нажот истаб бизнинг бағримизга талпинган, чинкириб йиғлаганча нола қилган, умид ва илинж билан оғзимизга тикилган, изтиробдан кўзлари толиб, юзи сарғайиб кетган, аммо у умиду илтижоси, нолаю фиғони худди сувга отилган тош сингари сас-садосиз кетаётганини кўргач, тушкунликнинг беаёв исқанжасида қолгандир.

Йўқ, йўқ, ўғлим хаёлини ўғирлаб буткул ўз изму ихтиёрига солиб олган ўша сирли нарсани, энг аввало, бизнинг жисму жуссамиздан излаган, кўнглимизнинг ҳеч қачон очилмаганидан занг ва рутубат босиб кетган эшикларини умид ва илинж билан узок пайт тақиллатиб турган, биз эса, унинг ахвол-руҳияти, интилишу изтиробларидан мутлақо беҳабар ғафлат кўрпәсига бурканиб яшаган, ўзимизнинг ширин сўз ва эркалашларимиз билан унинг мурғак қалбини қувонтираяпмиз, деб ўз-ўзимизни алдаб келган, аслида эса, унинг кўм-кўк майса сингари ўса бошлаган умиду ишончини шафқатсизларча топтаб ташлаган эдик. Ўғлим бизнинг бағримизга талпинаркан, буткул ўзга нарсаларни излаган, аммо ташландик уй сингари харобага айланиб, хувиллаб ётган қалбимизни кўргач, бирдан ишончу умиди сўниб қолган эди. У биздан қанчалик тез узоклашса, шунчалик енгил тортиб борарди.

Мен ўғлимнинг нигоҳидан шуларни уқиб олган ва азбаройи даҳшатга тушганимдан юрагим муз тортиб кетган эди.

* * *

Оқшом ўғлимни ўз ҳолига ташлаб кўйдик. У тун алламаҳал бўлгунга қадар уй ичида у ёқдан-бу ёққа тентираб, хаёлини ўғирлаб кўйган ўша нарсани бе-самар излаб юрди, на менга, на онасига талпинди, инжиклик ва хархаша ҳам қилмади. Фақат кўзларига уйқу тиқилиб келгандан сўнггина инжикланиб йиғлашга тушди. Онаси уни бешикка ётқизиб тебратгач, тезда ухлаб қолди.

* * *

Аниқ ёдимда йўқ, ҳафтанинг чоршанба ё пайшанба куни эди, биз Муайядни докторга олиб бордик. Зеро, бундан бўлак чорамиз қолмаган, уни росмана касал деб айта

олмасак-да, сўлиб-сарғайиб бораётган юзига жимгина тикилиб ҳам яшай олмасдик.

Буни карангки, хаммаси мен ўйлагандан мутлако бошқача бўлиб чиқди. Шифокор ўзининг биргина истеҳзоли кулгиси билан кўнглимга тинимсиз кўркув ва ваҳима солаётган нохуш ўйларни қувиб юборди. У, афтидан, ўз касбини миридан-сиригача билар, ҳар бир сўзини ишонч билан гапирар, ортиқча эътироз ва тушунмовчиликка ўрин қолдирмасди.

Шифокор бизни очик юз билан илиққина қарши олар экан, ўғлим хақидаги гапларимни охиригача жимгина эшитди. Унинг ўйчан юзидан бирон-бир нарсани укиб олиш қийин эди, фақат у хотинимнинг тиззасида лаб-лунжини осилтирганча, тумшайиб ўтирган ўғлимга тикилиб разм соларкан, кутилмаганда ўзини тутолмай бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унинг кулгисидан дераза ойналари зиркираб кетгандек бўлди. Мен ҳайрон қолганча унга саволомуз қарадим: кулгининг зўридан кўзлари ёшланиб, икки юзи кипқизил тортиб кетди.

– Оббо сизни-ей, – деди ўзини кулгидан базўр тияр экан. – Ўйлаб топган гапингизни каранг: алланимани излармиш! Ўғлингиз ҳали эсини таниб улгурмаган гўдак-ку, муштдек боши билан нимани излаши мумкин?! Бундай гапларни қаердан топдингиз?!

У сўзини қисқа қилди, боя нечоғлик тез шарақлаб кулган бўлса, шунчалик жиддий тортиб, ўғлимни хона тўридаги оппоқ чойшаб тўшалган ўриндикка ётқизди-да, кўздан кечира бошлади. У энкайиб бегонасираётганидан тинимсиз типирчилаётган ўғлимнинг гоҳ қорнини босиб кўрар, гоҳо қабокларини кўтариб, кўзи остига қарар ва ора-сирада хотинимга юзланиб, туғилганда йиғлаганмиди, асосан қайси пайтлар безовта бўлади, деб сўраб кўярди. Унинг кўзлари ўйчан тортган, юзида аллақандай мубҳам фикрнинг шарпа-

си сузиб юрар, чамаси, болани қандай дард безовта килаётгани хақида чуқур ўйларди.

Кейин дераза қаршисидаги ўриндикка келиб ўтирар экан, менга юзланди:

– Хўш, хавотир олмасангиз ҳам бўлади, – деди сўзларига имкон қадар салмоқ беришга тиришиб. – Ўғлингиз айтарли жиддий касалга чалинмаган. Тўғри, бола нимадандир қаттиқ безовта бўлиб, тинчини йўкотган. Аммо у сиз ўйлагандек, алланимани излаётгани йўк. Унинг асаблари бузилган. Одатда, асаби бузилган болалар шундай тинчини йўқотиб қўяди. Буни ўз вақтида олдини олиш керак, йўқса, ёмон асорат қолдириши мумкин. Болани фақат уйда олиб ўтириш ҳам ярамайди, тез-тез тоза ҳавога олиб чиқиб, айлантириб туриш керак. Онаси ҳам ҳамма нарсага сиқилавермасин, бу ҳам сут орқали болага таъсир қилади. Ҳозир зарур дориларни ёзиб бераман, кунига уч маҳал ичириб турасизлар. Бир ҳафтада ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

Мен унинг гапларини жимгина тинглар эканман, ўзим ҳам юрагимни босиб ётган ваҳм ва қўрқувдан халос бўлиб, руҳим енгил тортиб борарди. Хотинимни билмайман, аммо назаримда ўғлим соғайиб кетгандек туюлар ва шунча кундан буён беҳуда қўрқинчли хаёлларга берилиб, ваҳимага тушиб юрганимни ўйлаб, ўз-ўзимдан уялиб кетдим.

Докторнинг ҳузуридан енгил тортиб чикдик.

* * *

Окшом уйимизда анча кундан буён биринчи марта сокин ва ёқимли жимлик чўкди: хотиним ўғлим касалга чалинганидан буён тузук-куруқ қўл урмаганидан тўзиб кетган уйни супуриб-сидирар, буюм ва жиҳозларнинг чанг-чунгини артиб, тартибга келтирар эди. Унинг анча чиройи очилган, кўзларидаги ғусса ғойиб бўлганди.

Ўғлим эса, доктор тавсия этган дориларни ичгач, гўё мўъжиза рўй бергандек безовталиги йўқолиб, мулойим тортиб қолган, гарчи юз-кўзидаги тунд ва рутубатли ифода ариб улгурмаган эса-да, у ортиқ ниманидир излашга уринмас, мудраб ўтирар, уйқу сели бостириб келаётганидан кўзлари дам-бадам юмилиб-юмилиб кетар эди. Энг муҳими, у онаси кўкрак тутганда, инжиклик қилмай чўлпиллатиб-чўлпиллатиб узок эма бошлади. Бу яхшилик аломати эди. Унинг иштаҳаси очилгани, дард ортга чекинаётганини айтиб турарди.

Ўғлим одатдагидан анча барвақт – ҳали онаси бешикка белашга улгурмай туриб, шундай кўрпача устида ухлаб қолди. У тош қотиб ухлар, нафас олиши сокин, чамаси, унинг ичкиш ва безовталикдан толиққан вужуди ором олаётган эди.

Мен дориларнинг биринчи кундан оқ яхши таъсир қилганини хаёлимдан ўтказар эканман, ўғлим ҳадемай дард кўрмагандек буткул соғайиб кетиши, унинг кулгиси тағин уйимизни тўлдириши, кўнглимизга қувонч ва умид олиб киришига асло шубҳа қилмасдим.

* * *

Илмий ишимни ҳимоя қилиш куни яқин қолган, шунга тайёргарлик кўришим керак эди. Шу боис уни яна бир қарра кўздан кечириб чиқиб, тартибга солиш, уч нусхада кўпайтириб, университетдаги обрўли домлаларга такризга бериш ва ҳимоядан сўнг мўлжалланган зиёфат тўғрисида ўйлай бошладим.

Ўғлим ҳам, назаримда, аста-секин соғайиб борар, уни ортиқ ҳеч нарса безовта қилмай қўйган, ранг-рўйи ҳам ўзига келиб қолганди. Фақат у чакалоклик кезларидаги каби кунни тунга, тунни кунга улаб ухлар, уйқудан уйғонган пайтларда ҳам кўзларини базўр очиб, эснаб-эснаб ўтирар эди. Хотиним унинг бу ҳолатини касалликдан кейинги дармонсизликка йўяркан, болам шўрлик оз-

мунча дард чекдими, бир хафтанинг ичида озиб-тўзиб, чўпдек бўп қолди, илоё барча кўрганлари шу бўлсин, дея ёзғириб кўярди. Назаримда, у ўғлимдан кўра кўпрок ўзининг зада тортиб қолган кўнглига таскин-тасалли бераётгандек туюлар, ҳали-ҳануз овозининг қат-қатида ҳадик ва хавотир сезилиб турарди.

* * *

Орадан кўп йиллар ўтгач, шаҳарда, айнан илмий ишimoni ҳимоя қилиш арафасида худди кўркинчли туш сингари беҳаловат кечган ҳаётимни ҳар гал эслаганимда, жисму жуссамни алам ва ўкинч совуқ ишондек ўраб-чирмаб олганидан, беихтиёр ўрнимдан отилиб туриб кетар, шафқатсизлик билан ич-этимни кемираётган мудҳиш ва азобли ўйлардан сира кутула олмас, ҳали тилу забони чиқмаган, бу ҳаётнинг кўйнига бир лаҳзагина кўниб ўтган мана шу гўдак – ўғлим қаршисида ўзимни нафақат гуноҳкор, балки унинг шаффоф туйғуларини аёвсиз топтаб ташлаган, умиду ишончини поймол этган ёвуз кимсадек ҳис этардим.

Аммо юрагим куйиб нечоғлиқ ўртанмай, барибир, ўғлимга ич-ичимдан ҳавасим келарди. У гарчи, бу дунёда янги меҳмон, ҳали бирон-бир нарсанинг номини билишга ҳам улгурмаган бўлса-да, биз ҳеч қачон ҳаёлимизга келтирмаган, аммо ҳаётнинг маъно-мазмунини ва мезонини саналган ўша муқаддас нарсани гўдак тасаввури билан англаб етган ва бир кўришдаёқ унга ошуфта бўлиб қолган бу сирли хилқат унинг масъум ҳаёлларини юксак-юксакларга парвоз қилдирган, митти юрагини жунбишга солганди.

Мен, ростга гап, ўша кунларда ўғлим буткул ҳузур-ҳаловатини йўқотиб, ўжарлик билан кечаю кундуз нимани излагани ва излаётган нарсасини унга нима учун керак бўлиб қолганидан мутлақо беҳабар, ҳаётимда қандай кўргулик рўй берган бўлса, барини тақдири азал

ҳукмига йўйиб, ҳаммасини унутиб, тинчгина яшаб кетишим мумкин эди.

Бирок ўғлимнинг дарди кутилмаганда қайта хуруж қилиб қолгач, азбаройи саросимага тушганимиздан буткул эс-ҳушимизни йўқотиб қўйган ўша кунларда йўлак четида ўтирадиган анави тиланчи чол ердан чиқдим, осмондан тушдим, билмайман, туйкус ҳовлимизда пайдо бўлди-ю, бир зумда ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборди, у бизга ўғлим шунча кундан буён жонсарак ва ичикиб излаган сирли нарсани айтиб кетди...

* * *

Ўшанда ҳафтанинг охири – якшанба куни эди. Ўғлим доктор буюрган дориларни аллақачон ичиб бўлган ва назаримда, унинг юз-кўзидан дарднинг оғир сояси аста-секин кўтарилиб борарди. Фақат у ҳали-хануз жуда кўп ухлар, ковоқлари шишиб кетган, афтидан, ўзи ҳам аллақандай карахт тортиб қолган эди. Муҳими, у бурунгидек алланимани излаб безовта бўлмасди.

Аммо якшанба куни эрталаб хаёлимизга ҳам келмаган воқеа юз берди: ўғлим гўё жисмида чидаб бўлмайдиган оғриқ тургандек, уйкудан ваҳм билан йиғлаганча уйғониб кетди. Унинг аллақандай бўғиқ, алам ва изтироб қоришиб кетган йиғиси бир зумда уй ичини тутди. Ўғлим бўғилиб йиғлар ва чираниб бешик боғичларидан қўл-оёғини бўшатишга уринар, юзи бўзариб конталаш тусга кирган, типирчилашидан бешик ғийқ-ғийқ этиб чайқалганча тебранарди.

Унинг йиғисини эшитибок, энди унутила бошлаган мудҳиш хотира қайта ёдимга тушди-ю, бирдан юрагим увушиб кетди: ха, бу ўша, бир ҳафта бурунги йиғининг айнан ўзгинаси, фақат, айни дамда, узок вақт дамани ичига ютиб юрган аламзада кимсанинг фарёди сингари зардали ва қаҳрли тус олганидан юракни сескантириб юборарди.

Хотиним ҳовлида куймаланиб юрганди, у боланинг йиғисини эшитган заҳотиёқ отилиб уйга кирди. Қаттиқ кўрқиб кетганидан ранг-рўйи оқариб, кўл-оёғи дағ-дағ қалтирар, энтикиб тез-тез нафас олар эди. У шоша-пиша ўғлимни бешикдан ечиб олди-да, бағрига босди.

Аммо бола баттар чинқириб йиғлаганча, ўзини орқага ташлади. Унинг боши худди жонсиздек осилиб қолди, нафаси ичига тушиб кетганидан овози хириллаб, базўр эшитилар, кўзлари орқага тортиб кетган ва пешонасидан совуқ тер селдек қуйилиб келар эди. Хотиним унинг ахволини кўриб жуда кўрқиб кетди ва дарров кўрпачага ўтирғизиб, пиёлада сув тутди. Ўғлим сув ичишни хоҳламади, аммо кўрпача устида чайқалиб омонатгина ўтирар экан, кутилмаганда, бирдан йиғидан тўхтади ва уйку ҳамда йиғининг таъсирида шишиб кетган кўзларини йириб-йириб очганча, уй ичига жавдираб тикилиб қолди. У гўё бу торгина уй ва ундаги жиҳозларни биринчи марта кўриб тургандек, хайрат ва кўрқув аралаш киприк қокмай боқар, нигоҳлари тийрак ва аламли эди. Ўғлим тинчиб қолган бўлса-да, кўзларини катта-катта очганча жавдираб тикилиб туришининг ўзи оғир ва қайғули эди.

Унинг аянчли қиёфасига қараб туриб кўнглим қоронғилашиб кетди. Хотиним билан шунча кундан буён ўғлимиз дарддан халос бўлаяпти, деган ўйда ўз-ўзимизни беҳуда алдаб келган, унинг дарди тузалиш ўрнига баттар зўрайган эди. Дорилар ўғлимга зиғирча бўлса-да таъсир қилмаган, аксинча, унинг асабларини қакшатиб, баттар жиззаки ва инжик қилиб ташлаганди. Унинг ҳозиргина жазавага тушиб чинқириб йиғлаши ҳам шундан дарак бериб турар, чунки илгари ҳеч қачон бунчалик ўзини йўқотиб зорланмаган эди.

Ҳа, шундай, биз кутгандек ўғлим этагига ёпишган бу дарддан халос бўлмаган, гарчи ўн кундан буён уйқудан кўз очмай ётган бўлса-да, ўша хаёлини ўғирлаган сирли

нарсани унутмаганди. Йўқ, чамаси, кечаю кундуз ишончу умидини йўқотмай ўша сирли хилқатнинг ёди билан яшаган.

Ўғлимнинг ўша, ўзи ичкиб излаётган сирли нарсага нисбатан муҳаббагию ошуфталиги янада ортган, чўғга айланган юрагининг ҳовурини ҳеч нарса боса олмас, афтидан, унинг кўзига ўша сирли хилқатдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

У, айна дамда, йиқилиб тушадигандек бир алфозда чайқалибгина ўтириб, уйнинг қоронғи бурчакларига киприк қокмай тикилар экан, ўша хаёлини ўғирлаб қўйган сирли нарсани изларди.

* * *

Ўғлим ўша куни ортиқча инжиқлик ва хархаша қилмай, уй ичини обдан кўздан кечириб чиқди. У илгари ҳам минг марта нигоҳи тушган, қўлчалари билан ушлаб кўрган буюмларни ҳам яна эринмай қайта титкилар, синчков ва безовта разм солар эди. Аммо жонсарақ бўлиб излаётган ўша сирли нарсани ҳеч қаердан топа олмас, шундай пайтда бирдан бўшашиб, қўлчалари шалвираб осилиб тушар ва истамайгина эмаклаб нари кетарди. Афтидан, бизни бутунлай эсдан чиқариб қўйганга ўхшар, ўзини шунчалик бефарқ ва эътиборсиз тутардики, қараб туриб, киши беихтиёр таажжубга тушарди. У эрталаб йиғлаб уйғонганидан буён бирон марта ҳам на менинг ва на онасининг бағримизга талпинмаган, лоақал бошини ўгириб қараб ҳам қўймаган эди. Чамаси, ўғлимнинг хаёлида ин қуриб олган бу дард уни буткул гангитиб ташлаган ва ўз-ўзи билан овора бўлиб қолганга ўхшарди.

Ўғлим уй ичини бир қур титкилаб чиққач, бир пайт, кутилмаганда, шитоб билан эмаклаганча остонага келди ва ястаниб ўтириб олди-да, қўлчалари билан апил-тапил тирнаганча эшикни очишга урина бошлади. Унинг тирноқлари остидан чикаётган кирт-кирт этган бўғик

овоз юракка оғир санчилик, сукунатга ботиб ётган уй ичига таҳликали ёйилар эди.

Ўғлимнинг ҳар бир хатти-ҳаракати қатъий ва зардали эди. У ўзининг хаёлини ўғирлаб қўйган ўша сирли нарсани уйдан жони халак бўлиб қанчалик изламасин, барибир, топа олмаслигига кўзи етган ва уни энди ташқаридан изламоқчи эди.

Муайяд ўжарлик билан эшикни очишга узоқ уринди, аммо у зилдек оғир, бунинг устига, ичкаридан кулфлаб қўйилганди. Сўнг тирноклари тирналиб оғриганданми ёки азбаройи хўрлик ва алам ҳисси босиб келганданми, ўзини орқага ташлаб юборди, боши гурс этиб ерга урилди-ю, бўғзидан отилиб чиккан аччиқ йиғи уй ичини тутиб кетди.

Ўғлим ер билан битта бўлиб ётар, ўзини боса олмай додлар, юраги аламга тўлиб кетганидан, оёкчалари билан ерни тепиб қўярди.

Хотиним ҳиқиллаб йиғлаганча дарров уни кўтариб олди-да, бағрига босди. Мен ҳозир ўғлимни ҳеч нарса билан овутиб бўлмаслигини ич-ичимдан сезиб турардим. Шу ўйни хаёлимдан ўтказар эканман, худди чорасиз қолган кимсадек судралиб ташқарига чикдим.

Ўғлимнинг бояги аянчли ҳолати сира кўз ўнгимдан кетмасди, юрагимда қаттиқ оғриқ қўзғар, хаёлимни тўзғитиб юборган эди.

Ростини айтганда, унинг буткул соғайиб кетишига қаттиқ ишонган ва бу ҳақда деярли ўйламай қўйгандим. Аммо унинг дарди қайта хуруж қилиши оройиш топган хаёлимни бирдан остин-устун қилиб юборган, айна дамда ҳеч нарсани идрок этмасдим.

Аслида бу дарду бедаво ўғлимга қачон ва қаердан ёпишганига сира ақлим етмасди. У онадан соппа-соғ ва тўрт мучаси бут туғилган, чақалоклик дамлари ҳам тинч ва осойишта ўтган, айтишга арзийдиган бирон-бир касалликка чалинмаган, ўша кезларда унинг на

уйқусида ва на ўнгида бирон-бир нохушликни сезмаган эдик.

Эҳтимол, бу дард суяк сурганмикин?! Йўқ, йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эмас. Авлодимизда ҳеч ким бундай дард билан оғримаган, боболарим ҳаётда тинчгина умргузаронлик қилишган – мен буни аниқ билман.

Аммо ўғлим-чи, ўғлим?! Кутилмаганда бу дардга қандай чалиниб қолди?! Бу қандай дард ўзи?! Унинг давоси борми?!

Айни дамда ўзимни ҳеч нарса билан овутолмас, ваҳима ва хавотир тўлиб кетган кўнглимга таскин-тасалли бера олмасдим. Ахир, шундоқ кўз ўнгимда ўғлимни қандайдир дард аёвсиз эзгилаб, тобора ўз қомига тортиб борар, мен эса, унга на нажот ва на далда бера олардим...

Дарвоқе, Муайяд бу гал аввалгидан ҳам оғир аҳволга тушган, уни бу сирли дард исканжасига олиб, бир дам бўлса-да ўз ҳолига қўймасди. Кунлар ўтган сайин бунга янада қаттиқроқ ишонч ҳосил қилиб борардим. Ўғлим уйқусини буткул йўқотган, оқшом махали хотиним уни мажбуран бешикка белаганда, кўзига бир чимдим уйқу олганини айтмаганда, деярли ухламас, тунда ҳам уй ичида у ёқдан-бу ёққа тинимсиз эмаклаб юрар, алланималарни қитир-қитир қовлаштирар, баъзан эса бурчакда бир нуқтага тикилганча тошдек қотиб ўтирар, қоронғилик қаърида унинг кўзлари бир жуфт чирокдек чақнаб турарди. Ўғлимнинг ҳаётида кун билан тун қоришиб кетганди.

Фақат онаси кўкрак тутганда, инжиқлик қилмай жимгина эмар, гўё сутнинг лаззатли ва ҳаётбахш таъмидан бутун аъзойи тани роҳат қилаётгандек кўзлари юмилиб-юмилиб кетар ва шундай дамларда унинг юзига қон югуриб қолгандек туюлар эди. Аммо буларнинг бари ўткинчи ҳол эди, чунки ўғлим ҳали онасининг бағридан

бўшашга улгурмай туриб, қийналиб-қийналиб ўқчиганча ҳозиргина эмган сутини қайт килиб ташларди.

Ҳайратланарли томони шунда эдики, ўғлимга уй-қусизлик ва очлик негадир таъсир қилмаётгандек туюларди ва аслида мени ана шу ҳол қаттиқ ташвишга соларди. Чунки ўғлимнинг жисму жуссасида толиқиш ёки чарчок аломати сезилмас, у ҳамиша аллақандай тетик киёфада уй ичида тентираб юрар, хатти-ҳаракатлари катъий ва шиддатли эди. Мен баъзан унга тикилиб туриб, гўдак боши билан шунчалик куч-қудрат ва сабрбардошни қаердан олаётганига ақлим шошарди.

Аммо бу дарду бало ўғлимга зоҳиран таъсирини ўтказаётганини, уни усталик билан аста-секин ҳолдан тойдириб бораётганини ич-ичимдан сезиб турардим. Аслида кўнглимга ҳам ана шу ўй кўрқув ва ваҳм соларди: ахир, ҳаммаси бир умр шундай давом этавермайди, бугун бўлмаса, эртага нимадир рўй беради-ю, барчаси бирдан гамом бўлади деган фикрдан баъзан юрагим увушиб кетарди.

Назаримда, ўғлимнинг руҳиятига қандайдир ёвуз куч бостириб кириб, макон тутиб олган ва уни усталик билан бошқариб турарди. Ўғлим бутун инон-ихтиёрини шу маккор кучнинг изму ихтиёрига бериб қўйган, у каёққа бошласа — шу томонга юрар, нимани буюрса — итоаткорлик билан шуни бажарар эди. Ҳа, шундай: хали ақлини ҳам танимаган мурғак гўдакнинг қандайдир сирли нарсанинг кўйида бунчалик ичкишини сира ақлга сиғдириб бўлмасди.

Ўғлим кундузлари, одатда, остонада ўтириб олганча эшикни кирт-кирт тирнашга тушарди, у худди игна билан кудуқ қазиётган кимса сингари чидам ва сабот билан астойдил эшикни очишга уринар, бармоклари тирнайверганидан шилиниб кетган, бироқ у оғриқни ҳам хис этмай қўйганди, шекилли, бир дам бўлса-да тўхтай демасди.

Қизиқ томони шунда эдики, у гарчи остонада кўзлари мўлтираб соатлаб ўтирса-да, биз эшикни очган пайтлари ташкарига чиқишга сира ошиқмас, аксинча, бирдан бошини ичига тортиб, ковоқларини солиб олар ва онда-сонда кўз ости билан ўғринча қараб-қараб кўярди. Унинг мана шундай тумшайиб ўтиришига қараб туриб ҳам биздан аллақачон кўнгли совиб кетгани, нажот ва кўмак истаб ўзимизни тўрт томонга уришимиз уни мутлақо кизиктирмаслигини пайқаш қийин эмасди.

Албатта, бу ҳақда ўйлаш менга жуда оғир. Ахир, у бегона эмас, юрак қўримдан яралган фарзандим эди, унинг бу дунёга келиши бўм-бўш тортган кўнглимни тўлдирган, ҳаётимга ранг ва мазмун олиб кирганди. Шу боис ўғлимдан жудо бўлишни, ажал уни бағримдан юлқиб олишини сира тасаввуримга сиғдирилмасдим!

* * *

Муайяднинг дарди қайта хуруж қилганининг тўртинчи куни эди, уйимизга кутилмаганда талабалик йилларимдаги дўстим эшикни қоқиб кириб келди. У жанубий вилоятларнинг бирида туғилиб ўсган, қорамағиз, бўйчан ва чайир йигит эди. Биз у билан талабаликнинг барча қувончу заҳматини бирга «баҳам» кўрган, юпун ва ғариб, аммо орзу-умидларга бой навқиронлик даври бизни жуда яқин қилиб кўйганди. У очиккўнгил, далиғули, бир сўзли йигит эди.

Дорилфунунни тугатиш арафасида бизнинг йўлимиз ҳаётнинг бошқа-бошқа кўчаларига қайрилиб кетган, лекин ўртамизда илиқ муносабат сақланиб қолганди. У ўқишни тугатгач, қишлоққа қайтиб бориб, болаларга сабоқ беришни орзиқиб гапириб юрса-да, шаҳарда қолиб кетди. Мен, айна дамда, дўстим шаҳарнинг қайси манзилида яшашию қандай юмуш билан банд эканини билмасдим. Унинг ўзи ҳам бу ҳақда оғиз очишни истамас, баъзан учрашиб қолган пайтларимизда сўраб-

суриштиришга тушсам, узук-юлук жавоб беришдан на-
рига ўтмасди.

Ким қандай ўйлайди, билмайман, аммо ҳаётда одам-
нинг дўсти жуда кам бўлади. У менинг талабалик йилла-
рида орттирган яккаю ёлғиз дўстим эди. Унинг исми Ҳаёт
эди, бир пайтлар у ҳаётнинг ўзи каби жўшқин, саркаш
ва ўт-олов эди. У менинг хотирамда ана шундай қиёфада
мухрланиб қолганди.

Аммо кейинчалик у бирдан ўзгариб кетди, яшашга
бўлган муҳаббатини иштиёқи, ҳаёлдек покиза ва учкур
орзу-умидлари худди бозиллаб турган чўққа сув сепил-
гандек, бирдан сўниб қолди. Афтидан, унинг кўнгли му-
дом тушкун ва умидсиз ўйлар билан тўлиб юрарди, ше-
килли, ҳамма нарсага лоқайд ва эътиборсиз қарар, тайин
мақсад-маслаги йўқ, шунчаки кун ўтказиб юрган кимса-
га ўхшарди. Мен кўпинча унинг қаримсиқ тусга кирган
афт-ангорига қараб туриб, кечагина ҳаёт, келажакдаги
орзу-умидлари ҳақида баъзан тонгга қадар жўшиб гапир-
ган, бу дунёдан фақат эзгулик излаган йигитни мутлако
таний олмай қолардим. Ҳаёт ақл бовар қилмайдиган да-
ражада ўзгариб кетган эди.

Аслида унинг табиатидаги бу фавқулодда ўзгариш
анча илгари – дорилфунунни тугаллаш арафасида рўй
берганди. Ўшанда у ҳали таътил бошланишига ҳам сабри
чидамай, тўсатдан қишлоғига отланиб қолган эди. Фақат
қишлоққа жўнаб кетишдан аввал хавотирланиб: «Но-
хуш туш кўрдим, ишқилиб, уйда тинчлик бўлсин-да»,
деганди. У факиргина оилада ўсиб-улғайган, камхарж,
шаҳарда ўз кунини ўзи кўрар, одатда, тўрт-беш ойда бир
марта қишлоғига бориб келарди.

Ўшанда Ҳаёт орадан уч кун ўтиб қайтиб келганди.
Аммо уни дафъатан таниёлмай қолгандим: у уч кун ичи-
да буткул озиб-тўзиб, арвоҳга ўхшаб қолган, тим қора
сочлари бирдан оқариб кетган, кўзлари тушкун ва умид-
сиз боқар эди. Дўстимнинг қайғуга ботган афт-ангорига

караб туриб, уйида қандайдир мусибат юз берган бўлса керак, деган ўйга борган, бироқ дабдурустдан қандай воқеа рўй берганини сўрашга ботина олмаган эдим. Унинг ўзи ҳам гўё кўрқув ва ваҳмдан жисму жуссаси буткул карахт тортиб қолгандек, икки кун миқ этиб оғиз очмаган, фақат бир нуқтага тикилиб ўтирган эди.

Кейин, оқшом маҳали худди бўғзига тош қадалгандек юзини аянчли тириштирганча қийналиб-қийналиб, қишлоғидаги яккаю ягона тобут ўз-ўзидан аллақаякка ғойиб бўлгани ва тоғаси номусига тегиб қўйган жинни қиз ҳақидаги ғалати воқеаларни гапириб берганди. Ўшанда унинг телба-тескари гапларига сира ишонмаган, кўнглимдан Ҳаёт ақлдан озиб қолибди, деган нохуш ўй кечганди. У эса узок гапирган, кўнглидаги барча дарду ҳасратини оқизмай-томизмай тўкиб солган, алам ва изтироб жисму жуссасини жунбишга солганидан ўзини босолмай қон бўлиб узок йиғлаганди. Сўзининг охирида қуйи эгилган бошини илкис кўтариб, шундай деганди:

– Менинг бу ҳаётда орзу-умидим кўп эди. Бироқ ҳаммаси бир кунда қуйиб кул бўлди. Умрим ҳам қуйиб кетди. Менинг тақдирим ҳам қишлоғимизнинг йўқолган ўша тобутига қўшилиб кетди. Тобутни ўғирлаб кетишди. Қишлоқдагилар эс-хушини йўқотиб, тобутни уч кун излашди. Бироқ ҳеч қаердан дараги чиқмади. Шундан сўнг одамлар ваҳимага тушганча, худди бало-қазодан қочгандек қишлоқни ташлаб кета бошлашди. Ҳозир қишлоғимиз хувиллаб ётибди, бирон-бир тирик жон қолмаган. Фақат ўз тоғаси номусига теккан анави жинни қизнинг ёлғиз ўзи қолди...

Шундан сўнг у бу ҳақда қайта оғиз очмаган, амал-тақал ўқишни тугатгач, шаҳарда қолиб кетган эди.

Боя айтганимдек, айна пайтда, у шаҳарнинг қайси кунжида яшашию қандай юмуш билан машғул эканини билмасдим. Унинг ўзи онда-сонда мени йўқлаб ижара

уйимга келиб турарди. У, одатда, худди осмондан тушгандек, кутилмаганда ҳовлимизда пайдо бўлар ва баъзан тузук-куруқ ҳол-аҳвол сўрашишга ҳам улгурмай, тезда изига қайтиб кетарди.

Ростини айтганда, Ҳаёт билан ўртамизда талабалик йилларидан қолган тиниқ ва беғубор хотиралардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Мен илгари унинг куйиб бо-раётган умри, афтодахол ва савдойи афт-ангорини хаёлимдан ўтказар эканман, юрагим туз сепгандек ачишар, унга кўмак бериш, кўнглида яна умид ва ишонч уйғотиш хақида ўйлардим.

Аммо барча уринишларим, насихатомуз гап-сўзларим бесамар кетаётганини кўргач, ўзим сезмаган ҳолда уни ёмон кўриб қолгандим. У уйимизга кириб келган пайтда ўзимни негадир нокулай сезар, юрагим сиқилиб, бетоқат бўлар ва ич-ичимдан унинг тезроқ кетишини ис-таб қолардим. Уни кўрдим дегунча кўнглимни тушкун ўйлар қоплаб олар ва бирдан Ҳаётдан совиб кетгандек бўлардим.

Афтидан, Ҳаёт хали-хануз уйланмаган – сўкқабош яшар, ўзига муқим бошпана ҳам топмаган, дуч келган жойда ётиб-туриб юрганга ўхшарди. Чунки уни ҳар сафар соч-соқоли ўсган, кийим-боши кир-чир қиёфада уч-ратардим. Умуман айтганда, дўстим тарки дунё қилган кимсадек ўзига мутлақо карамай қўйган, эгнидаги талабалик давридан қолган кийимларининг ҳам аллақачон оҳори буткул тўкилиб бўлган эди.

Ўша куни ижара уйимга кўнгли алланимадан чоғ, кайфияти яхши кириб келди. Уни кўпдан буён биринчи марта чиройи очилган ҳолда кўриб туришим эди. Ростигап, бундан ўзим ҳам бироз шошиб қолдим. У мен билан қуюққина ҳол-аҳвол сўрашди, ҳатто алланима дея ҳазил қилган ҳам бўлди. Аммо уйга кириб, хонтахта атрофида ўтиргач, хаёлим паришон эканлигини пайқади, шекилли, бирдан хушёр тортди.

– Тинчликми ўзи? – деб сўради ботинмайгина.

– Ҳа, тинчлик, тинчлик, – дедим жилмайишга ури-
ниб.

Ўзимни хотиржам тутишга ҳар қанча ҳаракат қил-
май, барибир, кўнглим тўлиб турар, ўғлимнинг дар-
ди мени шунчалик эзиб ташлаган эдики, дунё кўзимга
коп-қоронғи кўринар, кимгадир дарду алашимни тўкиб
солиб, юрагимни бўшатгим келарди. Боя Ҳаётнинг
ховлига кириб келганини кўриб, рост гап, қувониб кет-
ган эдим.

Биз анча пайт у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирдик,
аммо ҳадеганда гапимиз қовушмас, ўртамикга қандайдир
ноқулайлик тушган эди. Ҳаётнинг ҳам бояги кайфияти
ўзгарган, афтидан, у бевақт келдиммикан, деган ўйга
борди, шекилли, ўнғайсизланар ва дам-бадам худди ке-
тишга чоғлангандек ўрнидан кўзғалиб кўярди.

Охири Ҳаётга кўнглимни ёрдим: ўғлим ғалати дардга
чалиниб қолгани, анча пайтдан буён алланимани излаёт-
гани, бироқ у нарса бизга батамом қоронғи экани, шун-
дан нима қилишни билмай бошимиз қотиб қолганини
айтиб бердим.

– Энг ёмони, ўғлим ўша нарсанинг дардида ичкиб,
кундан-кунга адоий тамом бўлиб бораяпти. Озиб-тўзиб
бир бурда бўлиб қолган, – дедим.

Мен азбаройи ҳаяжонга тушганимдан тез-тез гапи-
рар, сўзларим ҳам пойинтар-сойинтар чиқаётган эди.
Аммо Ҳаёт бунга эътибор бермай гапларимни диққат
билан тинглаб, дам-бадам кўз кири билан бир четда тум-
шайиб ўтирган ўғлимга қараб-қараб кўярди.

Гапирар эканман, барибир, кўнглимнинг бир четида
Ҳаёт ҳам анави доктор сингари гапларимга ишонмайди,
у ҳам устимдан кулади деб ўйлардим.

Аммо у кулмади, хатто, қизиқиб қолди.

– Жуда қизиқ-ку! – деди Ҳаёт ҳайратга тушганча
кўзларини катта-катта очиб ўғлимга тикилар экан. – Ни-

манидир излайди, дегин. Ҳали гўдак боши билан нима-нидир излаши жуда ғалати...

Ҳаёт ортиқ ҳеч нима демади, балки узоқ пайтдан буён жони ҳалак бўлиб излаб юрган сирли нарсани, айни дамда, ўғлимнинг қиёфасида кўриб қолгандек, ундан кўз узолмай қолди. У ўғлимнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан кочирмай кузатар, ўзича алланималарни мулоҳаза қилар, гоҳида эркалаганча уни гапга солишга уринар эди. Бирок Муайяд ундан бегонасираганча, қовоғини очмай ўтирарди. Ҳаёт барча уринишию эркалаб гапиришлари зое кетаётганига карамай, асло кайфиятини туширмас, аксинча, ҳаммаси шундай бўлиши керакдек ўғлимнинг атрофида парвона бўларди.

Шу кун Ҳаёт уйимизда узоқ қолиб кетди. Кейин кетишга чоғланар экан, менга юзланди:

– Ўғлинг ростдан ҳам ниманидир излаяпти, мен буни унинг кўзларига қараб билиб олдим. Бола бечора жуда ичкиб кетибди. Нимани излаётганини билмайман, аммо ўзи кидираётган нарсасини жуда яхши биларди. Мана мени айтди дейсан, агар ўша нарсани топса, ҳаёти жуда равон кечади, хатто, жуда улуг одам бўлади...

Ҳаёт яна алланималар тўғрисида узоқ гапирди, у гўё бу дунёда ақл бовар қилмайдиган мўъжиза содир бўлган-у, унинг шоҳиди бўлиб қолгандек ҳаяжонини босолмас, сўзларига мени ҳам ишонтиришга уринар, ҳар бир гапини қайта-қайта таъкидларди.

Аммо кўнглим сира ёришай демас, аксинча, багтар қоронғи тортиб борар, дўстимнинг тинимсиз жавраши шунчаки таскин-тасалли бериш учун айтилган гапдек туюлар, Ҳаёт ўзининг телба-тесқари дунёсидан келиб чиқиб гапираяпти, деган фикр хаёлимни банд этиб олганди.

Ким биларди, эҳтимол, Ҳаётнинг гапларида ҳам жон бордир?! Аммо бунинг ўғлимга қандай фойдаси бор? Бу

курук, ҳавойи сўзлар ўғлимнинг дардига малҳам бўла оладими?

Ҳаёт кетгач, уйга киришга шошишмай ҳовлида узок туриб қолдим. Тўғриси айтганда, уйимизда гўё азоб-укубат, изтиробу алам макон тутиб олгандек ичкарига бош суқишга юрагим бетламасди.

Ўғлим буткул ҳолдан тойган, юзида қон йўқ, худди мурданики сингари оқариб кетган, кўзлари сўник ва бемажол боқарди. Уни ҳамон ўша қора хаёл ўз ҳолига қўймас, оғир судралганча уй ичида эмаклаб юрар, фақат тез-тез ҳолдан тойганидан оғир-оғир нафас олганча ётиб қоларди. Баъзан остонани кучоқлаб узок вақт қимир этмай ётар, кўзлари олайиб орқага тортиб кетар ва, ҳатто, нафас олаётгани ҳам сезилмай қоларди. Бундай пайтда у жонсиз жасаддан сира фарқ қилмас, мен ёки онаси қўлимизга олишга уринсак, кутилмаганда, яна жонланиб хархаша қилишга тушарди.

Ич-ичимдан ҳаммасини сезиб турардим: бу шунчаки оддий ва ўткинчи дард эмас, балки қора хаёл шамоёйилига кириб, ўғлимнинг этагидан тортқилаётган нақ ажалнинг ўзи эди...

Энг ачинарлиси, ҳар гал ўғлимнинг ҳаёт талъати аста-секин сўниб бораётган юзига кўзим тушганда, ўзимнинг нақадар ожиз ва нотавон эканлигимни хис этиб, юрагим кўксимга сиғмай қоларди. Мен уни қанчалик яхши кўрмай, унинг учун, ҳатто, жонимни қурбон этишга тайёр бўлмай, бари бефойда эди. Бу дард ўтинчу илтижоим, оху нолам, ғазабу аламим ва ялиниб-ёлворишларимга кулоқ солмасди, у худди ўлжасини батамом янчиб ташлашга чоғланган махлукдек, ўғлимни тобора ҳолдан тойдириб борарди.

Бу дарднинг қаршисида ўзим ҳам ўғлим сингари ожиз қолган эдим.

Уни яна докторнинг ҳузурига олиб боришни сира истамас, кўнглимнинг бир четида дарди баттар зўрайиб

кетишига ўша дорилар ҳам сабаб бўлди, деган ўй ги-
мирлаб турарди.

Аmmo ҳаммасини тақдири азалнинг измига ташлаб,
индамай қўл қовуштириб ўтириб бўлмасди. Айна дамда,
кандай йўл тутишни ҳам билмасдим.

Мана шундай оғир ўйлар куршовида қадамимни
судраб босганча уйга кирар эканман, туйқус хаёлимга
кишлоққа – ота-онамнинг олдига кетсак-чи, деган ўй
урилди-ю, худди калаванинг учини топгандек, бирдан
онг-шуурим ёришиб кетди. Бу ҳақда нега илгарирок
ўйламаганимдан, ўзим ҳам хайратга тушдим. Уйга кир-
гач, хотинимга Муайядни бугуноқ кишлоққа олиб ке-
тиш ҳақидаги фикримни айтганимда, унинг ҳам сўлиб,
каримсиқ тусга кирган юзига қон югуриб, кўзларига ёш
тўлиб қолди.

Кечки поездга чипта харид қилиш учун шошиб уйдан
чиқдим.

Трамвайда вокзал томон кетиб борар эканман, хо-
тинимнинг бояги унсиз йиғлаётган ҳолати сира кўз
ўнгимдан кетмасди. Ўғлимнинг кутилмаганда дардга
чалиниб қолиши ва соғайиш ўрнига тобора оғирлашиб
бораётгани унга жуда ёмон таъсир қилди. Афтидан,
унинг юрагини адоксиз ўйлар кемириб борар, дам-
бадам уф тортиб қўйганини айтмаганда, миқ этиб оғиз
очмас, фақат болага унсизгина термилиб ўтирар эди.
Унинг мана шундай тез-тез уф тортиши юракни баттар
эзарди.

Айниқса, икки кун бурун, ярим тунда хотиним жуда
ғалати аҳволга тушди. Ўша оқшом одатдагидан анча
барвақт ухлаб қолган эдим. Бир маҳал, қулоғимга чалин-
ган овоздан чўчиб уйғониб кетдим: тунги чирок зулмат
чўккан уйни ғира-шира ёритиб турар, эшик томонда –
бурчакда эса, кимдир қиблага юзланиб илтижо қиларди.
У гарчи паст овозда нола қилаётган эса-да, товуши
тун сукунاتини бузиб, уй ичини тутиб кетган эди. Мен

ёстикдан бошимни илкис кўтариб, бурчакда чўкка тушиб ўтирган кимсага қарар эканман, дафъатан қаерда ётганимнию бемахалда ким пичирлаётганини англай олмадим. Ҳалиги нола қилаётган кимсанинг овози аста-секин шиддатли ва қаҳрли тус ола бошлади. Қаттиқ кўркувдан пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди, нималар рўй бераётганига сира ақлим етмас, юрагим ваҳм билан гурс-гурс урар, аммо қимир этишга журъатим етмасди.

Шу алфозда қанча ётганимни билмайман, нола қилаётган одамни таниб қолдим: хотиним-ку!..

Хотиним киблага юзланиб, йиғлаб-ёлвориб, Яратганга илтижо қилар, Муайяднинг дардига шифо сўрарди. У худди тош ҳайкалдек чўкка тушиб ўтириб олган, кўллари тиззаси устида, қоронғилик қаърида жуссаси аллақандай пажмурда ва кичкина бўлиб кўринар, аммо овози шиддатли ва телбавор эди. У худди меҳроб қаршисида бўйин эгиб тавба-тазарру қилаётган кишига ўхшар, тез-тез гапириб, юрагида нимаики бўлса, барини тўкиб солар, аллақайси гуноҳу айблари учун минг тавалло билан шафқат ва мағфират сўрар, йиғлар ва ёлворар, сўнг йиғи ва илтижо саси қоришиб кетган овозда Муайядни жонидан ортиқ яхши кўришини, бу дунёга келиб, топган ёлғиз бахти шу ўғли эканлигини, ундан айрилиб қолса, то умри адо бўлгунча тақдирини қарғаб ўтишини аллақандай ўжарлик билан айтаркан, қутилмаганда ўпкаси тўлиб кетганидан ўзини тутолмай ўкраб юборди. У узоқ йиғлади, озғин жуссаси силкиниб-силкиниб тушаётганини аниқ-таниқ ҳис этиб ётардим. Аммо бошимни кўтариб, унга қарашга, алланималар дея юпатишга ўзимда журъат тополмас, айни дамдаги ҳолати мени буткул қарахт қилиб ташлаган эди.

Эртаси кун эрталаб хотиним паришонхотир ва ҳолсиз уйғонди. У ўша кун ниманидир кутаётгандек бетоқат бўлиб юрди.

Кун чошгохдан ўтгач, кечки поездга иккита чипта харид килиб, уйга қайтдим. Поезд оқшом саккизу ўттизда жўнар экан. Дарвозани очиб, ичкарига кирарканман, пешвоз чиқиб келаётган хотинимга кўзим тушди-ю, турган еримда тошдек қотиб қолдим. Унинг ғам-ғуссага ботган ва чўкиб қолган қиёфасини фавқулодда бир ҳаяжон чулғаб олган, ёноклари чўғдек кип-кизил тусга кирган, кулиб турган кўзларидан дув-дув ёш куйиларди. У мен томонга ошиқар экан, ўзини сира боса олмас, энтикиб-энтикиб нафас олар ва алланимани гапиришга чоғланарди-ю, бироқ овози чиқмасди.

Унга кўзим тушган захотиёқ юрагимга хавотир ора-лаб, албатта, ўғлимга дахлдор қандайдир воқеа рўй берганини англаб етган эдим. Аммо қандай воқеа юз берганини сўрашга ботинолмасдим, тилим худди танглайимга ёпишиб қолгандек сира айланмасди.

– Муайяд шунча кун нимани излаганини биласизми? – деди хотиним қичқиргудек бир овозда. Унинг овози кувонч ва ўкинчга тўла эди.

– Йўк, – дедим мен ҳам ҳовликиб. – Нимани излаган экан?

– Болам шўрлик, – хотиним пиқ этиб йиғлаб юборди. – Туғилган пайтида кесилган киндиги бор-ку, шуни излаётган экан...

Мен унинг сўзларини эшитиб, қотиб қолдим.

– Нимани излаган экан?..

– Нима бало, қулоғингиз том битганми? Айтдим-ку, туғилган пайтида кесилган киндиги бор-ку, шуни излаётган экан. Шуни топиб, ёстиғининг остига қўйсак, бирпасда тинчиб қоларкан...

– Сенга буни ким айтди?

Хотиним бирдан хушёр торгди, у атрофга олазарак караб оларкан, гўё муҳим сирни ошкор этаётгандек, шивирлаб гапиришга тушди:

– Сиз боя вокзалга кетганингиздан сўнг ҳовлида битта чол пайдо бўлди. У ичкарига қандай кириб келганига сира ақлим етмайди, дарвозани ичкаридан қулфлаб қўйгандим. Уйда ўтиргандим, бир маҳал ҳовлида қадам товуши эшитилгандек бўлди. Шошиб чиқсам, бир тиланчи чол анави ерда (у кўли билан ҳовли ўртасини кўрсатди) қакқайиб турган экан. Афт-ангорига қараб бўлмайди, туғилгандан бери сув тегмаганми, ўлардек ислиқи, соч-соқоли ўсиб кетган, эғнида увадаси чиққан чопон. Унга кўзим тушиб, кўркқанимдан юрагим ёрилиб кетай деди. Бирдан ўзимни шоша-пиша ичкарига урдим-да, эшикни қулфлаб олдим. Кейин деразадан аста мўралаб қарасам, у ҳали ҳам жойида қимир этмай турибди. Ана кетар, мана кетар деб роса кутдим. Йўқ, кетиш қайда, қоққан қозикдек қимир этмайди, тагин денг, биз томондан кўзини узмайди. Охири, тоқатим тоқ бўлди, яримта нонни кўлимга олиб, секин ташқарига чиқдим. Кўркувдан дағ-дағ қалтираб, унинг олдига бордим-да, нонни узатдим. У нонни олиб, тўрвасига солаётиб ғалати кулди, сўнг менга қараб: «Қизим, мен ҳовлингизга садақа сўраб келганим йўқ. Майли, кўнглингиз шуни тусаган экан, кўлингиз қайтмасин», деди. Ажабо, ўзи тиланчи бўлса ҳам, овози жуда ғалати, эшитган одамнинг юраги жимирлаб кетади. Шунданми, кўркувни бир зум унутдим. Сўнг яна унинг ўзи гап қотди: «Қизим, анчадан буён болангиз бетоб-а?» «Ҳа, ха, – дедим ҳовлиқиб, – анчадан буён мазаси йўқ. Емайдиям, ичмайдиям, ухламайдиям. Алланимани излаб, тинчини йўқотган. Сиз буни қаердан биласиз, амаки?» дедим. «Болангиз нимани излаётганини биласизми?» сўради у. «Йўқ, – дедим, – агар билсак, шунча кундан буён ўғлимнинг рангини сарғайтириб, кўл қовуштириб ўтирармидик?!». «Болага кўп азоб берибсизлар, – деди у. – Унинг оху ноласи етти осмонни тутиб кетган. Ҳозир кўзига на нон, на сув кўринади. У

туғилганида кесилган киндиги бор-ку, шуни излаялти. Шунни топиб беринглар!» Чол шундан бошқа хеч нарса демади, фақат: «Атаган садақангизни Худо даргохида қабул қилсин», деб юзига фотиҳа тортди-да, ҳовлидан чиқиб кетди. Ҳа, айтмоқчи, сиз менга айтиб берган, ана-ви, йўлак четида ўтирадиган тиланчи чол бор эди-ку, уни ўшамикан деб ўйладим.

Хотинимнинг сўзларини эшитиб, баттар хайрат ва таажжубга тушдим. Нималар рўй беряпти, ўзи?! Тушми бу, ё ўнгим? Тиланчи чол хеч кутилмаганда қаердан пайдо бўлди? Уйимизни қандай топиб келди? Ҳовлига қандай кирди, эшик ичкаридан ёпилган бўлса?! Ўғлимнинг дардини қаердан била колди? Нега у жон куйдириб менинг хаётимга араллашиб юрибди? Ким у ўзи? Одамми ё...

Бир неча ой бурун уни йўлакдан оёгини ерга теккизмай олиб кетишган, шундан буён хеч қаерда кораси кўринмаган эди-ку! Аммо сира кутилмаганда ҳовлимизда пайдо бўлгани, тагин денг, ўғлим нимани излаётганини айтганини сира ақлу тасаввурга сиғдириб бўлмасди.

Нима бўлганда ҳам ҳозир ўғлим ичкиб излаётган нарсани тезроқ топишим зарур.

– Муайяднинг кесилган киндигини энди қаердан топамиз?

– Унинг киндиги туғурукхонада кесилган-да! – деди хотиним.

* * *

Туғурукхонада мени қирқ беш ёшлардаги, сарғиш-тоб юзини ажин босган бақалокқина хотин қарши олди. У ўзини дояман, деб таништирди. Мен унга ўғлим қандай дардга чалишиб колганию ўзим нима мақсадда бу ёққа келганимни батафсил айтиб бердим. Доя хотин гапларимни киприк қокмай эшитди, аммо

унинг юзида бирон-бир ўзгариш сезилмади. Афтидан, унга бунга ўхшаш масалалар юзасидан жуда кўп марта муурожаат этишган ва у эшитавериб аллақачон дийдаси қотиб кетганга ўхшарди.

– Ҳмм, – деди у хўрсингандек овоз билан. – Ўғлингиз туғилганига бир йил бўлай деб қолибди-ю, сиз энди унинг киндигини излаб келдингизми? Биз биронта ҳам боланинг киндигини сақлаб қўймаймиз. Кесилган захотиёқ ахлатга чиқариб ташлаймиз. Дайди итлар еб кетади...

Туғуруқхонадан чиққанимда ҳушим ўзимда эмас, бошим ғувиллаб оғрир эди. Оёғимни судраб босганча уйга қайтарканман, тинимсиз ўғлим ҳақида ўйлар, унинг уй ичида жавдираганча чорасиз, бемажол эмак-лаб юриши кўз ўнгимдан сира нари кетмасди. Энди унинг ичиккан кўзларига қандай қарайман – билмасдим...

Қора кун

Гўё оламдан узилиб қолгандек чекка ва олисда жойлашган, хаёт тарзи ҳам илк қарашда худди ибтидоийдек таассурот уйғотадиган бу кичкина қишлоқда бирон-бир мусибатми ё кўргулик негадир кун оғиб, уфқ юзи қонгалаш тус олган чоғ – айни шом маҳали рўй беради.

Ҳали-ҳануз қишлоқ аҳлининг ёдидан кўтарилиб улгурмаган эски тегирмоннинг аллақаяқдан ўт чиқиб бир зумда ёниб қул бўлиши, масжиднинг нақшинкор етти устунидан бирининг ўз-ўзидан қулаб тушиши ва саккиз кишининг паймонаси тўлиши ҳам шомда содир бўлган эди.

Кутилмаган фалокат нега айнан шу пайт содир бўлишини, бунда қандай сир-синоат борлигини бирон киши билмасди, одамлар бу ҳақда чурқ этиб оғиз очишмас, унинг ваҳимали шарпаси ҳамманинг юрагини забт этганга ўхшарди.

Одатда, ҳар куни, уфқ бағри худди итнинг осилган тилидек яллиғланиб кун оғган пайт қишлоқни туйқус мубҳам бир сукунат чулғаб олар, тирик жон борки, бари худди қандайдир хавф-хатарнинг шарпасини илғаётгандек жонсарак қиёфага кирар, ҳеч қаерда тик этган товуш қулоққа чалинмас, ҳатто кун бўйи аккиллайвериб жағи тинмайдиган итларнинг ҳам уни ўчиб қолар эди.

Одамларнинг назарида, бир лаҳзалик шом чўзилгандан-чўзилиб кетгандек туюлар, қишлоқ устидан

худди ғам-андух ортилган карвон имиллаб ўтиб бораёт-
гандек ҳамманинг юраги сиқилиб, жони бўғзига келар,
аммо шунда ҳам бирон кимса дамини чиқаришга боти-
нолмасди.

Шом бирон-бир фалокатсиз тинчгина ўтиб кетгачги-
на қишлоқ аҳли гўё елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил
тортарди. Аммо бирон қор-қол рўй бериб қолгудек бўлса,
унинг совук овозаси шу захотиёқ қишлоқ узра ёйилар ва
барчани бирдек кўрқувга соларди.

Ўша етти устунидан бири ўз-ўзидан қулаб туш-
ган масжид айвонида сақланадиган, олис бир йили
қайсидир уста томонидан минг йиллик арча дарах-
тидан ясалган қишлоқнинг яққаю ягона тобути ўз-
ўзидан ғойиб бўлгани ҳам мана шу шом пайти ошқор
бўлганди.

Шу куни қишлоқ ҳар доимгидек тинч ва осуда эди,
одатдан ташқари кўнғилга шубҳа ва ғулғула соладиган
бирон воқеа содир бўлмаган, четдан ҳам қандайдир но-
таниш кишилар келиб-кетганига ҳеч кимнинг кўзи туш-
маган эди.

Ҳа, дарвоқе, шу кун асалфурушнинг ўн қутига ин
қўйган асаларилари негадир инларини тарк этганча,
аллақадекка учиб кетганди. Бунини асалфуруш кун чошгоҳга
етиб қолган пайт қандайдир юмуш билан қуймаланиб боғ
тўрига ўтгач, қутилар атрофида асаларилар эмас, қора
пашшалар ғўнғиллаб учиб юрганига кўзи тушгач сезиб
қолган ва шу захотиёқ отига эгар уриб, асалариларини
қидирганча қишлоқдан чиқиб кетган эди. Шундан ўзга
бошқа воқеа рўй бермаганди.

Қуёш ётоғи томон йўл олиб, ҳавога рухни эрка-
лайдиган намхуш салқинлик таралган пайт мойче-
лагини кўтариб, жувозкашникига кетаётган қишлоқ
оқсоқоли масжид рўпарасидан ўтаётиб, ногоҳ тобут
йўқлигини пайқаб қолди. Аввалига, у масжиднинг
хайҳотдек кенг айвонига бепарво кўз ташлаган, хаё-

ли буткул бошқа томонларда учиб юрганди. Кейин жувозкашнинг ҳовлисига етай деб қолган чоғ, боя масжид айвонида нимадир ўрнида йўқлигини англаб қолди-ю, беихтиёр тўхтаб, нима йўқолган бўлиши мумкин, дея ўйлай бошлади. Бу безовта ўй бир зумда бутун фикру хаёлини банд этиб олди. «Тавба, нима ўрнида йўқ экан, а?!» деди оқсоқол таажжубланиб, у йўл устида тик қотганича пешонасини тириштириб ўйлади, бироқ масжид айвонидаги манзарани қайта кўз олдига келтиролмай хуноб бўлди.

Бир кўнгли шартта изига қайтиб, масжид айвони-ни қайта кўздан кечирмоқчи ҳам бўлди, аммо бунга ҳафсаласи келмади, оёқлари толиқиб кетаётгандек туюлди. Хаёлида ғужғон айланаётган бояги ўй эса уни ҳолжонига қўймасди.

Йўл ўртасида юришини ҳам, юрмаслигини ҳам билмай каловланиб турган оқсоқол ахийри ичида бироз оғриниб, ўзини хаёлпараст, дея койиганча судралиб изига қайтди. У масжид қаршисига етиб келгач, уч поғонали тош зинадан инқиллаб-синқиллаб айвонга кўтарилди-да, узок йиллардан буён сумбати ўзгармай келаётган, энсиз тоқчаларга териб қўйилган сопол кўза ва косалар, бир четда ётган, ўша, анча йил бурун ўз-ўзидан қулаб тушган устунга бир қур ҳафсаласиз назар ташлаб чиқаётиб, туйқус ҳар доим бурчакда турадиган тобутнинг ўрни бўм-бўш эканига кўзи тушди-ю, бирдан сергак тортди, кўзлари катта-катта очилиб кетди. «Бугун қишлоқда ҳеч ким қазо қилмаганди чоғи?!» миясига биринчи бўлиб шундай ўй урилди.

– Ё тавба, тобут қаерда қолдийкин?! – деди у беихтиёр овозини кўтариб. Шу сўзни айтаётиб баданига совуқ титроқ оралаб, эти сесканиб кетгандек бўлди. Кўзлари жавдираб айвон юзасига қараркан, қалбини кўрқув босаётганини ҳис этди. Кўнглида бир-биридан ваҳимали ўйлар бош кўтариб кела бошлади.

У бир муддат айвон ўртасида сўппайиб туриб қолди, сўнг беихтиёр ўнг томонидаги анчадан буён тирик жоннинг пойқадами тегмаганидан буткул зах ва чиркин хид қоплаб олган қоп-қоронғи ҳужраларга бир-бир бош сукиб чикди.

Кўп ўтмай оқсоқол охирги ҳужрадан кўзлари олайиб, бўшашиб чиқиб келди-да, айвон устунларининг бирига беҳол суянди.

– Ё тавба, тобутни ким ўғирлаб кетибдйкин?! У худди ўз-ўзини сўроққа тутаётгандек беҳол шивирлади. Овози қалтираб, аллақандай ваҳимали туюлди. Устига-устак, бу яқин атрофда бирон-бир тирик жоннинг йўқлиги ва айни чоғда, қандайдир сирли ва маҳобатли тусга кирган хайҳотдек масжид айвонида ёлғиз экани вужудини илон каби аста-секин ўраб-чирмаб келаётган кўрқувни багтар зўрайтириб юборди. У саросима ичида шошиб йўлакка тушди-да, ортига қарай-қарай жувозкашнинг ҳовлиси томон жўнади.

Жувозкашнинг уйига қандай етиб борганини ўзи ҳам сезмай қолди, юзи доқадек оқариб кетган, кўлоёғи дағ-дағ қалтирар эди. Унинг қадам товушини илғаб, ҳовли чеккасида ётган эшакдай баҳайбат қора ит отилиб ўрнидан турди-да, бўйнидаги занжирни узгудек важоҳат билан хуришга тушди. Итнинг товушини эшитиб, уй ичидан жувозкашнинг пакана бўйли хотини бошидаги рўмолини тузатиб чиқиб келаркан дарвоза олдида ранг-рўйи бир аҳволда турган оқсоқолга кўзи тушиб, чўчиб кетгандан «вой...» деб юборди.

– Вой, ўлмасам, сизга нима бўлди?! Изингиздан кучук-пучук қувдимми?!

Оқсоқол буткул эсанкираб қолганидан аёлга лом-мим дея олмади, тили худди танглайига ёпишиб қолгандек, сира айланмасди, фақат ўзининг айни дамдаги аҳволидан ўнғайсизлангандек зўраки жилмайиш-

га уринар, аммо бу жилмайиш сира ярашмас, аксинча, киёфасини баттар ночор ва ожиз қилиб кўрсатарди.

Бироз муддат ўтгач ўзини пича тутиб олди, шекилли, қўлидаги мойчелакни аёлга узата туриб, тутила-тутила шундай деди:

– Мойга келувдим, мойга... Эринг уйдами?! Уйда бўлса, чакириб юбор.

Аёл оқсоқолнинг афт-ангорига тикила-тикила қўлидан мойчелакни олди-да, пилдираб жувозхона томонга ўтиб кетди.

Оқсоқол оёқларидан мадор қочиб ўзини беҳол хис этар, атрофига аланглаб қараркан, дарвоза олдидаги тахта ўриндиқ ёнига судралиб келди-да, аста чўкди.

Афтидан, хотини алланималарни ошириб-тошириб шипшиган шекилли, орадан кўз очиб юмгунча фурсат ўтмай дарвоза олдида эгнига оқ яктак кийган, кўзлари хавотирга тўла яғриндор жувозкаш пайдо бўлди. У кела солиб, оқсоқолнинг шалвираб осилиб қолган қўлларидан тутаркан:

– Сизга нима қилди? Тобингиз қочдими? – деб сўради.

– Бугун масжиднинг ёнидан ўтганмидинг?! – сўради оқсоқол жувозкашнинг кўзларига тик қараркан.

Унинг овозидаги шубҳа ва хавотирдан жувозкашнинг юраги орқага тортиб кетди ва ранги оқарганча:

– Йў-ўқ, – дея ғўлдиради. Сўнг, кўрқа-писа сўради: – Нима эди?!

– Тобут жойида йўқ!

– Тобут жойида йўқ, – жувозкаш оқсоқолнинг сўзларини қайта такрорларкан, негадир енгил торгди, юз-кўзидаги кўрқув бир зумда аллақаяққа ғойиб бўлди. – Тургандир ўрнида, – деди овозини кўтариб. – Кимга керак ўша зорманда қолгур...

– Йўқ! – оқсоқол зарда билан унинг сўзини бўлди. Ёноқлари пир-пир учиб, жаҳли кўзий бошлади.

– Унда, мен билмадим, – деди жувозкаш оқсоқолнинг ўкдек нигоҳига дош беролмай кўзларини олиб кочаркан. Кейин худди ўзини оклаётгандек кўшиб қўйди: – Бугун кун бўйи жувозхонадан бир кадам ҳам ташқарига чиққанам йўк...

Шу пайт жувозкашнинг хотини мой тўла челакни кўтариб келди-ю, ўртадаги гап-сўз узилиб қолди. Оқсоқол шошиб ўрнидан турди ва мойчелакни олиб, индамай ҳовлидан чиқа бошлади.

Жувозкаш бир муддат серрайиб туриб қолди, сўнг шошиб оқсоқолнинг ортидан эргашди.

Аёл оқсоқол ва эрининг ғуссага ботган авзойини кўриб, қандайдир нохуш воқеа рўй берганини кўнгли сезган, аммо буни сўрашга ботинолмаган эди.

Оқсоқол ва жувозкаш олдинма-кетин масжидга етиб келишгач, тўппа-тўғри айвонга кўтарилишди.

Жувозкаш оқсоқолнинг барча шубҳа-гумонларини бирпасда чиппака чиқариб юбормокчидек тобутни излашга тушди: у айвон юзасини бир қур кўздан кечиргач, қоп-қоронғи хужраларнинг бирига кириб кетди.

Оқсоқол, афтидан, тобут беиз йўқолганига мутлақо шубҳа қилмай қўйганди, шекилли, айвон ўртасида қаккайиб турганча, шошиб-пишиб хужраларга бош суқиб чиқаётган жувозкашдан кўз узмай турарди.

Ниҳоят, энг охири хужра остонасида жувозкашнинг қораси кўринди: энди унинг ҳам кўзлари олайиб, бежо боқар эди.

– Йўк, – деди у паст овозда, гўё айбдордай.

Оқсоқол унга сўз қотмади, фақат бир муддат «боя сенга айтгандим-ку», дегандек зардали нигоҳ билан тикилиб турди-да, сўнг ортига терс ўгирилиб, зиналарни бир-бир босганча йўлакка тушди ва уйи томон равона бўлди.

Жувозкаш ўрнида тошдек қотиб қолди, у имиллаб кетиб бораётган оқсоқолга аллақандай кин ва адоват

билан тикиларкан, ўзининг ҳам кўнгли тобора ғаш тортиб, елкасидан алланиманинг ваҳми босиб келаётгандек бўлди.

Йўқ, у тобутнинг беиз йўқолганию энди бунинг оқибатида қандай кўргуликлар рўй беришини ўйлаб таҳликага тушаётгани йўқ, аксинча, оқсокол мендан гумонсираяпти, деган хаёлга борган ва шундан тинчини йўқотганди.

Жувозкаш табиатан юраги тор, бир нарса устида узоқ бош қотиришга ҳафсала қилмайдиган бекарор киши эди. Айни дамда ҳам йўқолган тобут тўғрисида узоқ ўйлаб ўтирмади.

– Тобутнинг ичига тилло яшириб қўйганмидингики, мен орқалаб кетсам. Ҳей, тобутнинг ҳам, ваҳиманг ҳам бошингдан қолсин, – деди у захарханда овоз билан. Сўнг хунук сўкинганча йўлакка тушди-да, шошиб уйи томон кетди.

Кишлокда шом кечиб бўлган, туси тобора қорайиб бораётган осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар йилт-йилт этиб кўзга ташланиб қолар, ҳаво салқин тортган, кишининг тўйиб-тўйиб симиригиси келар, айниқса, кундузги тинка-мадорни қуритадиган жазирамадан сўнг бундай ҳаво жуда роҳатбахш туюлар эди. Мол-қоллар ҳам аллақачон даладан қайтган, кун бўйи қимир-қимиру югур-югурдан толиққан одамлар энди оёқларини хотиржам узатиб, жонлари оро олаётган эди. Одатда фақат окшомдагина чўкадиган бундай осойишталик ҳаммага бирдек ёкар, дам-бадам аллақаердан эшитилиб қоладиган бакир-чақиру итларнинг ғингишиб акиллаши ҳам кишининг ғашига тегмасди.

Бироқ бу окшомги ҳузур-ҳаловат ҳеч кимга татимади: аста-секин оғиздан-оғизга ўтиб, шишиб ваҳимага тўлган нохуш хабар ҳамманинг эсхонасини чиқариб юборди: нима эмиш, масжид айвонидаги кишлокнинг

ягона тобутини кимдир ўғирлаб кетганмиш! Қишлоқ энди тобутсиз қолганмиш!..

Ким билади, эҳтимол, нохуш хабардан бунчалик кўрқув ва таҳликага тушиш жуда кулгили ва ғайритабиий туюлар.

Нима бўлганда ҳам, тобут йўқолгани тўғрисидаги совуқ хабар аллақачон қишлоққа ёйилган, энди унинг изидан юракни ларзага соладиган қандайдир мудхиш ва даҳшатли воқеа содир бўлиши керакдек эди. Ҳамма негадир шундай фикрга келган ва саросима ичида шуни кутарди.

Аммо тун имиллаб иккинчи ярмига оғди ҳамки, бирон-бир кўнгилсиз воқеа рўй бермади. Фақат алламаҳалда қайсидир ҳовлида бир аёл ваҳима билан дод солиб юборди: унинг аячли ўкириги тун қўйнида жуда кўрқинчли эшитилди. Қишлоқ итлари ҳам худди қандайдир хавф-хатарнинг шарпасини илғагандек, бирдан кутуриб ҳуришга тушди. Аёлнинг йиғиси билан итларнинг бетартиб акиллаши қоришиб кетди. Энди қишлоқни тўс-тўполону бақир-чақир босиб кетгандек бўлди. Гўё ҳар бир ҳовли, ҳар бир уйдан оҳ-воҳ, дод-вой кўтарилаётгандек кулоқ қоматга келарди.

Шу пайт, қишлоқ ўртасида жойлашган чойхонанинг ўнг томонидаги ҳовлидан икки киши чиқиб, масжид томонга йўл олди. Уларнинг бири кўлида хира нур таратиб турган чироқ тутиб олган ва иккови ҳам ён-атрофига аланг-жаланг қараб, тез-тез юриб боришарди.

Бироқ улар негадир масжид яқинигача боришга журъат этишмади, ярим йўлдан изларига қайтишди-да, тагин бояги ҳовлига кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Шундан сўнг қишлоқ бирдан худди сув куйгандек жимжит бўлиб қолди: итларнинг акиллаши ҳам тинган, тирик жон борки, бари уйқуга кетгандек эди. Аслида эса, ҳали ҳеч ким ухламаган, ҳамма хаёлида бетиним айла-

наётган бир ўйдан безовта эди: «Тобутни ким ўғирлаб кетди экан?!»

* * *

...Ўша кезларда, ҳали кеч куздаёқ бор-йўқ егулигидан мосуво бўлган қишлоқ аҳли тезроқ қиш ўтиб, баҳор келишини интиқ кутарди.

Одамлар шу кунга қадар кузакда мўл-кўл ғамлаб олган ошқовоқни қайнатиб еб, коринларини алдаб келган, энди, қиш айна чиллага кирган паллада, бу хўракнинг ҳам таги кўриниб қолганди. Лекин қишнинг адоғи кўринай демас, чор атрофни белгача урадиган қор босиб ётар, совуғи ҳам шунга яраша аччиқ заҳардек аъзойи баданни тилкалаб ўтарди.

Бу йил қиш жуда оғир келди. Қор босиб ётган кўчаларда изғирин худди ғазабга минган соқчи каби чийиллаб югуриб юрар, ҳар бир уй, ҳар бир гўшага ўзининг совуқ нафасини уфуриб турарди. Одамлар аллақачон зах босган уйларида ташқарига чиқмай кўйишганди. Улар кечаю кундуз нафасларини ичларига ютганча, худди ўз қисмату аъмоли қандай ҳал бўлишини кутаётган маҳбус каби аёз турли-туман нақш солган деразага унсиз тикилиб ўтиришарди.

Шу кун нимадир бўлди-ю, кутилмаганда ҳавонинг тунд авзойи хиёл юмшаб, анчадан буён юз кўрсатмай кўйган қуёш муаллақ қотган булутлар ортидан мўралаганча, тафтсиз нур соча бошлади. Изғириннинг ҳам заҳри кесилиб, бир зумда қишлоқдаги ўлик ва руҳсиз тусга кирган ҳаёт қайта жонланди: у ер-бу ердан одамларнинг пўк-пўк йўталганию қор куралаётган куракнинг қарт-қарт этган товуши қулоққа чалиниб қолди. Кўчаларда ҳам увадаси тўзиган чопонга ўралиб олганча, аллақандай юмуш билан куймаланиб юрган кишиларнинг қораси тез-тез кўзга ташлана бошлади.

Ҳавонинг тафти илиб қолганиданми, кун чошгоҳга етганда анча пайтдан буён қорасини кўрсатмай қўйган сартарош эшагини ниқтаб ҳайдаганча қишлоққа кириб келди. У киши қиличини яланғочлаб келгандан буён бу ерларга қадам босган биринчи киши эди. Шу боис ҳамма уни нақ Хизрнинг ўзи таъриф буюргандек, қувониб қарши олди.

Аслини айтганда, сартарошнинг вақти жуда зик, беш-олтита қариянинг соч-соқолини эпақага келтириб, тезда изига қайтиш мақсадида қишлоққа бир зумгинага бош суққанди. Шу боис ҳам ҳаво совук тортиб турганига карамай эшагини яланг кўчада, чойхона ёнидаги дарахтга боғлаб қолдирди-да, ўзи қичкина жомадончасини кўтариб, қишлоқ оралаб кетди.

Сартарош табиатан жуда қувноқ, ҳазил-мутойибага ўч киши эди. Бурун у қишлоққа овозини баралла қўйиб қўшиқ айтганча кириб келар, шундан сўнг бу ердаги аллақандай маънос ва зерикарли ҳаёт оқими бирдан ўзгариб, байрам тусини олар, болалар тўда-тўда бўлиб кун бўйи унинг изидан югуриб юрар, катталарнинг ҳам ўз-ўзидан қайфияти кўтарилиб кетарди. Сартарош ўзи қулиб туриб, бошқаларни қулдирар, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ғаройиб гапларни ўйлаб топиб, ҳаммага хуш қайфият улашарди. У қишлоқ аҳлининг табиатига шунчалик сингишиб кетгандики, бир қарашда азал-азалдан шу одамлар орасида яшаб келаётгандек туюлар, ҳеч ким унга бегона деб қарамас, ҳамма худди ўз яқинидек яхши кўрарди.

Сартарош ҳар гал қишлоққа янги гап топиб келар, дунёнинг аллақайси бурчида рўй берган ғаройиб воқеаларни айтиб берар ва бу воқеаларни гўё ўз бошидан кечиргандек, шундай қифтини келтириб сўзлардики, ҳамма маҳлиё бўлиб, унинг оғзига тикилиб қоларди.

Айни мотамсаро кунда ҳам уни мана шу қайфият тарк этмаганди: жомадончасини кўтариб, қайси

ховлининг эшигини қоқиб борса, хонадон эгаларининг чехрасида бирдан ўша майин ва беғубор табассум зоҳир бўлар ва улар бир дамгина бўлса-да, кўнгилларини қоп-қора булутдек босиб ётган ғам-ғуссани унутиб, яйраб қолишарди. Ҳамма унга меҳри товланиб қарар, ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тингларди.

Кексалар эса сартарошга кўзлари тушиши билан худди ноҳақ хўрланган ва ҳақорат қилинган гўдак сингари ўзларини тутолмай бирдан пиқ-пиқ этиб йиғлаб юборишар ва уни бағриларига босиб, узок пайт қўйиб юборишмасди. Кейин уни адоқсиз саволларга кўмиб ташлашарди. Уларнинг назарида, гўё сартарош ҳамма нарсанинг ипидан-игнасигача биладиган, бир оғиз сўзи билан қишлоқдаги заҳар-заққумга тўла ҳаётни ўзгартириб юборишга қодир киши эди.

Бу сафар сартарош одамларнинг кўнглидан нималар кечаётганини ич-ичидан сезди, аммо сир бой бермади, у ҳеч кимнинг юзига тик қараёлмади ва саволларига ҳам тайинли жавоб қайтармади. Фақат уларни алланималар деб юпатган бўлди.

Мижозлар унга хизмат ҳақи тўлашмади, тўғрироғи, уларнинг бисотида сарик чака ҳам қолмаган, чўнтаклари худди кароқчи тунаган уй каби бўм-бўш эди. Шу боис, кўпчилик гарчи соч-соқоли ўсиб кетган бўлса-да, унинг олдига боришга унча ошиқмас, бир четда кисиниб-қимтиниб турарди.

Бироқ сартарош мижозининг кўнглидан қандай ўй кечаётганини сезиб, хизматини тугатар маҳал майин жилмайиб, «Уста ҳақи тўлайман деб овора бўлманг, мен бу гал ҳеч кимдан пул олмайман, фақат эсингиздан чиқарманг, вақти келганда, икки ҳисса қилиб ундириб оламан», дея хижолатдан қутқарарди.

Кисқаси, шу кун сартарош ўзи мўлжаллаган вақтда қишлоқдан чиқиб кета олмади, мижозлар кўплигидан

шомга қадар ушланиб қолди. Атрофга қоронғулик чўкиб келаётган пайт толиққан сартарош жомадончасини кўтариб, эшагини қолдирган жойга келди. Келди-ю, қорда кўмилиб ётган хангисига кўзи тушиб, турган ўрнида қотиб қолди: чамаси совуқ эшакнинг суяк-суягига ўтиб адоёи тамом қилган, оёғи осмондан бўлиб ўлиб ётар эди. У сартарошнинг бисотидаги ягона улов, узоқ йиллардан буён у қишлоқдан-бу қишлоққа олиб юрган жуда ювош жонивор эди.

Сартарошнинг юраги туз сепгандек ачишиб, кўрабила туриб уни шундай изғиринда қолдиргани учун ичида ўзини қойиди. У эшакнинг устида анча пайт серрайиб туриб қолди, сўнг тўқимини ечиб олди-да, қишлоқдан чиқиб кетди.

Қишлоқ аҳли аллақачон уй-уйига қамалиб олган, аста-секин тун оғушига кириб бораётган кўчалар бўм-бўш ва жимжит эди. Шу кун сартарошнинг эшаги совуқда тўнглаб ўлгани-ю, унинг ўзи қишлоқдан поюпиёда чиқиб кетганини ҳеч ким билмай қолди.

Одамлар бундан эртаси куни хабар топишди. Аммо эшакнинг лоши уч кун чойхонанинг ён томонидаги дарахт остида ётди. Кейин очикқан итлар ҳид олиб айлана бошлагач, одамлар кўплашиб, уни кўздан йироққа – қишлоқ четидаги Октепа остига олиб бориб ташлашди.

* * *

Оқсоқол тобут ҳақида ўйлагани сайин дарду дунёси баттар қоронғи тортиб, ўзини худди бош-адоғи йўқ кўчага адашиб кириб қолиб, қандай чиқиб кетишини билмай овораю сарсон бўлиб юрган кимсадек ожиз ва ночор ҳис этарди. Бировнинг моли ёки бирон-бир буюми эмас, айнан тобутнинг йўқолишини у сира ақлу шуурига сиғдиролмай қийналарди. Устига-устак, йўқолган тобутни энди қайси хилват гўшадан изла-

шини ёки кимни ўғри, дея ёқасидан тутишни билмай боши қотди.

Тўғрироғи, бу ақл бовар қилмайдиган ўғриликда одам боласининг кўли борлигига унинг ўзи ҳам унчалик ишонмай турарди. «Бўм-бўш тобутни ким бошига уради?! Қолаверса, дийдаси тош қотган ўғрининг ҳам тобутни орқалаб кетишга юраги дов бермаса керак. Бу ерда...» безовта ўй-хаёллари шу жойга етганда кўркувга тушиб қолар ва шу захотиёқ бу ҳақда ортик ўйламасликка тиришар эди. Унинг назарида, тобутнинг кутилмаганда ғойиб бўлиши қандайдир фалокатнинг аломати бўлиб туюларди.

У шундай ўй-хаёллар гирдобига ғарқ бўлганча мойчелагини кўтариб ҳовлисига кириб келганда, ўзини буткул олдириб қўйган, оёқда базўр турарди. Унинг ранг-рўйини кўриб, хотинининг хуши бошидан учди ва шанғиллаганча нима бўлганини сўраб-суриштиришга тушди. Оқсоқол ўзининг аҳвол-руҳияси ҳақида ҳеч нима демади, хотинига бир муддат паришонхаёл тикилиб турди-да, сўнг кўзларини олиб қочаётиб:

– Хотин, тобутимизни ўғирлаб кетишибди, – деди. Унинг овози шунчалик қайғули эшитилдики, хотинининг дами ичига тушиб, бўшашиб қолди.

– Йўғ-э, – дея олди у кўркувдан кўзлари ола-кула бўлиб.

Оқсоқол хотинига бошқа ҳеч нарса демади, мойчелакни ошхонада қолдириб, индамай уйга кириб кетди.

* * *

Жувозкаш масжид саҳнидан йўлакка тушгач, ит қувган гадодек ҳаллослаб югурганча ҳовлисига қайтди: у тобут ҳақида ўйламас, хаёли бошқа нарса билан банд эди. Дарвозадан ичкарига киргач, ҳовли юзасида

аллақандай юмуш билан куймаланиб юрган хотинига кўзи тушди-ю, бирдан ўдағайлай бошлади:

– Оксоколга қайси мойдан бердинг?

Нохос эшитилган овоздан чўчиб тушган аёл шошиб бошини ўгираркан, шундай қаршисида турган эрига кўзи тушиб, қўрқа-писа жавоб қилди:

– Пахта мойи аралаштирилмаганидан...

Жувозкашнинг кўзлари косасидан отилиб чиққудек каттариб, ёноклари пир-пир уча бошлади.

– Ҳойнаҳой, тагин мойнинг пулини бериб кетмагандир?! – важоҳат билан сўради у.

Хотини айбдордек кўзларини олиб қочди.

– Текинга олиб ўрганган-да, нокас. Яна оксокол эмиш, ҳей... – у хунук сўкинди. Сўнг хотинига қараб, дағдаға билан кўшиб кўйди: – Бундан кейин челақ кўтариб келганларга фақат пахта мойи аралаштирилганидан бер. Тоза зиғир мойига кўлингни теккиза кўрма!

У хотинига бир муддат еб кўйгудек тикилиб турди-да, жувозхона томонга ўтиб кетди.

* * *

Қишлоқ аҳли уни «жинни киз» деб атар эди: унинг куракда турмайдиган гап-сўзларию телба-тесқари қилиқлари ҳеч кимга эриш туюлмас, ҳамма ақли ноқис бўлгандан кейин шу-да, дея индамай кулиб кўярди. Бир бошига бу дарду бало етмагандек, у ота-онаси йўқ сағир эди, тоғасининг уйида сиғинди бўлиб яшарди. Тоғасининг икки ола сигири унинг бўйнида эди: уззукун молларнинг изидан юриб, кунини ўтказар, ичадиган бир коса ёвғонию эғнидаги кўйлак-лозими ҳам шу хизматлари эвазига эди.

Тенг-тушлари аллақачон бир йигитнинг бағрини тўлдириб, рўзғор тебратиб кетган, у эса ҳали-хануз мол боқар, кунини дала-даштда ёлғиз ўтказарди. Бироқ би-

рон марта энди мол боқмайман, дея хархаша қилмас, гўё ўзининг ўрни одамлар орасида эмас, балки кимсасиз даштда деб билар, тонг сахарда сигирларни ҳайдаганча қишлоқдан чикиб кетар ва оқшом чўкканда уйга қайтарди.

Аслини айтганда, табиат қизни ҳамма нарсадан қисиб яратган эди: у жуда хунук, бижғиган хамирдек юзини қуюқ сепкил босган, нимпиёладек катта-катта кўзлари доим қизариб турар, семизлигидан юрганда бутун аъзойи бадани лорсиллар эди.

Тоғасининг писмиқ хотини, янгаси ундан очиқ-ошкор ирганарди: ошхонага яқин йўлатмас, болаларини кўлига олгани қўймас ва унинг бир кунлик ризку насибаси – бир коса ёвғон билан яримта қотган нонни минг маломату дашном билан берар, гўё қиз уйда ҳаммадан кўп овқат ейдигандек, жағи-жағига тегмай жаврар эди. Янгасига қолганда-ку, уни остона ҳатлаб уйга киргани қўймасди, аммо эрининг муштидан кўркқани учун дамани ичига ютарди.

Ҳарқалай, қишлоқда барча қатори жинни қизнинг ҳам ўз ўрни бор эди, багтол янгасини айтмаганда, ҳеч ким уни ёмон кўрмас, беҳуда ранжитиб кўнглига озор бермасди. Қайтага унинг қишлоқда яшаши, кўчалардан бақириб-чақириб сигирларини ҳайдаб ўтиши ва телба-вор қилиқлари бу гўшадаги ҳаётни янада қизикрок қилиб кўрсатар эди.

Айниқса, болалар учун у зўр эрмак эди: улар баъзан кўчада соатлаб ўтириб, қизнинг йўлини пойлашар, мабодо ўтиб қолгудек бўлса, бирдан жўр овозда ўша – ҳаммага ёд бўлиб кетган эски кўшиқларини бошлаб қолишарди:

Жинни, жинни

Эшакка минни.

Эшакдан йиқилиб,

Оёғи синни...

Кейин тегажоғлик қилишга тушишар, гоҳ сочидан тортқилаб қочишар, гоҳо эса сигирларнинг бошини бошқа томонга буриб юборишарди.

Бундай дамда жинни киз ҳам қуюшқонидан чиқиб кетар, алланималар дея бобиллаб қаргаганча болалар билан теппа-тенг айтишар, уларнинг биронтаси қўлига тушиб қолгудек бўлса, аямай дўппосларди.

У фақат қишлоқнинг кунчиқар томонидаги, кимсасиз жарликда сигирларини ўтлатиб юрган кезлардагина ўзини эркин ва бахтиёр ҳис этарди: бундай пайтда жуда очилиб-сочилиб кетар, кўнгли тоғ каби юксалганидан кулгичлари ўйнаб турар ва аллақандай кўшиқни чўзиб-чўзиб хиргойи қиларди. Баъзан эса сигирлари билан худди кадрдон дугонасидек қикир-қикир кулиб гаплашар, уларнинг бўйин ва танасини силаб-сийпалаб эркалар ва, хатто, сирлашарди...

Тобут йўқолгани ҳақидаги совуқ хабар қишлоққа ёйилиб, хамманинг ичига ғулғула тушган туннинг эртаси тонг саҳарда жинни кизни янгаси одатдагидек супурги дастаси билан савалаб уйғотди.

– Тур ўрнингдан жувонмарг бўлгур! Сигирларни соғиб бўлганим қачон эди, бу ойимпошша бўлса ҳалиям сасиб ухлаб ётибди. Ҳа, илоё, ўлигингни тезроқ мурдашўй ювсин, қани, сигирларни ҳайда! – янга лабилабига тегмай қаргаганча уни аямай савалар, гоҳо оёғи билан тепиб-тепиб кўяр эди.

Қиз оғриқдан дод солиб ўрнидан туриб кетди ва бошини қўллари билан пана қилганча уйнинг нариги бурчагига қочиб ўтди-да, қисиниб туриб олди. Янгаси эса ҳамон жазавага тушганча уни аямай савалар ва оғзидан тупук сачратиб қарғар эди. Қиз ҳар гал супурги дастаси баданига урилганда дод солар ва уйнинг у бурчагидан-бу бурчагига қочар эди.

Охири у бир амаллаб уйдан қочиб чикди: ҳовлида бир муддат гарангсиб турди-ю, сўнг ўзини апил-тапил

оғилхонага урди ва кўз очиб юмгунча сигирларини олди-га солиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Қишлоқ кўчаларида ҳали тонг сокинлиги хукмрон эди. Бу осудаликни биринчи бўлиб жинни қизнинг хўнг-хўнг йиғлашию сигирларнинг тапир-тупур туёк товуши бузиб ўтди. Қиз сира ўзини босолмас, калтақдан бадани какшаб оғрир ва алаמידан сигирларини аямай савалаб, қувлаб борар эди.

Тонгги шабнамга чўмилиб ётган жарга етиб келгач, сигирларни ўз ҳолига қўйиб юборди-да, ерга оёқларини узатиб, ястаниб ўтириб олди: унинг юрак-бағри аламу хўрликка лим-лим тўлиб турар, гарчи янгасининг бундай зуғуму ғазабини ҳар кун кўравериб, дийдаси тош қотиб кетган эса-да, бу галгиси ҳаммасидан ошиб тушган эди. Дунё юзини кўргандан буён кўча-кўйда, тоғасининг уйида ҳар кун, ҳар лаҳза эшитаве-риб қулоғи кўниккан қарғишу маломат, очик-ошкор ирганиш ва нафақат аъзойи баданини, балки қалбини ҳам кабартириб юборган таёқлар зарбига бугун тоқат қилолмай қолди: бутун вужуди жунбишга келганидан зорикқан овозда дийдиё қилганча ер муштлаб янгасини ва унга қўшиб яна аллакимларни қарғай бошлади. У гўё янгаси шундай қаршисида турибди-ю, уни тупроққа қориштириб ташламоқчидек важоҳат билан силтаниб-силтаниб ер муштар ва оғзидан тупук сачратганча бобиллаб-бобиллаб қарғай туриб, ўзи ҳам изиллаб йиғларди. Унинг овози ҳасрат ва аллақандай ёввойи шиддат билан тўла эди.

У анча пайт шундай қарғаниб ўтирди, бироқ фақат шу билангина ич-ичидан тошиб-кўпириб келаётган ва бутун жисму жуссасини силкиб-силкиб ташлаётган изтиробу алами босилмади, шекилли, баттар жазавага туша бошлади. Унинг юзи худди тутканок дарди хуруж қилгандек қум оқариб, кўзлари кўрқинчли туста кирди ва қутуриб гоҳ эғнидаги қўйлак-лозимини далва-дал-

ва қилиб йиртар, гоҳо эса сўйлоқ тишларини иршайтириб, қўл-оёқларини ғажиб тишлар эди. Алам ва хўрлик уни шунчалик аҳволга солиб қўйгандики, ҳеч нарсани пайқамас, тишларини аламли ғижирлатиб ўз-ўзи билан олишар, ора-сирада алланималар деб қарганиб кўяр, гоҳо эса ўзини дам у ёнга-дам бу ёнга отиб-отиб юборарди. Тишланган қўл-оёқларидан тиркираб қон оқар, бугун вужуди зир-зир титрар эди. Қиз худди ўзига қарши исён кўтарган кимсага ўхшар, ғайирлик билан ўз танини бурда-бурда қилиб ташлашга уринарди.

У узоқ пайт ўз-ўзи билан олишиб ётди. Охири силласи қуриб қолди, шекилли, оғзидан кўпик келиб, қимир этишга ҳам ҳоли қолмади. У буткул тупроққа қоришиб, ўликдек қотиб ётар, хириллаб оғир-оғир нафас олганидан кўкси калқиб-қалқиб тушарди. Қуёш тоғ ортидан кўтарилиб, илиқ нур соча бошлади. Ўт-ўланларнинг юзида йилтираб турган шабнамлар бир зумда қуриб битди, хаводан тонгги намхушлик кўтарилди. Жинни қиз қуёш нури жилва қилаётган кўзларини йириб очди: уни боя жазавага солган алам ҳисси босилган, қон ва кўз ёш қотиб қолган юзида сокин бир ифода кезинар эди. У ўрnidан кўзгалгиси келмади, ўт-ўланлар устида қўл-оёғини эмин-эркин узатиб ётиш жуда ёқиб тушаётган эди. Бошини ўнг томонига хиёл ўгириб, хув нарида ўтлаётган сигирларга ўйчан назар ташлади: анави катта ола сигирнинг елини ёрилгудек бўлиб тўлиб турибди, бугун ё эрта, албатта, болалайди...

У шуни хаёлдан ўтказа туриб, меҳри ийиб кетди ва ётган жойидан отилиб туриб, сигирнинг олдига югуриб борди-да, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Жониворнинг қулоғига алланималар деб шивирлаб эркалади ва яғринидан силаб-сийпалади.

Қиз ҳар кун яримта қотган нонни рўмолига тугиб, ўзи билан далага олиб келар ва сувда ивитиб тамадди қиларди. Бугун янгаси шу насибасини ҳам ҳаром қилди.

Аммо айна пайтда уни очлик сира безовта қилмаётганди, бутун фикру хаёлини елини тўлиб турган она сигир банд этиб олган эди.

Унинг кўнгли сезган экан, ростдан ҳам кун чошгоҳга етиб-етмай, сигир ўтга қарамай қўйди, дам ётиб, дам туриб безовта бўкира бошлади. Буни кўриб қиз дарров тараддудга тушиб қолди: жониворни жар ўртасидаги шохлари тарвақайлаб ўсиб, баҳайбат тортган ёнғоқ остига хайдаб борди-да, ўзини тезда четга тортди.

Кўп ўтмай сигирнинг кўзи ёрий бошлади: унинг томоқ йиртиб бўкириши бутун жарни тутиб кетди. Қизни қаттиқ ҳаяжон чулғаб олди, гўё сигир эмас, жондек азиз дугонаси тўлғоқ азобини бошидан кечираётгандек тоқатсизланар, дам-бадам худди аллакимдан мадад сўраётгандек ёлворган овозда пичирлаб қўяр, ёнғоқ остига қарашга эса, юраги дов бермасди.

Кўп ўтмай сигирнинг бўкириши тинди ва у дийдираб оёқда базўр турган бузоғини ялаб-юлкаб курита бошлади. Буни кўриб қизнинг ғариб боши осмонга етгандек бўлди, чехраси худди ўзига чексиз бахт насиб этгандек буткул ёришиб кетган, кўзларида беғубор бир қулги ўйнади. Сигирнинг болалашни уни шунчалик қувонтириб юбордики, севинчи ичига сиғмай овозини баралла қўйиб қийкирганича йироқ-йироқларга югуриб кетди, бахмалдек тўшалган майсалар устига ағанаб-ағанаб ўйнади. Унинг эрталабки ноҳуш кайфиятидан асар ҳам қолмаган, гўё бу кўргиликларни ҳеч қачон бошидан кечирмагандек, дарҳол унутди, айна дамда, у худди илк марта мухаббат лаззатини татиб кўрган ўн саккиз ёшли қиздек сархуш ва бахтиёр эди.

У кўзларини феруза осмонга тикиб, чексиз ва сирли хаёлларга берилди. Аммо мана шундай ширин ва осуда дамларда, ҳар доим ноҳуш бир воқеа туйқус ёдига тушар ва унинг завқли хаёлини ўз домига тортиб кетар эди.

...Бу воқеа чамаси, тўрт-беш ой муқаддам рўй берганди. Ўшанда у, одатдагидек, қуёш ётоғи томон йўл олган маҳал елини сутга тўлган сигирларни ҳайдаб уйга қайтди. Жониворларнинг изидан остона ҳатлаб ичкарига кираркан, кўзлари аланг-жаланг ўйнаб, ҳовли юзасидан янғасини қидирди. Аммо у кўринмасди. Фақат айвонда тоғаси кичкина ҳовончани оёқлари орасига олиб, нимадир туярди.

Қиз янғаси йўқлигидан пича енгил тортди. Тоғаси уни кўриб, ҳовончани тўкиллатишни бас қилди ва қизнинг кўйлагидан бўртиб турган сийнасига, йўғон оёқларига одатдагидан бошқача – ғалати нигоҳ билан узоқ тикилиб қолди. У тоғасининг қаршисидан ўтаётиб ўнғайсизланганиданми, оёқлари чалишиб кетиб, йиқилиб тушишига бир баҳя қолди, аммо шоша-пиша ўзини тутиб олди. Шу пайт тоғаси ҳам негадир сесканиб тушгандек бўлди, бироқ у ҳам сир бой бермай зўраки томоқ кириб йўталганча, молларни оғилга ҳайда дегандек боши билан ишора қилди. Тоғаси қиз билан ҳеч қачон очилиб галлашмасди, улар гарчи битта ҳовлида яшашса-да, худди етти ёт бегонадек эди.

У сигирларни «бош-бош» дея оғилхонага ҳайдаб кириб, имиллаб уларни боғлади. Бир пайт, кутилмаганда қия очик эшикдан тушаётган қуёшнинг қизғиш нурлари узилиб, ичкари қоп-қоронғи тус олди. Қиз чўчиб бошини эшик томонга ўгирди ва остонада серрайиб турган қора гавдага кўзи тушиб, ўрнида қотиб қолди. Қора гавда унинг саросимага тушган ҳолатини бир муддат кузатиб тургач, ортидан эшикни зичлаб ёпди-да, тўппа-тўғри устига бостириб кела бошлади. Қизнинг юраги тез-тез уриб кетди, ҳозир мени дўппосласа керак деган ўйда нариги бурчакка қочиб ўтди ва деворга қапишиб олди. Юраги пўккилаб қоп-қоронғи бурчакда тураркан, бошига ё биқинига мушт келиб тушишини кутар, қора гавданинг бадбўй нафаси юзига урилганда

ҳам, у билагидан маҳкам сиқиб ушлаб, оғилхонанинг нариги томонидаги ўтган йилдан қолган сомон уюми томон етаклаганида ҳам хаёлини мана шу ўй тарк этмаган эди. Қиз ўзини орқага ташлаб-ташлаб ожизгина қаршилик кўрсатганча, зўравоннинг изму ихтиёрига бўйсунди.

Қора гавда туннинг қайси палласида оғилхонани тарк этганини у эслай олмади, сомон уюми устида хаёллари буткул айқаш-уйқаш бўлиб, ўликдек чўзилиб ётди. Эртаси кун ҳам у оғилхонадан ташқарига чиқмай, кун бўйи сомон уюми устида қотиб ухлади, уйда янгаси йўқлиги учун оромини ҳеч ким бузмади.

Шу воқеадан сўнг унинг сас-садосиз кечаётган ҳаёти туйқус ўз оқимини ўзгартириб, мутлақо нотаниш, аммо оҳанрабо каби бетиним ўзига тортиб турадиган йўлга кирган эди. Қиз ўзини худди бу кекса дунёнинг энг катта сиридан воқиф бўлгандек ҳис этар ва назарида, энди кунлар ҳам бурунгига қараганда тез ва шиддат билан ўтаётгандек туюларди. Янгаси ҳам худди атай қилгандек, болаларни эргаштириб, бот-бот аллақажакка ғойиб бўладиган одат чиқарган, у эса қора гавда билан тез-тез тун бўйи сомон уюми устида қолиб кетадиган бўлди.

Бир сафар шундай воқеа рўй берди: у ораларидаги ўша, илк тундан буён пайдо бўлган қўрқув ва ваҳм деворидан аллақандай журъат билан ошиб ўтиб, қора гавдага ўзи суйкалган, унинг кўксига бош қўйиб, узоқ хаёлга чўмишни истади. Бироқ кутилмаганда қора гавда худди чаён чакқандай чўчиб тушди ва уни жирканч махлуқдек ўзидан нари итариб, сўнг юзига енгилгина шапалоқ торта туриб, «жинни», дея ташқарига чиқиб кетди. Жинни қиз худди ўйнаб турган ўйинчоғини кимдир кўлидан юлқиб тортиб олган гўдакдек бирдан бўшашиб кетган ва лаблари осилиб қора гавданинг орқасидан термилиб қолганди. У бундай бўлишини сира кутмаган, аксинча, қора гавда ҳам мени бағрига босиб эркалайди, деган ўйда

эди. Шундан сўнг унинг кўнгли ўксиб, юзини сомонга босиб тўйиб-тўйиб йиглаб олганди.

У ўтаётган «тунлари»да сира ёмонлик аломатини сезмасди, аксинча, ҳаёти шундай алфозда узоқ-узоқ давом этишини истарди.

Кейин, кунларнинг бирида у жисму танида ғалати ўзгариш содир бўлаётганини пайқаб қолди: кўнгли ўқтин-ўқтин беҳузур бўлиб, қайт қилгиси келар, оғзи нордон тортганидан ҳеч қандай таом ёқмасди. Аввалига бунга кўниколмайд узоқ қийналиб юрди, юраги худди қафасга тушиб қолган кушдек тинимсиз потирлаб, ичини алланима кемираётгандек туюларди. Аллақайси бир кун шундай кўкси остида нозик типирчилаб, ўзини яралганидан дарак бераётган муждани сезиб қолди-ю, бирдан ҳамма-ҳаммасини унутди, гўё анча вақтдан буён жони ҳалак бўлиб, излаб юрган муқаддас нарсасини тасодифан топиб олгандек, қувончдан дунёга сиғмай қолди.

Қора гавда гарчи ётганда ҳам, турганда ҳам шуни ўйлаб, ўзини қўярга жой тополмай юрган эса-да, жинни киз бу ҳақда ҳеч кимга гапириб қўймаган, гўё бу тилга олиб бўлмайдиган мудҳиш нарса эканини жуда яхши билгандек, юрагининг туб-тубида яшириб келар эди.

Тўғри, бир гал у кўкси остидаги нозик типирчилашга узоқ кулоқ тутиб тургач, азбаройи жўшиб кетганидан бошидан нималарни кечирган бўлса, барини оқизмай-томизмай сигирларига сўзлаб берганди.

...Ўтламай қўйган сигирларнинг чўзиб-чўзиб бўкириши кизнинг хаёлини тўзғитиб юборди. У эринибгина ўрнидан қўзғалди-да, бошини кўтариб, уфққа каради: куёш ботишига анча бор. Ҳали вақт эрта бўлишига карамай, уйга қайтиш тараддудига тушди: бузоқчани опичлаб уйга кириб борса, янгаси гарчи мақтамаса ҳам, ғавғо кўтармаслигини яхши биларди.

Қиз янги туғилган бузоқчани бағрига босиб кўтариб олди-да, алланималар деб эркалаганча йўлга тушди. Сигирлар ҳам бошини сарак-сарак қилиб мўраганча унинг ортидан эргашди.

* * *

Ўша кун одамлар саргарошнинг совукда қолиб ўлган эшагининг лошини судраб, Октепа остига олиб бориб ташлашгач, орадан уч кун ўтибми, кишлокка икки нотаниш ўспирин кириб келди. Уларнинг эгни-боши жуда юпун ва ғариб эди: қоксуяк жуссаларини эскигина тўн базўр ўраб турар, қор тиззаларига довур кўмганидан оёқларига нима кийишганини билиб бўлмасди. Уларнинг юзи совукда кўкариб кетган, ияклари худди безгак тутгандек тинимсиз шақиллар, новчароғи эса қув-қув йўталарди.

Қишлок ўлик сукунатга ғарқ бўлиб ётар, ҳаммаёкни қор худди кафан каби ўраб-чирмаб олган, фақат ҳавода изғирин чийиллаб югуриб юрарди.

Ўспиринлар мана шундай ҳиссиз манзарага тикилатикила қор кечиб боришаркан, қайсидир бир муюлишга етишганда ногоҳ масжиддан қайтаётган муаззинга тўкнаш келиб қолишди. Уларга кўзи тушиб, муаззин ҳам тўхтади ва тикилиб қолди. Аммо у қанчалик синчков назар солмасин, барибир, ўспиринларни танимади, фақат уларнинг юпун эгни-бошию совукдан дийдираб туришига қараркан, ўзининг ҳам эти увушиб кетгандек бўлди.

Аслида икковлон кишлокқа бош суқишгандан буён бирон кимсанинг қораси кўриниб қолармикин, деган ўйда чор атрофга аланг-жаланг кўз ташлаб келишаётган эди. Шу боис муаззинни кўришлари билан кўзлари порлаб кетди ва илдам-илдам қадам олганча, унга томон ошикишди. Етиб келишгач, улардан бири худди томдан тараша тушгандек сўради:

– Ўтган куни шу қишлоқда сартарошнинг эшаги совуқда қолиб ўлган экан. Ҳозир шунинг лоши қаерда?!

Муаззин унинг гапини эшитиб, бирдан сергак тортиди, кўзларини катта-катта очиб бўғзидан:

– Нимага эди? – деган савол хиркираб чиқди.

– Бир уй бола очликдан шишиб ётибди, шунга... – киприк қоқмай жавоб берди бояги ўспирин.

Муаззиннинг юзи буришиб, кўзлари аянчли қисилди ва худди йиқилиб тушишдан чўчигандек икки кўли билан ҳассасини чангаллаб ушлаб олди. Унинг бутун тани сезилар-сезилмас қалтирарди.

Орадан имиллаб бир неча сония ўтди ҳамки, муаззиндан мик этган садо чиқмади, у қаршисида совуқда гезариб турган икки ўспиринни гўё унутган эди.

Бир пайт у бошини кўтарди, аммо йигитларга қарашга ботинолмади.

– Оқтепанинг остида... – деди зўрға ва ҳассаси билан ўша томонга ишора қилди.

Икковлон худди муҳим сирдан воқиф бўлишгандек бирдан жонланишди ва хайр-маъзурни ҳам насиё қилиб, ҳовлиққанча муаззин кўрсатган томонга югуриб кетишди. Муаззин уларнинг изидан ачиниб термулиб қолди.

Улар ҳансираб-ҳансираб нафас олганча, югуриб боришар, йўл музлаб ётганидан гоҳ сирпаниб-сирпаниб кетишар, гоҳо эса, оёқлари тойиб, гурс-гурс йиқилиб тушишар, аммо шунда ҳам бир нафас тўхтамай олдинга қараб илгарилашар ва дам-бадам хушнуд овозда бир-бирларига алланималар деб гапириб қўйишарди. Улар айни дамда ҳеч нарсани писанд этмай қўйишганди: тобора авжга чиқиб, суяк-суяқларига санчилаётган изғириннинг аччиқ захрини ҳам, очликдан бошлари гир-гир айланиб, кўз олдилари қоронғи тортиб бораётганини ҳам хаёлларига келтиришмасди, фақат тезроқ Оқтепа остига етиб боришни ўйлашар ва жон-жаҳдлари билан шунга уринишарди.

Улар одамлар эшакни судраб ўтишган пайт босилиб қолган қорни мўлжал олиб юришди-да, кўз очиб юмгунча Октепада пайдо бўлишди. Аммо бахтга қарши кутган ва умиду илинжда шунча йўл босиб келиб «ўлжа» ўрнида қорга сингиб қолган кип-қизил қонга кўзлари тушиб, ҳамма-ҳаммасини англаб етишди – кимлардир аллақачон эшакнинг лошини талон-торож қилиб кетишганди – азбаройи хўрлик ва аламдан ўзларини тутолмай ўкраб йиғлаб юборишди.

Кеча оқшом улар ўткинчи йўловчидан сартарошнинг эшаги ўлгани ҳақидаги хабарни эшитишган ва очлик балосига чора топишганига қувониб, тунни билан ухламай, тонг-сахардаёқ йўлга тушишган эди. Чиқаётиб, қоронғи ва зах босган уйда очликдан инграб ётган ўн чоғли болани: «Бугун сизларга, албатта, бирон егулик олиб келамиз», дея ишонтиришганди. Гўдақлар ҳам маъюс жилмайганча, уларнинг изидан мўлтираб термулиб қолишганди.

Айни дамда, улар ўзларини кимдир жуда усталик билан оппа-осон алдаб кетгандек ҳис этишар ва хаёлларида чарх уриб айланаётган мана шу ўй оғир аламга айланиб бутун вужудини ларзага соларди. Шу боис юзини кафтларига босганча эзилиб-эзилиб йиғлашар, бўғзиларидан чиқаётган нолага ўхшаш узун товуш изғириннинг чийиллашига қоришиб кетарди.

Аслини айтганда, уларнинг ўзини очлик азоби (иккови ҳам охириги марта қачон тамадди қилишганини эслай олишмасди) ва игна каби санчилаётган совуқ аллақачон адойи тамом қилган эди, гарчи эрталабдан буён буни писанд этмай келишаётган эса-да, энди у даҳшатли тарзда хуруж қилиб кела бошлаганди.

Ҳадемай ич-ичидан бошланган совуқ қалтироқ уларнинг бутун аъзойи танини тутиб кетди, кўз олдини туман каби қоп-қора парда тўсиб олди ва боши шитоб билан гир-гир айлана бошлади. Икковлон ҳам буткул ўзини

йўқотиб кўйиб, у ёқдан-бу ёққа чайқалганча оёқда базўр туришарди.

Кўп ўтмай уларнинг йиғлашга ҳам ҳоли етмай қолди, овози буткул ичига тушиб кетди. Изғирин эса қуруқ сахту сумбати қолган бу икки гавдани йикитишга, ер билан битта килиб ташлашга чоғлангандек, ув тортганча зарб билан келиб урилар, чопонларининг этакларидан юлқиб-юлқиб тортқилар ва ўлжасини бир ҳамладаёқ забт этишга чоғланган махлуқ каби гувраниб-гувраниб кўярди.

Улар ҳушини йўқотиб, қор устига шалвирабгина йикилишди-ю, бирдан ҳамма-ҳаммаси тинди-қолди. Атрофни яна ўлик сукунат қоплаб олди.

Қиш окшоми эрта чўқади: кун ҳали шомга етмай туриб, қишлоққа қоронғилик қуйилиб кела бошлади. Ҳавода изғириннинг чийиллаши билан бирга муаззиннинг гўё Мукаддас Чорловни эмас, балки ҳаёт талъати сўнган қишлоқ устига жаноза ўқиётгандек кайғули овози учиб юрар эди.

* * *

Тонг отиб, теварак-атроф ёриша бошлади. Тунни ваҳима ичида базўр ўтказган қишлоқ аҳли энди тобут изсиз ғойиб бўлганига ишонибгина қолмай, балки бу кўргилик бежиз рўй бермагани, у қандайдир мудҳиш фалокатнинг аломати, деган қатъий тўхтамга келди.

Бунинг устига, шу кун эрталаб фолбин хотиннинг захардек аччиқ фоли одамларнинг ўй-хаёлида сузиб юрган бу фикрни тасдиқлаб, баттар таҳликага солиб кўйди.

Тун бўйи ухлаёлмай алахсираб чиккан тегирмончининг хотини саҳармардонлаб бирон ёруғ гап эшитиш илинжида, шундай девор-дармиён кўшнисини фолбин хотиннинг ховлисига бош сукди. Фолбин хотин ўзининг кичкина уйчасида худди аза очгандек лаб-лунжини осилтириб, тумшайиб ўтирарди. У кўш-

нисини хушламайгина қарши олган эса-да, кейин чакаги очилиб кетди.

– Тағин ҳам бариси Худойимнинг ўзига аёндир-у, – деди у уйқусизликдан қизарган кўзларини бир нуқтага тикиб, – лекин ҳеч бир замонда бунақаси бўлмаган. Ўлатдан, тошқиндан, очликдан ва яна аллаамбалолардан бутун-бутун қишлоқлар тамоман қирилиб кетганини эшитганман, аммо тобутини йўқотиб қўйган элни эшитмаганман. Худо фақат ўз назаридан қолган бандаларининг бошига шундай дарду балони солади. Ҳаммамиз бўғзимизгача гуноҳи азимга ботиб кетганмиз, шунинг касри уриб, бу кўргиликка йўлиқиб ўтирибмиз. Сизга айтсам, шу оқшом парилар тушимда эмас, ўнгимда ҳаммасини аён қилди: эрта эмас, индин эмас, орадан уч кун ўтибми, ерданми, кўкданми – бунисини аниқ билмайман, ишқилиб, қишлоқ бошига бир офат ёғилади, бир офатки, энди ҳад-ҳисоби йўк. Бундан бирон-бир тирик жоннинг қутулиб қолиши ҳам даргумон-ов...

Фолбин хотин бор-йўғи шу гапни айтди, кейин кўзларини юмиб олди-да, аллақайси бир дуони пичирлаб ўқий бошлади.

Тегирмончининг бечора хотини аллақачон адои тамом бўлган, ранг-рўйи бўзариб базўр ўтирар ва дамбадам йиғлагудек алфозда фолбинга қараб-қараб кўярди.

Орадан неча дақиқа ўтса ҳамки, фолбин хотиндан миқ этган садо чиқавермагач, ортик ўтиришга сабртоқати етмади, юраги ҳаприқиб кетаётганидан кўрқув тўла кўзлари аланг-жалаңг бўлганча ўрнидан турди-да, ўзини ташқарига урди.

Ҳамма таҳликага тушиб қолган шундай бир кунда, у фолбин хотиннинг оғзидан эшитганларини ичига ютиб индамай кетармиди?! Йўк, албатта, тўқнаш келгангаю кўзи тушганга айтди, айтганда ҳам шундай ваҳима билан гапирдики, оқибатда, ўз соясидан ҳам чўчиб юрган одамлар нақ эсдан оғаёзишди.

Эртаси кун ҳаводан аёзнинг нафаси хиёл кўтарилган пайт оёғига эрининг қатга ва кўпол кирза этигини кийиб, дарёга сувга бораётган қассобнинг хотини Октепанинг ёнидан ўтаётиб, туйқус совуқда тўнглаб ётган икки ўспириннинг жасадига кўзи тушди-ю, «вой» деб чинқириб юборди ва челақларини тарақлатиб, қишлоққа югурди.

Очлик шафқатсиз зулм каби одамларни обдан эзтилаб, кўзини кўр, қулоғини қар қилиб ташлаган эди. Уларнинг назарида, ўлим ҳам бурунги ваҳимаю даҳшатини йўқотиб, оддий ва жўн бир нарсага айланиб қолгандек, энди бу сўзни эшитиб, ҳеч кимнинг эти сесканиб тушмасди. Одамларнинг кўча-кўйда, бостирмаларнинг остида, каламушлар чийиллаб изғиб юрган бўм-бўш омборларда очликдан шишиб ўлган мурдаларга кўзи тушавериш, дийдаси қотиб кетганди.

Икки нотаниш ўспириннинг ўлими тўғрисидаги хабарни ҳам барча шундай жимгина қарши олди, ло-акал биров, қандай фалокат босиб куни битибди, деб сўрамади, зеро, бусиз ҳам барчаси кундек аён эди.

Шу куни қассобнинг хотинидан бошқа бирон кимса Октепанинг яқинига йўламади ва ўспиринларни ҳам ҳеч ким излаб келмади.

Фақат кейин – орадан икки кун ўтибми, ўша кун уларга йўл кўрсатган муаззин ўзини гуноҳкор ҳис этиб, ўн икки ёшли ўғлини эргаштириб Октепага йўл олди.

Ўспиринлар ўша кун қандай беҳуш йиқилишган бўлса, ҳамон шундай алфозда ётар, фақат дайди шамол аллақаяқдан оппоқ қор учқунларини учуриб келиб, уларни худди кафан тортгандек бошдан-оёқ кўмиб ташлаган эди.

Муаззин ўғли билан тиззасигача қор кечиш, Октепа етиб келгач, ер билан битга бўлиб ётган жасадларга бир муддат тикилиб қолди, сўнг қибла тарафни мўлжал олиб,

қор устига чўккалаб ўтирди-да, тиловат кила бошлади. У кўзларини юмиб олганча пичирлаб дуо ўқир, совукда овози титраб, узук-юлуқ эшитиларди.

Тиловат қилиб бўлгач, ўрнидан туриб чопонининг этагига ёпишган қорни қоқаркан, тўрт-беш қадам нарида дам ўспиринларнинг жасадига, дам отасига кўзлари жавдираб қараётган ўғлига қорни тозалаб, йўл очишни буюрди, ўзи эса майитлар томонга ўтирилди.

Жасадлар икки кун аёз кўйнида қолиб кетганидан буткул музлаб, ерга чиппа ёпишиб қолган, уларни ажратиб олиш амримаҳол эди. Муаззин тўнининг энгларини химариб, уларнинг гоҳ оёғи, гоҳ кўлидан тутганча, жон-жаҳди билан тортқилай бошлади.

Қора терга ботиб майитларни ердан ажратиб олгач, уларни бирин-кетин елкасига кўтариб, ўғли очган йўлдан Октепаннинг устига олиб чиқди.

Ота-ўғил бирпас нафасларини ростлаб, гўр қазишга киришишди. Бироқ ер совукдан тошдек қотиб ётарди. Муаззин титраб-қақшаб белкуракни устма-уст ерга урар, аммо бор-йўғи бир чимдим тупроқ ушалганига кўзи тушиб, тутақиб кетар ва алланималар деб гўлдираб кўярди. У ҳолдан тойди: хансираб тез-тез белкурак дастасига суяниб нафас ростлар, ичида худди сув қайнаётгандек оғзидан паға-паға буғ чиқар эди.

Бунинг устига, ҳаво жуда совук, дарё томондан чийиллаб бостириб келаётган аччиқ изғирин ота-ўғилнинг баданига наштардек санчилар, юз ва кўзларини аёвсиз чимчилаб ўтарди. Уларнинг оёқлари совукда қарахт тортганидан ҳеч нарсани сезмай кўйганди.

Бироқ айни дамда, қайсарлиги тутган муаззин ҳеч нарсани тан олишни истамас, қасдма-қасд хансираб гўр қазир, гарчи ҳар гал бир чимдимгина қовланган тупроққа кўзи тушиб, фиғони фалакка чиқса ҳамки, белкуракни кўлидан кўйишни хаёлига келтирмасди.

Минг машаққату азобдан сўнг у кишининг белича келадиган чуқурча қазилга эришди, холос.

Сўнг чор-ночор кўлидаги белкуракни бир четга ташлаб, майитларни чуқурга жойлай бошлади: аввал бирини ётқизиб, устига иккинчисини кўйди ва шунда маълум бўлдики, қазилган чуқур бўйига калта экан, хиёл новчароқ майитнинг оёқлари ташқарига чиқиб қолди.

Муаззин серрайиб туриб қолди: қабрни яна пича кенгайтиришга кучи етмас, аммо майитларнинг устига шундайча тупроқ ҳам тортиб бўлмасди.

У анча пайт жасаднинг ташқарига чиқиб қолган оёқларига киприк қоқмай тикилиб турди, сўнг чорасини топгандек, бирдан кўзлари ёниб кетди.

– Юзингни тескари ўгириб тур, – деди у ўғлига.

Бола ҳеч нарсага тушунмай, кўрка-писа тескари ўгирилди: у отасининг авзойи туйқус ўзгариб қолганини кўриб, кўнгли қандайдир ёмон нарсанинг шарпасини сезгандан беихтиёр дағ-дағ қалтирай бошлади.

Муаззин ўғли дарё томонга ўгирилгач, кўлига белкуракни олди ва уни боши устида азот кўтарди-да, майитнинг ташқарига чиқиб қолган оёқларини мўлжал тортиб, зарб билан урди: «қирс» этган товуш эшитилди ва майитнинг оёқлари букчайиб чуқур ичига тушди. Муаззиннинг ҳам бўғзидан «ҳиқ» этган товуш узилиб чиқди-ю хансираганча белкурак дастасига суяниб қолди.

– Тақдиринг шундай битилган экан, биродар. Менинг гуноҳим йўқ, кўлимдан нима келса, шуни қилдим, – деди у майитга караб ва хўнграб йиғлаб юборди.

Ота-ўғил майитларнинг устига тупроқ тортиб бўлишгач, изма-из судралиб уйга қайтишди.

...Аслида Октепа қабристон эмасди, фақат бу ерга қишлоқ очарчилик чанғалида қолган йили икки нота ниш ўспирин ва сўнг шу тахлит ўлим топган яна бир неча кишининг жасади кўйилди.

Қош қорайиб, дўкондан хўрандаларнинг қадами узилгач, кун бўйи югур-югурдан дайди итдек толиққан сомсапаз нариги хужрага ўтиб, кийим-бошини алмаштиришдан олдин, одатдагидек, бир уюм ғижим пулларни санашга тушди: у пулларни лаби-лабига тегмай шивирлаганча ҳафсала билан санар ва даста-даста қилиб тахлаб, бир четга қўяр эди. Унинг қаршисида эса худди муҳим юмушни қойилмақом қилиб уддалаб қўйиб, энди шунинг натижасини кутаётган кимсадек шогирди ғуддайиб ўтирар ва дам-бадам кўз кири билан пулларга қараб қўярди.

– Бугун чўғи паст-ку?! – деди сомсапаз пулларни санаб бўлгач, бошини кўтариб шогирдига қараркан.

Йигитча шу саволни кутиб тургандек, дарров бидирлаб жавоб берди:

– Одамларнинг авзойини ўзингиз кўриб турибсиз-ку! – деди у кўзларини катта-катта очиб. – Ҳамма анави йўқолган тобутнинг ваҳимасидан ўзини қўярга жой тополмай юрибди. Дўконга ҳеч қачон бугунгидек кам одам келмаганди...

– Ҳмм, – деди сомсапаз худди хомуза тортгандек чўзиб, сўнг алланималарни ўйлаганча хаёлга толди. Аммо бир нафас ўтиб-ўтмай унинг юзи қув табассумдан ёришиб кетди.

– Буни қара, – деди у шогирдига қараб ёйилиб қуларкан, – битта тобутни деб бутун кишлоқ кечадан буён худди аза очгандек ҳурпайиб ўтирибди-я. Товба-а, бу одамларда юракдан ҳам тоза бор экан-да, ўзи, а?! Эй товба-ей, худди ўтакалари ёрилиб кетганга ўхшайди. Тобут-ку, майли, ўз йўлига, бугун йўқолган бўлса, эртага топилади, топилмай қайга боради, аммо манави одамларнинг ковоғидан қор ёғишига ўлайми?! Нимани ўйлаб бунча ваҳимага тушишади ўзи?! Ўлай агар, зиғирча ақлим етмайди. Бу бечоралар битта тобутни

деб шунча ғам-ғуссага ботишса, эрта бир кун ўн йилдан бери ҳаром ўлган новвосларнинг гўшти солинган сомсаларни паққос тушириб келишаётганини билиб қолишса, нима қилишаркин-а?! Шу сомсани ўзим пиширсам ҳам оғзимга солиш у ёқда турсин, ҳатто, қарагим келмайди. Бу одамлар бўлса, эй, нимасини айтай...

– Билишмайди, – деди шогирди ишонч билан. У чиройи очилиб, яйрабгина ўтирар, афтидан, устози ўзига яқин олиб, бундай гап-сўзларни айтаётгани унга мойдек ёқиб тушарди. – Ўла қолса ҳам биронтасининг хаёлига келмайди. Қайтага лаб-лунжларини тўлдириб, ютоқиб сомса чайнашаркан, нукул сомсаларинг жуда сергўшда, бунақаси ҳеч қайда йўқ, деб макташгани-макташган...

– Тўғри, билишмайди, – деди сомсапаз унинг сўзини тасдиқлаб. – Баъзида одамларнинг сомса ейишига қараб туриб, ўзим ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қоламан. Бирортасининг ҳам юз-кўзида ўзгариш сезилмайди, товба, оғизларида чайнаб турган таомнинг мазасини билишмайди, шекилли. Ҳа, майли, бизга шундай бўлгани ҳам маъқул. Йўқса, манави уюм-уюм пуллар қайдан келарди?!

Сомсапаз яна ёйилиб кулди, у ич-ичидан хузур қилаётганидан юзи ёришиб кетган, кўзлари айёрона чакнаб турарди. Шогирди эса унинг ҳар бир гап-сўзину имо-ишорасини тасдиқлашга махтал бир киёфада беўхшов илжайиб ўтирарди.

Сомсапаз, одатдагидек, шогирдига хизмат ҳақини бераётиб, тагин йўқолган тобут ҳақида гап очиб қолди:

– Қизик, – деди у энди ростакамига ҳайратга тушгандек қошларини чимириб, – тобут ўз-ўзидан қаёққа йўқолган бўлиши мумкин?! Уни биров орқалаб уйига олиб кетган десанг, кимнинг ёқасидан тутишни билмайсан киши. Эй, ким ҳам олиб кетарди. Унда қаёққа йўқолдийкин?! Ҳар қалай, ўз-ўзидан оёқ чиқариб, бирон ёққа кетиб қолмаган бўлса керак?!

У тагин ўйга толди. Бироқ бир лаҳза ўтиб-ўтмай, энсаси қотган оҳангда сўз қотди:

– Хўп, – деди у шогирдига тикилиб, – тобут йўқолишга йўқолибди, уни ким ўғирлаган, нега ўғирлаган – бари ёлғиз Худога маълум. Аммо манави одамларнинг бунча лаб-лунжини осилтириб олишига бало борми?! Худди эртага ҳаммани ажал қисталанг қилиб турибди-ю, жасадлари тобутсиз қолиб кетадигандек бунчалик ваҳимага тушишмаса, а?!

– Эрталаб фолбин хотин айтибдики, – деди шогирди худди муҳим сирни ошкор этаётгандек шивирлаб, – тобутнинг ўз-ўзида ғойиб бўлиши қандайдир фалокатнинг белгиси эмиш. Эртами, индинми, ишқилиб, яқин орада қишлоқ бошига кўз кўриб, кулоқ эшитмаган офат ёғилармиш. Бундан бирон тирик жоннинг омон қолиши кўзимга кўринмаяпти, деган эмиш. Одамлар шуни эшитиб, баттар ваҳимага тушиб қолишди.

– Сен бу гапни қайдан эшитдинг?! – деди сомсапаз бирдан авзойи ўзгариб.

– Тушлик пайти анави жинни қизнинг тоғаси келувди, шундан эшитдим.

Сомсапаз шогирдига ишонмаётгандек, қарай-қарай жим қолди: афтидан, унинг ҳам кўнглига ғулғула оралади чоғи, ранги хиёл ўзгариб, қовоқлари солина бошлади. Буни кўриб шогирднинг ҳам дами ичига тушиб кетди.

– Бизга нима, – деди бироздан сўнг сомсапаз ўзини бепарво тутишга уриниб, – кўпса, кўпавермайдими ўша офати. Бу қишлоқда бизни ҳеч ким оёқ-қўлимизни боғлаб, ушлаб тургани йўқ. Керак бўлса, эртагаёқ лашлушимизни орқалаб жўнаб қолишимиз мумкин. Ундан кейин, сен ҳали билмайсан, дунёда шундай юртлар борки, одамлари худди жаннатдагидек бемалол айшини суриб юришибди. Қишлоғидан нарини кўрмаган бу одамлар бўлса, эй...

У худди ҳафсаласи пир бўлгандек кўлини жаҳл билан силтади-да, ўрнидан турди ва кийим-бошини алмаштириш учун нариги хонага кириб кетди.

Унинг сўзлари шогирдининг ҳам кўнглини кўтариб юборди, мийиғида мамнун жилмайганча хизмат ҳақиға теккан пулларни қайта санашга тушди.

Тун қуюк парда тортган пайт дўконнинг чироғи ўчди ва эшик ғичирлаб очилиб ёпилди. Сомсапаз ва шогирди енгил-енгил қадам олганча тун кўйнига кириб, кўздан ғойиб бўлишди.

* * *

Эрталаб сигирларини подага ҳайдаб кетган ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги бўй-баста теппа-тенг тўрт нафар бола уйларига қайтиш ўрнига Оқтепага олиб борадиган тупроқли йўлга қайрилишди. Улар бир-бирларига сўз қотмай, маънос тортганча тупроқ кечиби боришарди. Сўнг яланг жойда тўхташди-да, бу ерларга нима мақсадда келишганини унутиб кўйишгандек, ўйга чўмишди.

– Қишлоқда ҳам туриб бўлмай қолди, – деди ниҳоят юзининг ўнг томонида бир тилим чандиғи бор бола ўртага чўккан жимликни бузиб. – Ҳаммаёқни ваҳимали «миш-миш»лар босиб кетди. Уйга кирсанг ҳам, ташқарига чиқсанг ҳам шу гап. Одамнинг тоза безорини чиқариб юборишди.

– Анави йўқолган тобутни айтаяпсанми, – деди чўнқайиб ўтирган кўйи кўлидаги кесакни эрмаклаб нарига отаётган сап-сарик юзли бола.

– Ростдан ҳам, шу йўқолган тобут одамларнинг оғзидан тушмай қолди. Ваҳимаси камайиш ўрнига баттар зўрайиб бораяпти. Ҳар соатда битта янги гап чиқади: ундай бўлармиш, бундай бўлармиш... Қайси бирига ишонишни ҳам билмайсан. Аммо каллангга бундай тузукроқ ўйлаб кўрсанг жуда ғалати туюлади, тобутни ким ўғирлаб кетган бўлиши мумкин?!

Тобутнинг сирли тарзда ғойиб бўлиши қишлоқ ахлининг кўнглига қанчалик кутку ва ғулғула солган бўлса, ҳали она сути оғзидан кетмаган манави болаларга шунчалик қизиқ ва ғаройиб туюларди: улар тобутни кимдир ўғирлаб кетибди, деган нохуш хабар қишлоққа ёйилган оқшомдаёқ бу воқеанинг гирдобига шўнғиб кетишган, оқсокол ва жувозкашдан сўнг фақат уларгина кўрқувни ҳам унутиб, масжид остонасини ҳатлаб ўтганча ичкарига кириб боришга журъат этишган ва кўз очиб юмгунча ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлашган, сўнгра эса, қишлоқнинг барча хилват гўшаларига бир-бир бош сукиб чиқишган, аммо ҳеч қаердан тобутни топишолмагач, ҳафсалалари пир бўлиб бўшашиб, уй-уйларига тарқалишган эди. Энди эса бу ҳақда ҳар дақиқа эшитавериб, шунчалик безор эдики, ҳатто унинг номини ҳам тилга олишни исташмасди.

– Кўйинглар, энди шу ҳақда бошқа гапирмайлик, – деди чандик юзли бола ўрnidан туриб кўлларини юкорига чўзганча керишаркан. Кейин у ишшайган кўйи кўшиб кўйди: – Эртанги кунимиз худди тобутсиз ўтмайдигандек ғамга ботиб ўтиришимизни қаранглар...

Ўзини худди катталардек тутиб айтган сўзлари ҳамроҳларига ҳам таъсир қилди, шекилли, улар ҳам хиёл жилмайганча унга қарашди.

– Хўш, – деди тағин чандик юзли бола шерикларига бир-бир саволомуз кўз ташлаб оларкан, – ўтган гал келишиб олган ўйинимизни бошлаймизми?!

– Бўлмасам-чи, – деди болалардан бири ўрnidан туриб бўйнини чўзганча Оқтепа томонга қараркан. – Қушларни гала-гала бўлиб учишини қаранглар. Инларидо ҳам тухумлари роса йиғилиб колгандир. Бугун уларни бир додини берайлик.

Болалар бошларини кўтариб, Оқтепанинг қия ёнбағридаги инларига кириб-чиқиб учиб юрган қушларга тикилиб қолишди. Уларнинг хаёлидан йўқолган

тобут ва унинг ваҳимаси аста-секин кўтарила бошлади.

– Қани кетдик, – деди чандик юзли бола ёвқур бир қиёфада олдинга тушиб йўл бошларкан.

Ҳамроҳлари тупроқ кўпчиб ётган йўлда тапир-тупур қадам ташлаганча унинг ортидан эргашишди. Уларнинг изидан оппоқ чанг ҳавога кўтарилди.

Қуёш тиккага келиб, ҳаво ҳаддан зиёд қизиб кетган пайт болалар Оқтепанинг ён бағирларидаги қушларнинг инига бир-бир қўл суқиб, барча тухумларини териб олишди. Уларнинг афт-ангорлари буткул чангу тупроққа беланганидан худди ҳозиргина тандирдан чиқиб келган мушукка ўхшаб қолишган, гарчи толиқишган бўлса-да, кайфиятлари жуда яхши, қўлларидаги кичкина-кичкина кўкиш тусдаги тухумларни бир-бирларига кўрсатганча, алланималар деб бақириб-чақириб келишарди.

Улар боя тўхтаган яланг жойга қайтиб келишгач, чўнтак ва кўйлақларининг этақларига солиб олган тухумларни бир ерга чош қилиб уйиб қўйишди. Сап-сарик юзли бола дарров оёқларини узатиб, ерга ястаниб ўтириб олди-да, тухумларни битта-битта санашга тушди. Унинг пешонасидан реза-реза тер қуйилиб, юзини ювиб тушар, эгнидаги ранги унникқан кўйлаги ҳам баданига чиппа ёпишиб қолганди, аммо у бунга мутлако эътибор бермас, пишиллаб нафас олганча лаби-лабига тегмай тухумларни санарди. Ҳамроҳлари унинг боши устида тик қотганча тухумлардан кўз узмай туришар, мабодо ҳисобдан адашиб кетгудек бўлса, бирдан чуғурлашиб, шовқин кўтаришарди.

– Жами саксонта экан, – деди сап-сарик юзли бола ниҳоят бошини кўтариб шерикларига қараркан. – Энди буларни тенг тўртга бўламиз, – у шундай деб тухумларни қайта тақсимлади ва ўзининг улушини кўйлагининг этагига солиб, ўрнидан турди.

– Мана, ҳамма ўзининг тегишини олсин, – деди у ва бошини ўгириб Оқтепа томонга қараркан, беихтиёр кўзлари чакнаб кетди. – Ў, қушларни тўзғиб учишига каранглар, – дея қичқириб юборди. – Ўзиям роса додини берибмизми, а?!

Оқтепа бағрини ини бузилган қушлар тўдаси босиб кетди: улар худди қора куюндек тўзғиб-тўзғиб учар, аянчли чинқириғи ҳаммаёқни тутиб кетганди. Гоҳ хас-хашаклари осилиб ётган – бузилган инлари томон шитоб билан канот қоққанча учиб борар, бироқ инга етай деб қолган чоғ алланимадан чўчиб, баттар чинқирганча ҳавога кўтарилар эди. Қушлар шунчалик кўп эдики, худди қора булутдек осмонни қоплаб олганди.

– Тезроқ Оқтепанинг устига чиқиш керак, – деб қичқирди тухум тақсимлаган бола. – У ердан нишонга олиш жуда қулай. Қани, тез бўлинглар, йўкса қушлар учиб кетади.

Болалар тухумларни шоша-пиша кўйлақларининг этагига солиб, Оқтепага олиб чиқадиган илонизи йўлакдан югуриб кетишди. Ҳансираб тепа устига кўтарилишгач, нишаб жойда қатор тизилиб туриб олишди-да, шундай пастда, оёқлари остида тўзғиб учаётган қушлар галасини қўлларидаги тухум билан мўлжалга олиб, ота бошлашди. Улар қулочларини кенг ёзиб, тухумни жаҳд билан отишар ва шу захотиёқ кўйлақларининг этагидан ёки чўнтақларидан навбатдаги тухумни олиб, тагин отишга шайланишарди. Ҳар гал навбатдаги тухумни отиб бўлишгач, «Ў, меники анави қушнинг канотларини яралаб ўтди, меники эса, бошига тегди», дея бақириб-чақириб шовкин солишар, баъзан эса, азбаройи қувониб кетишганидан сакраб-сакраб қўйишарди. Шу тобда уларнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, гўё юракларида ёвуз ва шафқатсиз бир туйғу жунбишга келгандек эди.

Болаларнинг тахдид ва ҳамласидан баттар ҳурккан қушлар Оқтепани тарк эта бошлади: улар энди гўё бир тану бир жонга айланиб қолгандек жипс тортиб учишар, тўда бошидаги қуш қаёққа қараб қанот қокса, ортидагилар ҳам унга эргашарди. Қушлар худди бу ошиёндан мангу бош олиб кетаётгандек шиддатли қанот қокқанча тобора олислаб борарди.

Болалар тухумларнинг барини отиб бўлишган эди, улар мамнун қиёфада қўлларини белларига ғолибона тираганча, ҳамон қушлардан кўз узмай туришарди.

Эрталабдан буён ҳамроҳларининг гап-сўзию кийкирикларига унча қўшилмай ўзини сирли тутиб турган қотма юзли бола қушлар галасига тикилиб турди-да, беписанд овозда сўз қотди:

– Қушларнинг инини бузиб, тухумларини териб олиш жуда мақтанишга арзимайди. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келиши мумкин. Мен битта нарсани биламан, анавини антиқа деса бўлади. Кўрсаларинг оғизларинг ланг очилиб қолади.

Болалар бараварига унга қарашди ва антиқа нарса унинг қоксуяк жуссасига яшириб қўйилгандек, бош-оёқ тикилиб қолишди.

– Нима бало, кесакдан олов чиқдимми?! – дея пичинг қилди болалардан бири ва пик этиб кулиб юборди.

Аммо қотма юзли бола бунга эътибор бермади, у ҳамон сирли жилмайиб турар, кўзлари қув ва айёр тикилар, афтидан, шерикларини пича ялинтириб, иззатини оширишни истарди.

– Нима экан ўша сен айтаётган антиқа нарса? – хушламайгина сўради тухум таксимлаган бола. Аслида у ичида жуда қизиқиб турар, аммо сир бой бергиси келмасди.

Қотма юзли бола жавоб бермади, сирли илжайиб тураверди. Унинг бу қилиғи болаларнинг ғашини келтирди, улар пича муддат индамай тикилиб туришди-да, сўнг норози овозда тўнғиллай бошлашди.

– Сен доим шундай қиласан, – деди тухум тақсимлаган бола тўнғиллаб, – бир нарсани учини чиқариб қўясан-да, сўнг дамингни ичингга ютиб тураверасан. Аслида эса аравани курук олиб кочасан, ҳеч қандай антика нарсани билмайсан.

– Биладан, – деди қотма юзли бола худди ҳамроҳлари кетиб қолишидан чўчигандек бирдан шаштидан тушиб. – Майли, айтсам айта қолай: тунов кун жувозкаш анави ердан, – у тўрт-беш қадам наридаги тупроғи казиб олинган чукурни кўрсатди, – тупроқ казийётганди, тўсатдан бир тўда суяклар чиқиб қолди. Ҳаммаси одамнинг суяклари. Жувозкаш суякларни ҳар томонга отиб-отиб юборди-да, тупроғини қазийверди. Мен шу атрофда ўйнаб юргандим. Жувозкаш тупроқ тўла қопини эшагига ортиб уйига кетгач, суякларни ҳаммасини йиғиштириб олдим-да, бир жойга яшириб қўйдим.

– Агар ростдан ҳам одамнинг суяклари бўлса, жуда ғалати-ку, – деди чандиқ юзли бола шерикларига қараб оларкан.

– Сен айтган суяклар одамники бўлмаслиги ҳам мумкин, – деди тухум тақсимлаган бола негадир ишонқирамай. – Чунки Октепа ҳеч қачон қабристон бўлганмас. Шундай бўлгач, одамнинг суяклари бу ерга қаердан келиб қолади?!

Унинг анча жўяли эътирози ҳамроҳларига ҳам таъсир қилди, шекилли, улар тағин қотма юзга саволомуз қарашди.

– Йўк, суяклар ҳақиқатан ҳам одамники, – деди бола ишонч билан. – Мен буни аниқ биладан. Чунки суякларнинг орасида иккита бош чаноқ ҳам бор. Ишонмасанглар, мен билан бирга юринглар, ҳаммасини ўз кўзларинг билан кўрасизлар.

У шундай деб Октепанинг кунботар тарафига қараб юрди. Болалар унинг ортидан эргашишди: ҳаммани ғалати бир қизиқиш чулғаб олган эди.

Улар қия йўлакдан пастга – хилват майдонга эниш-гач, икки кадамча олдинда бораётган қотма юзли бола қадамини янада тезлаштирди-да, майдон четида хиёл дўмпайиб турган жойга борди ва тиззалаб ўтириб олиб, тупрокни ковлай бошлади. Болалар ҳам унинг атрофини қуршаб олиб, нафасларини ичларига ютганча, кўз узмай тураверишди.

Бола тупрокни бир қур сидириб ташлагач, ростдан ҳам сарғиш тусдаги йўғон-йўғон суяклар кўзга ташланди. Суякларга ҳали шикаст етмаган, деярли бус-бутун, фақат узок вақт тупроқ остида ётганидан нам тортиб, сарғиш тусга кириб қолган эди.

Қотма юз бола мўъжиза кўрсатаётган сеҳргар каби гердайган киёфада мамнун жилмайганча суякларни битта-битта олиб, шерикларига узата бошлади. Болалар ҳадик ва кўрқув билан сесканиб-сесканиб суякларни қўлларига олишаркан, кўзларини катта-катта очганча тикилиб қолишди.

– Мана шу суяклар ростдан ҳам одамники эканига, ўлай агар, сира ишонгим келмаяпти, – деди чандик юзли бола кўнглидаги шубҳасини яширмай. – Яна ким билади, балки одамникидир?..

– Агар ҳақиқатан ҳам одамники бўлса, унда мен умримда биринчи марта одам суягини кўлимда ушлаб турибман, – деди сап-сарик юзли бола беўхшов илжайиб.

– Манави суякнинг катталигига қаранглар, – деди яна бири йўғон суякни ҳавога силкиб кўрсатаркан. – У одамнинг қаерида жойлашганикин?!

– Болдир суяк бўлса керак, – дея тахмин қилди қотма юз.

– Одамнинг суяги эшакникига жуда ўхшаркан, – деди сап-сарик юзли бола кўлидаги устихондан кўзини узмай. – Ўтган йили подачининг жарга қулаб тушиб ўлган эшагининг суяклари ҳам худди шундай эди. Фақат ранги пича оқишроқ эди...

– Одамнинг суяклари тупрок остида ётаверганидан шундай рангга кириб қолган, – деди чандик юз бола. – Эшакни кўмиш эса ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган.

Улар шу тарзда тахмин қилишар экан, хаёлларида айланаётган бояги хадик ва кўркув ҳисси аста-секин кучайиб борарди.

– Буларни энди нима қиламиз, – деб қолди бир пайт суякларни топиб олган қотма юз хавотирли овозда. У, афтидан, суякларни шундай ташлаб кетгиси келмай турар, бунинг устига, ҳамроҳларининг кизиқиши сўниб, эътибор бермай тургани ҳам унга ёкмаётган эди.

– Ҳар холда, музейга олиб бориб топширмасанг керак, – деди тухум тақсимлаган бола масхараомуз. – Агар олиб борадиган бўлсанг ҳам, барибир, қабул қилишмайди. Улар ўзларига керак бўлса, истаганча қазиб олишаверади. Бу суякларингни итларнинг олди-га ташласанг, улар ҳам кайрилиб қарамайди. Истасанг ташлаб юбор, истасанг уйингга олиб бориб, яшириб қўй, кези келса, бошқаларга ҳам кўрсатиб мақтанасан.

– Ие, айтгандек, – деб қолди чандик юзли бола ҳовлиқиб, – биласизларми, мен одамнинг суягида фосфор бўлади, деб эшитганман. Фосфор эса гугурт чакқан захотинг мойдек лов этиб ёнаркан. Бу суякларни ҳам бир ёқиб кўрмаймизми?!

Унинг таклифи болаларнинг кўнглида бирдек кизиқиш уйғотиб юборди, шекилли, ҳеч ким эътироз билдирмади ва улар шу захотиёқ гулхан ёқиш тараддудига тушиб қолишди. Бир зумда қуриб-қовжираб қолган ўт-ўланларни йиғиштириб, бир жойга тўплашди. Қайсидир боланинг чўнтагидан қутиси унниқиб кетган гугурт ҳам топила қолди ва орадан бир неча дақика ўтиб-ўтмай, каттагина гулхан ловуллаб ёна бошлади.

Қотма юз бола боя ўзи болдир суяк, деб тахмин қилган йўғон суякни тантанавор киёфада қўлларида тутиб, гулхан қаршисига келди ва уни олов қўйнига

ташлади. Болалар аллақачон гулхан атрофини қуршаб олишган ва нафасларини ичларига ютиб, ундан кўз узмай туришар эди.

Дарвоқе, суякда болалар тахмин қилган фосфор йўқ эмас, бор эди: суяк олов таъсирида қизиб ҳавоси сурилиб чиққач, бирдан лов этиб ёнди-ю, аммо шу лаҳзанинг ўзида ўчди-қолди. Бу хол бор-йўғи бир дақиқага чўзилди, холос.

– Ана, кўрдингларми, лов этиб ёнди, сизларга айтдим-ку, фосфори бор деб. Гапим тўғри эканми?! – деди чандик юзли бола қичқиргудек овоз билан.

У ўзининг тахмини тўғри чиққанидан қувончи терисига сиғмай кетди. Аммо унинг қувончига ҳеч ким шерик бўлмади. Болалар боя олов қаърида ётган суякка кўзлари тўрт бўлиб тикилишаркан, хали ўзлари ҳам тузук-қуруқ тасаввур этолмайдиган қандайдир ғайритабиий воқеа юз беришини кутишган эди. Бироқ суякнинг оддийгина лов этиб ёниши уларнинг ҳафсаласини пир қилди. Шунинг учун қолган суякларни ҳам бирваракайига оловга ташлашди-да, қандай ёнишини кузатишга ҳам сабрлари чидамай нари кетишди.

Кўп ўтмай гулхан ҳам ўчиб қолди, ундан кўтарилаётган тутун эшилиб-эшилиб кўкка ўрлай бошлади. Кун нақ қиёмига етган, қуёш худди борликни ёндиришга қасд қилгандек аёвсиз қиздирар, унинг тиғида бир нафасгина ҳам туриб бўлмасди. Болалар қаттиқ толиқишган, устига-устак, қоринлари ҳам очикқан эди. Улар ланж қиёфада кадамларини судраб босганча, уй-уйларига қайтиш учун йўлга тушишди.

Бироқ хали ўн кадамча юриб улгурмай, гулхандан кўтарилаётган тутунга қарай-қарай орқада келаётган тухум тақсимлаган бола кутилмаганда, худди энг муҳим нарсани унутиб қолдиргандек, ҳовлиққан овозда сўраб қолди.

– Сен боя одамнинг бош чаноклари ҳам бор, деган эдинг, – деди у котма юз шеригига қараб. – Қани, кўрсатмайсанми?! Ё бизни лақиллатдингми?!

Бу гапни эшитиб бошқалар ҳам тўхтади ва котма юзга қарашди.

Бола ҳам шуни кутиб тургандек шартга ортига қайрилиб, суякларни ковлаб олган жойга югургилаб кетди.

У майдон адоғига етиб бориб тиззалаб ўтирди-да, яна ковлай бошлади.

Бир пайт, у икки қўлида иккита дум-думалок нарсани тутиб ўрнидан турди ва шошиб ҳамроҳлари томон ўгириларкан, ўзини тутолмай кичқириб юборди:

– Мана-а!

У боши устида тутиб турган ва тинмай ирғишлаганча силкитаётган одамнинг бош чаноклари кўзга жуда совуқ ва хунук ташланар, айникса, бундай мудҳиш манзарарга илк марта кўзи тушаётган болаларни қурқувга солиб қўйганди. Улар ранг-рўйи ўчганча, ўринларида котиб туришар, биронтаси қимир этишга журъат сезишмасди. Шерикларининг қўрқувга тушиб қолганини пайкаган котма юз тинмай илжаяр ва алланималар деб бақириб-чақирар эди.

– Ха-ха-ха! Юракларинг чиқиб кетдимми?! Чўчимай яқинроқ келаверинглар, тишлаб олмайди!

Унинг айни дамдаги қиёфасию сўзларида зиғирча бўлса-да сесканиш ёки ҳадик аломати сезилмас, гўё қўлларида одамнинг бош чаноклари эмас, балки қандайдир гаройиб ўйинчокни тутиб олиб, ҳаммага кўз-кўз қилиб мақтанаётгандек ҳавода силкиб-силкиб ўйнар, аллақандай беўхшов қилиқлар қилар ва тинимсиз бидирларди.

Охири бақириб-чақириб чарчади, шекилли, норози оҳангда тўнғиллаганча, шериклари томон ўзи кела бошлади.

Болаларнинг назарида, бош чаноклари қанчалик қўрқинчли ва ваҳимали кўринса, шунчалик сирли ҳам

эди. Шу боис ҳам улар чўчиб-чўчиб бўлса-да, қотма юз-нинг атрофини ўраб олишди.

Қотма юз ўзини буткул эркин тутар ва алланималар деб ҳамроҳларига далда берар, шунинг баробарида, уларнинг устидан дам-бадам қотиб-қотиб кулишни ҳам қанда қилмасди. У керилаётганини сира яширмас, ўртада қаддини ғоз тутиб турганча, худди ўзининг ғаройиб кашфиётини тушунтираётган олим сингари кўрсаткич бармоғи билан бош чанокдаги тешикларни кўрсатаркан, манави тешиклар кўзнинг ўрни, манависи эса оғизники, дея тинимсиз жаврар эди.

Унинг тилини бундай бийрон қилиб турган совуқ ва шафқатсиз журъат аста-секин бошқаларга ҳам ўтди ва улар ҳам кўрқувни унутиб, бош чанокларни эмин-эркин қўлларида ушлаб, тешикларига бармоқларини сукиб кўришар, бир-бирларининг юзига тутиб, «вах-х» дея кўрқитмоқчи ҳам бўлишарди.

– Буниси ростдан ҳам жуда ғалати экан, – деди сапсарик юзли бола. – Анави суякларинг бунинг олдида ҳеч нарсага арзимамайди. Қаранглар, қандай ваҳимали, кўзи тушган одамнинг юраги чиқиб кетай дейди.

– Шу кўринишда сен айтаётгандек жуда ваҳимали эмас, – деди яна бири. – Биласизларми, ҳозир буларга қараб туриб зўр нарса ўйладим. Кечкурун лагтани ёқиб, манави бош чанокларнинг ичига солиш керак. У ловуллаб ёна бошлагач, чанокдаги тешиклардан олов отилиб чиқади. Шунда улар худди одамхўр девга ўхшаб қолади. Кўзи тушган одамнинг ўтақаси ёрилиб кетиши турган гап. Шу туришда...

– Эй болалар, – дея унинг сўзини бўлди чандиқ юзли бола бўйнини чўзиб Оқтепаннинг нариги томонидаги тупрокли йўлга қараркан, – анави томондан жинни қиз ўтиб кетаяпти. Бош чаноклардан бирини беринглар, бориб бир кўрқитай-чи, нима қиларкин.

– Ма, кўйнингга солиб ол, яқинига боргач, бирдан юзига тутасан, – дея ўргатди қотма юзли бола.

Бола уни кўйнига солишга чўчиди, шекилли, орка-сига яширганча, тупроқли йўл томон югургилаб кетди.

Жинни қиз ҳамон ўша шодон ва қувнок кайфиятда бузоқчасини бағрига босиб, иланг-биланг қадам ташлаб келар, икки сигири ортидан эргашган эди. У сирли иш-шайганча Оқтепа тарафдан чиқиб келган болага кўзи тушиб, худди қандайдир шумликни кўнгли сезгандек, бирдан ковоқларини солиб олди, бузоқчани тортиб олмоқчи деган хаёлга борди, шекилли, бағрига қаттиқроқ босиб, болага ўкрайиб қаради.

– Ҳа, сигиринг туғдими? – деди чандиқ юзли бола мулойим овоз билан.

– Қоч йўлдан, барибир, бузоқчамни сенга бермайман, – деди киз ўшқирганча.

– Менга бузоқчанг керак эмас. Сенга битта зўр нарса кўрсатайми? Мана, бунга бир кара, – у шундай дея орқасида яшириб турган бош чанокни шартта чиқарди-ю, кизнинг юзига тутди ва тишларини иршайтириб «вах-х» деб юборди.

У гарчи боланинг кўлидаги нима эканини тузук-куруқ кўрмаган эса-да, барибир, бирдан кўзлари олайиб кетди ва: «Йўқол, жинни», дея жон ҳолатда бакириб юборди-да, бузоқчасининг қорнига юзини босганча югуриб кетди. Сигирлари ҳам безовта тортиб бўкириб, унинг изидан шаталоқ отиб чопди.

Болаларнинг Оқтепа тарафдан эшитилган ёввойи қийқириғи ҳаммаёкни тутиб кетди.

– Томошанинг қизиғи ҳали тунда бўлади, – деб кичқирди чандиқ юзли бола уларга қараб.

* * *

Иккинчи кун ҳам қишлоқда аҳвол ўзгармади: на бирон жойдан йўқолган тобутнинг дарағи чиқди ва на

фолбин хотин элдан бурун башорат қилган, ҳали рўй бермай туриб, ҳамманинг хаёлини алғов-далғов қилиб ташлаган бало-қазо юз кўрсатди. Кун худди оғир туш каби таҳлика ва ваҳимага ғарқ ўтди.

Фақат учинчи кун эрталаб бу дарду балонинг чора-аъмоли топилгандек, фавқулодда бир жонланиш пайдо бўлди. Албатта, бу бежиз эмасди: тобут ўз-ўзидан ғойиб бўлган шом палласидан буён ҳеч кимга қорасини кўрсатмай келаётган оқсоқол шу кун эрталаб янги тобут ясатиш учун устанинг уйига йўл олди.

Дарвоқе, оқсоқол ўша кун мой тўла челагини кўтариб ҳовлисига кириб келгандан бери уйга қамалиб олиб, кечаю кундуз ақл бовар қилмас бу ҳодиса устида бош котирган, унинг безовта ва ўжар ўй-хаёллари кириб чиқмаган бирон-бир кўча қолмаган, аммо қанча ўйламасин, барибир, кўнглига таскин берадиган бирон жавоб топа олмаган ва охир-оқибат, бу воқеада одам боласининг кўли йўқ, деган тўхтамга келган эди. Бу унинг уч кечаю кундуз бош котириб, тан олган хулосаси бўлди.

Оқсоқол буни ҳали бирон-бир кимсага айтмаган эди, зеро, кўнглидагини тўкиб солгани билан дарду дунёси енгил тортмаслигини, қайтага ўз соясидан ҳам чўчиб юрган одамлар баттар ваҳимага тушишини яхши биларди.

Бунинг устига, унга бошқа бир нарса сира тинчлик бермасди: у қишлоқнинг оқсоқоли эди. Узоқ йиллардан буён одамлар ўртасидаги энг майда можаро ҳам фақат унинг амру ишораси билан ҳал бўлиб келар, сўнги хулосани у айтар ва буни бузишга, ҳеч қурса, жиндек ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. У йиллар давомида қишлоқнинг дали-ғули, содда ва айни чоғда, ўлардек қайсар одамларнинг ҳеч қандай куч инкор эта олмайдиган темир сардорига айланган эди.

Қишлоқ аҳли гарчи тобут ғойиб бўлганидан қаттиқ саросимага тушиб қолган эса-да, барибир, ҳали буткул умид ва ишончини йўқотиб қўймаган, ҳамма сабрсизлик билан оқсоқолдан кўнгилга ёруғлик олиб кирадиган бирор гап чиқишини кутар эди. Оқсоқолнинг ўзи ҳам шуни ич-ичидан ҳис этиб, устанинг ҳузурига отланганди.

У аста қадам ташлаганча, устанинг уйи томон кетиб бораркан, барибир, кўнгли таскин топмаган, ичи чирок ёқса ёришмасди: гарчи, табиатан ирим-сиримларга унчалик ишонмаса-да, янги тобут яшаш бошқа бир фалокатни бошлаб келмасмикин, деган ўйдан безовта эди.

У устанинг уйига кириб боргач, қовоғини ҳам очмай қуруққина ҳол-аҳвол сўрашган бўлди-ю, дарров мақсадга кўчиб қўя қолди.

– Қишлоқда юрган гап-сўзлардан хабаринг бўлса керак, – деди у устага маъноли қараб оларкан. – Мана, бугун тобутнинг йўқолганига уч кун бўлди. Аммо бирон жойда дараги чиқмади. Бундан кейин ҳам чиқмаса керак. Ўзинг биласан, мен шу қишлоқнинг оқсоқолиман. Бирон чора топмасам бўлмайди. Энди бехосият бўлса ҳам янги тобут ясайсан. Ўйлаб-ўйлаб шундан бошқа йўл тополмадим. Эрта бир кун бировнинг қазоси етса, бошимизни қаёққа урамиз. Мен ҳаммасидан кўра шундан кўрқаман.

– Қандай кунларга қолдик ўзи?! – уста ҳам юракбағри эзилиб турган эканми, бирдан дарди ҳол қилишга тушди. – Ўйлайвериб, одамнинг боши ғовлаб кетди. Ҳеч ақлга сиғдириб бўлмайди: кимга керак бўлиб қолдийкин бу тобут?! Товба, Худодан кўрқмайдиган ҳам кўпайиб кетди, бизни шуларнинг касри урди, оқсоқол. Отам раҳматли айтиб кетган эди: шу йўқолган тобутни бобомнинг бобоси аллақайси бир замонда минг йиллик арча дарахтидан ясаган экан. Ўзингизнинг хабарингиз бор: жуда пишиқ тобут эди, шунча йилдан бери ҳали

бирон марта кирс этганини биров эшитмаганди. Йўқса, озмунча майит кўрдими?! Раҳматли бобомни-ку, Худо ёрлақаган экан, у йўқолганининг ўрнига эмас, тобут керак бўлгани учун ясаган. Бундай кўргилик, тақдиру пешонанинг шўрлигини қарангки, менинг елкамга тушиб турибди. Ростини айтсам, янги тобут ясашга сира кўлим бормаяпти, бошқа иш буюринг, қилай, аммо шу...

– Мен сенга эрмакка тобут ясагин демаяпман, – оксоқол бирдан тутақиб унинг сўзини бўлди. – Ўзим ҳам билиб турибман хосиятсиз эканини.

Уста унинг авзойи ўзгарганини кўриб, бирдан муро-сага келди.

– Начора, – деди у бўйнини эгиб, – буюрсангиз ясай-вераман. Гуноҳу савоби ҳаммамизнинг елкамизга...

Оксоқол унга бошқа ҳеч нарса демади, қисқагина хайр-хўшлашган бўлди-да, ховлидан чиқа бошлади. Уста уни дарвозагача кузатиб қўйди.

* * *

Аслида, устанинг ўзи оксоқолнинг келишини кўзлари тўрт бўлиб кутган, кўнглида янги тобут ясашга бўлган иштиёқ жуда баланд эди. Ўша, фалокат кўпиб, тобут ғойиб бўлган шомдан буён шу тўғрисида ўйлар, азбаройи юраги тошиб янги тобут ясашга киришиб кетишдан ўзини базўр тийиб турганди.

Тўғри, бу совуқ хабар кулоғига чалинган маҳал у кўркмади эмас, кўркди, ҳатто уйдан ташқарига чиқолмай қолди. Аммо кейин эс-хушини йиғиб олиб, дурустроқ ўйлаб кўрса, бир кунда номи элнинг оғзига тушиб, бало-қазони даф этадиган халоскорга айла-нишнинг айни мавриди келган экан. Чунки кишлоқда ундан ўзга уста йўк, мабодо йўқолган тобут топилмайдиган бўлса, оксоқол унинг олдига келишини жуда яхши биларди. У мана шу ўйдан сархуш бўлганча, оксоқолнинг келишини кўзлари тўрт бўлиб кутаётган-

ди. Охир-оқибат ҳаммаси ўзи ўйлаган ва кутгандек бўлиб чиқди.

Оқсоқол ховлидан чикиб кетган заҳотиёқ устахона-сига кирди ва хафсала билан енг шимариб, тобут ясашга тушди: анча пайтдан буён кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган ноёб тахта-ёғочларини ҳам аямади ва кун ҳали чошгоҳга етмай туриб, салобатли тобут ясади.

Сўнгра нафас ростлашга ҳам сабри чидамай, чала туғилганиданми, бир кўзи ғилай ва ақли ҳам бироз ноқис ўғли билан янги тобутни кўчалардан намоишкорона олиб ўтиб, масжид айвонига қўйиб келди.

Эрталаб оқсоқол устанинг ҳузурига йўл олгандан буён шу дақиқани юраги пўкиллаб кутиб турган қишлоқ аҳли бирдан енгил тортди-қолди, биргина янги тобутнинг ясалиши билан одамларни уч кундан буён ҳар дақиқада саросимага солиб турган қўрқув ва таҳдид шарпалари бир зумда аллақачон ғойиб бўлди. Ҳамма ўзини худди боши устида қалқиб турган мудхиш фалокатга чап бериб қолгандек ҳис этар ва ваҳимадан халос бўлган кўнгли бўшашиб кетганидан йиғлагиси келар эди.

Баъзиларга эса, энди ўртада қўрқув ва таҳлика пардаси кўтарилиб, қишлоқ осойишта нафас ола бошлагач, уч кун ичида нимаики рўй берган бўлса, ҳамма-ҳаммаси ва, ҳатто, одамларни бир қадар шошириб қўйган фолбин хотиннинг фоли ҳам жуда жўн ва чўпчакдек кулгили туюлар, бунга қандай қилиб лаққа ишониб қолишганига хайрон бўлишарди.

Ҳаммадан қассобнинг қувончи терисига сиғмасди: у бир ҳафта бурун ўғлининг никоҳ тўйини айнан мана шу оқшом ўтказишни мўлжаллаб қўйган ва аллақачон тўй тарадудини бошлаб юборган эди. Аммо бу орада тобут йўқолиб, қишлоқ аҳли ғам-ғуссага ботиб қолганини кўриб: «Озиб-ёзиб ният қилган тўйим ҳам татимайди-

ган бўлди, пешонам шўр бўлмаса, шундай кунда элнинг кўнглини овлайманми», дея зорланиб юрган ва ноилож тўй муддатини кечиктириш пайига тушганди. Бирок янги тобутнинг ясашиши, унинг сўниб бораётган орзумидларини қайта аланга олдириб юборди: у кувониб кетиб, бисотидаги бор-йўгини аямай тўй дастурхонига тўкиб солди, тўйни нақ базму жамшидга айлантириб юборди. Аллақаждан бошлаб келган кўш карнаю сурнайчилар гўё тўйни эмас, мусибатдан омон қолган кишлоқни олқишлаётгандек роса кулоқни қоматга келтиришди.

Дарвоқе, таҳлика ичида кечган уч кун одамларнинг асабини қакшатиб, безорини чиқариб ташлаган, айни дамда, ҳамма кўнглида шундай бир зиёфатга тийиксиз майл сезар эди. Шу боис ҳам оқшом чўкиши билан кишлоқнинг ҳар тарафидан одамлар тўп-тўп бўлиб қассобнинг ҳовлисига оқиб кела бошлади.

Тўй дабдаба билан бошланди ва шу алфозда алламаҳалгача давом этди. Тун оғишига яқин меҳмонлар бир-бирларини суяб, қоқиниб-туртинганча уй-уйларига тарқалишди.

Қассобнинг ҳовлисида тўйнинг сас-садоси тиниши билан болалар ўша кун Оқтепаннинг остида келишиб олишган ўйинларини намойиш этишди. Улар базм поёнига етгач, ичига мойга бўктирилан латта солинган бош чаноклардан бирини чойхонанинг томига, икинчисини эса, оқсоқолнинг дарвозаси устига осиб қўйиб, ўт ёқишди-ю, зумда ғойиб бўлишди.

Бош чаноклар ичидаги латта ловуллаб аланга олгач, зим-зиё тун қўйни бирдан ёришиб кетди ва даҳшатли манзара зоҳир бўлди: бош чаноклардаги тешиклардан олов пишиллаб отилиб чиқар ва чойхона томи ҳамда оқсоқолнинг дарвозаси устида худди одамхўр дев танда қўйиб ўтирганга ўхшарди. Ҳа, кўрқса кўрққулик манзара эди бу.

«...Бош чаноклар ловуллаб ёнгани сайин ерданми, кўкданми, аллақаёқдан кимнингдир тушунарсиз овозда ғўлдирагани эшитила бошлади. Тўғрироғи, бу нолага ўхшарди. Ана, овоз аста-секин тиниқ тортиб, тун кўйнидаги сукунатни буза бошлади:

– Вой, бошим-а, hozир тарс иккига бўлиниб кетади. Бунча тошбағир бу одамлар, тупроқ остида тинчгина ором олгани ҳам кўйишмайди. Шўрлик бошим-а, hozир ёрилиб кетади...

– Менинг бошим сеникидан бешбаттар азобга қолди. Бунинг олдида дўзахнинг ўти ҳам ҳеч гап эмас экан, суякларим куйиб, кирс-кирс синиб тушаяпти. Оҳ бошим-а, бунча азобга солмаса бу одамлар...

– Асли пешонамиз шўр экан, на у дунёда жонимиз роҳат топди, на бу дунёда. Кўрганимиз нукул азоб, азоб... Биз, ахир ҳеч қандай гуноҳга қўл урмагандик-ку, нега бунча қийнашади?!

– Рост айтдинг, толеимиз шўр яралганакан. Бу дунёга рихлат қилган кун эсингдами?! Ўша изғирин кутуриб турган кун иккимизнинг жасадимизни худди ҳайвонники каби тепиб-тепкилаб битта чуқурга кўмишган эди. Мен-ку, ўша пайтда жонимни Яратган эгамга топшириб, барча азоб-укубатдан халос бўлгандим. Аммо сенинг жонинг хали чикиб улгурмаган, танингда безовта тортиб, ғимирлаб юрарди. Фақат совуқда тарашадай қотиб ётганингдан ўликдан сира фарқинг йўқ эди. Кейин оёқларингни синдиришди... Сўнг устимизга тупроқ тортишгач, баданинг илиб қолганидан ҳушинг хиёл ўзингга келганди. Бироқ оғзингга тупроқ тўлиб, нафасинг қайтиб жон бергунингча озмунча азоб тортганмидинг?!

– Ҳаммаси ёдимда, тақдирим азалдан шундай яралган бўлса, ундан қочиб қаерга ҳам борардим. Қолаверса, ўша кунги изғиринда устимизга тупроқ тортган кишини ҳам айблаб бўлмайди. У қўлидан нима келса, шуни

килди. Аммо манавиларнинг ўйлаб топишган ўйинини кўр, сира тоқат қилиб бўлмайди. Вой бошим-эй, куйиб адо бўлди.

– Вой бошим-а, оҳ бошим...

Овозлар аста-секин пасайиб яна ингроққа айлана борди ва кўп ўтмай буткул тиниб қолди. Ҳадемай бош чаноклар ҳам ёниб тугади ва шундан сўнг ҳаммаёқни тонг сукунати қоплаб олди...»

* * *

Кўпчилик ҳали маст уйқуда эди: кеча оқшом қас-собнинг арзанда ўғлининг никоҳ тўйида хурмачаларига сикқунича ичишганидан ўликдай донг қотиб ётишар, куннинг ёйилиб кетганию аёлларнинг жағи-жағига тегмай жавраши эркакларнинг парвойига ҳам келмасди. Улар шу алфозда кун бўйи ҳам ёстикдан бош кўтармасликлари тайин эди. Аммо ҳаводан тонгги нам-хушлик кўтарилмай туриб, шундай воқеа рўй бердики, у нафакат эркакларни уйқудан уйғотиб юборди, балки ноҳос кўпган тўфон каби бирпасда ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлади.

Кейинчалик, орадан кўп сувлар оқиб ўтгач, одамлар ўша мусибатли кунни эслашаркан, ҳамма-ҳаммаси фолбин хотиннинг тонг-сахарда бўғзини йиртгудек овозда дод солишидан бошланганига иқрор бўлишди, аммо бирон кимса бу шўрлик хотинни айблашга ботинолмади, зеро, уни айблашга арзигулик гуноҳнинг ўзи йўқ эди.

Қисқаси, фолбин хотин кун энди ёйилиб келаётган пайт шундай аламли ва телбавор овозда дод солдики, ёстикдан бош кўтаролмай ётган одамлар унинг фарёдидан сапчиб ўринларидан туриб кетишди ва саросима ичида кўчага отилишди. Хотин-халажлар эса аллақачон эшик олдига чиқиб олишган ва хавотир билан фолбин хотиннинг ҳовлиси томонга қараб туришарди.

Фолбин хотин ховли ўртасида туриб олганча, оғзини осмонга қараб катта-катта очиб «болам-ов, болам», дея дод солар ва овози пасайган чоғ алланималар деб нола қиларди. У атрофини ўраб олиб, таскин-тасалли беришга уринаётган бир тўда хотин-халажларни зарда билан силтаб-силтаб ташлар ва ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. У ялангбош ва ялангоёк, баркашдек юзи йиғи ва изтиробдан бўғриқиб кетганди.

Фолбин хотин дарвозадан шошиб кириб келган бир тўда одамларни кўриб, баттар жазавага тушди:

– Вой, одамлар-эй, мен шўрпешонанинг уйгинам куйиб колди, Худо яккаю ёлғиз ўғлимни ҳам кўп кўрди, – у шундай дея чапак чалиб дод солганча, одамлар томонга юрди, аммо икки кадам ташлаб-ташламай тўхтади-да, тагин дийдиё килишга тушди. – Ўнта эмас, биттагина эди, шу ҳам пешонамга сиғмади. Худога қайси ишим ёқмадийкин мен бечорани, бунча доғламаса, а?! Шундай бўлишини аввал оқшом кўнглим сезганди, одамлар, аммо ғафлатда колдим. Кеча оқшом ўғлимга анави тўй қилмай ҳар нима бўлгур қассобникига бормагин, уйда, ёнгинамда ўтиргин, дея Худонинг зорини қилдим, мени ёлғиз ташлаб кетма, болам, кўрқаман, деб алдаган бўлдим. Қани энди кўнса, «Сиз хавотир олмай ўтиринг, онажон, мен бирпасда қайтиб келаман», деди-ю, чиқди-кетди. Воҳ, одамлар, нимасини айтай, шўрлик боламни ажалнинг ўзи олдига солиб ҳайдаб кетган экан. Алламаҳалгача кўзларим тўрт бўлиб унинг йўлини пойладим, юрагим алағда тортиб кетаверганидан уйда ўтиролмадим, дам кўчага чиқиб, дам ичкарига кириб, ўзимни кўйгани жой тополмадим. Охири, ўртоқлари билан ўйнаб қолгандир, тўй тарқаса келар, деб ўзимни овутган бўлдим. Тўшакка чўзилиб қандай кўзим илинганини билмай қолибман. Бир маҳал остонада аллакимнинг хансираб-хансираб нафас олгани эшитилгандек бўлди, кўрққанымдан юрагим чиқиб ке-

тай деди. «Ё, Худо», деб ўрнимдан отилиб турдим-да, чироқни ёқдим: не кўз билан кўрайки, остонада ўғлим икки букчайиб ётибди. Ранг-рўйида қон йўқ, энтикиб-энтикиб зўрға нафас олади. «Болам-ов», деб дарров устига ўзимни ташладим, бошини бағримга босдим. Шўрлик боламнинг тили тутилиб қолган экан, одамлар, гапиролмади, фақат жавдираб караганча, боши билан эшикни ишора қилиб кўрсатади, алланималар деб ёўлдирайди, қани энди бир нарсани илғай олсам, ҳеч нарсани тушунмадим. Ўғлимни бир амаллаб ичкарига олиб кириб, тўшагига ётқиздим, бир пиёла муздай сув тутдим. Сувни ичиб, ўғлимнинг ҳуши хиёл ўзига келгандек бўлди, рангига ҳам қон югурди. «Она, – деди у бир пайт кўлимни маҳкам тутиб, – эшикни ёпиб кўйинг, анавилар ҳозир ичкарига кириб келади, тезроқ ёпинг, жуда кўрқиб кетаяпман», деди. О, мен ўғлим биронтаси билан ёкалашиб қолибди, деган хаёлга борибман. Ким келади, ўғлим, сен шўрликни ким бундай кўйга солди, дедим. «Онажон, – деди ўғлим бағримга баттар ёпишиб, – мени туялар қувди, бир тўда сап-сарик туялар изимдан остонагача қувлаб келди. Улар ҳозир ҳовлида юрибди, эшикни тезроқ бекитинг, ичкарига кириб келмасин, онажон», деди. Ўғлимнинг гапларини эшитиб, бирдан юрагим шиғ этиб кетди, Воҳ, болам, сенга келган бало, онангга урса бўлмасмиди?! Ўғлимнинг кўнгли учун ўрнимдан туриб, эшикни ёпиб кўйдим. Шундан сўнг у бироз тинчлангандек бўлди, пича мизғиб ҳам олди. Мен бошидан бир кадам нари жилмадим, боламга келган дарду балонинг юзини ўзинг тесқари қил, деб Худога илтижо қилдим, ялиндим-ёлвордим. Аммо ҳаммаси беҳуда кетди, одамлар, сахарга бориб ўғлимни яна дард тутди, у тагин ҳушини йўқотиб, алахсирай бошлади. «Онажон, – деди шўрлик болам кўлларимга маҳкам ёпишиб олиб, – эшикни ёпиб кўйинг, ана, туялар ичкарига бош суқиб келаяпти», дейди. «Эшик

ёпик-ку, болам, – дейман унинг бошини бағримга босиб, – кўзларингни юмиб ётгин, бирпасда ҳаммаси ўтиб кетади», деб ёлвордим. «Эшик очик турибди-ку, – деди болам ёпик турган эшикни кўрсатиб, – нега мени алдайсиз, онажон! Ана, туялар ичкарига кириб келаяпти, ҳозир мени олиб кетади, мени уларга берманг, онажон», дейди бағримга баттар ёпишиб. Шўрлик боламнинг аъзойи тани алангаю оташ бўлиб лов-лов ёнди, лаблари бирдан сўлиб, қовжираб қолди. Алахсирай-алахсирай тонгга яқин узилди. Шундай кўлларимда жон берди, бечора болам. Сенга келган бало онангга урса бўлмасмиди, бағримни доғлаб кетган болам-ов, болам...

Дарвоза олдида одам тўлиб кетган эди. Ҳамма ҳовлининг нариги бурчидаги деразаси ланг очик, ҳаворанг пардаси тушириб қўйилган уйга бўйнини чўзганча кўркув билан қараб-қараб кўяр, аммо ҳеч ким ичкарига кадам босишга журъат этмай турарди.

Оқсоқол шошилмай, ҳаммадан сўнг ҳовлига кириб келди. Унинг тунд авзойидан ҳеч нарсани уқиб бўлмасди, у дарвоза олдида тошдек қотган одамлар тўдасини ёриб ўтди-да, ҳамон дийдиё килаётган фолбин хотиннинг олдига бориб паст овозда таскин-тасалли бера бошлади.

Оқсоқол изига қайтиб, дарвоза томон юраркан, одатдаги таомилга кўра кайвонилик қила бошлади: мулла, мурдашўй ва гўрковни айтиб келишга одам юборди, яна тўрт кишига масжид айвонида турган янги тобутни олиб келишни буюрди.

Кун пешиндан ўтган пайт барча расм-русум адо этилди, ювиб-тараб кафанланган майитни атрофига оқ сурпдан парда тортилган янги тобутга солишди-да, ердан кўтаришди. Тобут ортидан хотин-халаж уввос тортиб йиғлаб қолди.

Тобут кўлма-кўл бўлиб кишлоқ кўчаларидан лопиллаб ўтиб борар, ҳамма уни икки кадам бўлса-да

кўтаришга, ҳеч курса, бармоқларининг учини теккизиб қолишга ошиқарди. Ҳа, бу дунёда ўлимдан ҳам оғир ва мусибатли нарса йўқ. Аммо бир неча дақиқадан сўнг одамлар бошларига бундан ҳам мудҳишроқ бало-қазо ёғилишидан беҳабар эдилар.

Кейинчалик, ўша кун тобуткашлар орасида бўлган ва қандай кўргилик рўй берган бўлса, барини ўз кўзи билан кўрган, сўнг биринчилар катори куч-кўронини орқалаб, кишлокни тарк этган сомсапаз шундай ҳикоя қилган эди:

– Товба, товба, ўша кун қандай балога рўпара келганимизни айтиб берсам, ўла қолса биров ишонмайди. Менинг ўзим, ҳамма-ҳаммаси шундоқ кўз ўнгимда рўй бериб ўтган бўлса ҳамки, ҳануз ишонгим келмайди. Ўша кунни эсласам кўркувдан баданимдаги тукларгача титраб кетади. Пешонамининг шўрлигини қарангки, ўша кун бу кўргилик рўй берган маҳал худди атай қилгандек, тобутнинг олди томонидан кўтариб бораётгандим. Билмадим, ўша дамда ғафлат босдим, ё хаёлим бошқа жойда эдим, ишқилиб, тобут кўлимдан қандай сирғалиб чиқиб, ҳавога қандай кўтарилганини сезмай қолибман. Ҳатто, тобутни кўтариб бораяпман деган хаёлда бўм-бўш кўлимни юқори кўтарганча, беш-олти қадам ташлабман ҳам... Бир пайт ортимдан одамларнинг кий-чуви эшитилди. Бошимни ўгириб орқага қарасам, ҳеч ким йўқ. Тобут кўтариб келаётган эллик чоғли киши қўллари билан бошини пана қилганча қочиб бораётган экан. Шу пайт шундай бошим устида лопиллаб ўйнаётган тобутга кўзим тушди-ю, турган ўрнимда тошдек қотиб қолдим: ё товба, ҳозиргина ўзимиз кўтариб бораётган тобут ҳавода лопиллаб ўйнаб турарди... Бирдан дод деб юбордим-у, ўзимни йўл четига урдим. Ҳаммининг кўзи унда, лекин яқинлашишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Бир маҳал тобутнинг лопиллаши авж олди ва орадан ҳеч

фурсат ўтмай, у осмонга юқорилай-юқорилай қоп-қора нуқтага айланди-ю, кўзга кўринмай қолди. Одамлар энди нима бўларкин, дея юрагини ҳовучлаб турибди. Бир маҳал қарс этган товуш эшитилди-ю, ҳаммамиз турган ўрнимизда бир сапчиб тушдик. Бундай қарасак, тобут майда-майда пайраҳаларга бўлиниб, ҳар томонга сочилиб кетибди, унинг ичидаги майит эса худди бир қоп гўштдай тап этиб йўл устига келиб тушди. Ўша кунги сир-асрорни ханузгача ақлимга сиғди-ролмаман...

Ғаройиб эртақдай эшитиладиган бу воқеага, гарчи сомсапазнинг дўконига бош суккан хўрандаларнинг кўпчилиги мутлақо ишонмай масҳараомуз кулиб кўйган эса-да, у зиғирча ёлғон кўшмаган, ҳаммасини қандай кўрган бўлса, шундай гапириб берган эди.

...Ўша кун тобуткашлар ҳам нималар рўй берганини сира ақлу тасаввурларига сиғдиролмаи, чекка-чеккадан мўралаб қараб туришар, йўл устига чиқиб келишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Айни мана шу пайт қабристон томондан «отам-ов, отам...» дея дод солганча, югуриб келаётган гўрковнинг ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги ўғли кўринди. У қора терга ботиб, ҳаллослаб чопиб келар, «отам-ов, отам...» дея йиғлаганча дод соларди.

Тобуткашларга кўзи тушиши билан қўлларини жон ҳолатда силкитиб-силкитиб бакиришга тушди:

– Отамни тупроқ босиб қолди. Ёрдам беринглар, одамлар! Тезроқ юринглар, отам тупроқ остидан чиқолмай қийналиб ётибди...

У шундай деди-ю, тезда ортига қайрилди ва измллаб йиғлаганча яна қабристон томонга югуриб кетди.

Ҳали-ҳануз чекка-чеккада даҳшатдан юзлари гезариб турган тобуткашлар орасидан қассоб ва жинни қизнинг тоғаси ажралиб чиқиб, қабристонга қараб югуриб кетишди.

Ҳа, хамиша худди кўнглида ҳаёт талъати буткул сўниб қолгандек, тунд қиёфада юрадиган захил юзли гўрковнинг қисмати аянчли яқун топган эди: у фолбин хотиннинг арзанда ўғли учун қазийтган қабри тугатай деган чоқ аллақакдан фалокат кўпиб, шундай боши устидаги тупрок кўчиб тушиб, босиб қолган, унинг фақат оёқларининг учигина ташқарига чиқиб турар ва аллақачон жон таслим қилган эди.

Қассоб ва жинни қизнинг тоғаси гўрковнинг ўғли ортидан изма-из югурганча қабристонга кириб келган пайт ҳавода майин шабада кеза бошлаганди. Улар жазирамада ўт-ўланлари қуриб-қовжираб, сап-сарик тусга кирган қабристонга қадам босишаркан, худди гўрковни фалокат чангалидан кутқазиб олмоқчидек бир вазоҳат билан ҳали нами кўтарилиб улгурмаган тупрок сочилиб ётган қабр бошига етиб келишди. Аммо тупрок остидан гўрковнинг қаққайиб чиқиб турган оёқларига кўзлари тушди-ю, кўрқувдан юзлари буришганча ортга тисарилишди. Улар бундай мудҳиш манзаранинг устидан чиқамиз, дея сира ўйлашмаганди. Шунданми, жинни қизнинг тоғаси ўзини босолмай йиғлаб юборди ва кўлларини юзига босганча букчайиб, қабр бошидан нари кетди.

Фақат гўрковнинг ўғлигина қабр бошига етиб келган заҳотиёқ баттар уввос тортиб йиғлаб, ўзини отасининг оёқлари устига ташлади ва алам билан дам аллақачон совиб қолган оёқларидан тутиб жон-жаҳди билан тортқилар, дам худди кучукчадек тупрокни таталаб боши устида қаққайиб турган қассобга алланималар деб ялиниб-ёлворарди. Қассоб эса, гўё кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қолгандек, унсиз тикилиб турар, юзини даҳшатли бир ифода қоплаб олган эди.

Бироздан сўнг қассобнинг ҳуши ўзига келиб, бир четда ётган кетмонни кўлига олди-да, апил-тапил тупрокни тортмоқчи бўлди.

Аmmo икки-уч кетмон уришга улгурмай, қаттик сесканиб кетди ва ранг-рўйи боягидан бешбаттар оқарганча ортга чекинди. Унинг кетмон тутган кўллари, бутун аъзойи-тани дағ-дағ қалтирарди. Қассобни даҳшатга солган нарса, гўрковни босиб қолган тупроқнинг метиндек қотиб қолгани эди. У кетмон солган чоғ худди темирга бориб теккандек жаранглаб, тиғи қайтиб кетарди.

– Ё товба-а, – дея ваҳимали шивирлади қассоб, – ҳеч замонда тупроқ бундай тошга айланиб қолганини кўрмаганман. Уч қайта кетмон солсам ҳам бир чимдим увоқланмади-я... Товба-а...

Буни кўриб гўрковнинг ўғли ҳам бирдан жим бўлиб қолди, у отасини босиб ётган тупроққа хайрат ва кўркув аралаш қарай-қарай қассобнинг пинжигга суқилди. Жинни қизнинг тоғаси эса ҳамон юзини тескари ўгирганча, пиқ-пиқ йиғлаб ўтирарди.

Қуёш ётоғи томон йўл олган пайт қабристон этагида оқсоқол бошчилигида фолбин хотиннинг арзанда ўғли жасадини елкаларида ортмоқлаб келаётган тобуткашларнинг қораси кўринди. Тобуткашлар бояги даҳшатдан ҳали-ҳануз ўзига кела олмаган, ҳар бир қадамларини кўркув билан сесканиб-сесканиб ташлашар, елкаларидаги майитни ҳам истамайгина кўтариб боришарди.

Оқсоқол бошчилигидаги тобуткашлар чала-ярим қазилган қабр бошига етиб келишганда ҳам гўрковни босиб қолган тупроқ ҳамон худди алам ва ғазабдан тугилган мушт сингари тошдек қотиб ётарди.

– Гўрковнинг қисмати шундай ёзилган экан, уни ўзгартириш бизнинг кўлимиздан келмайди, – деди оқсоқол босиқ ва катъий овоз билан. – Устига тупроқ тортишдан ўзга иложимиз йўқ. Ахир, шўрликни шу аҳволда ташлаб кетиб бўлмайди-ку!

Ерга энгашиб бир сиким тупроқ олди-да, қабр ичига – гўрковнинг какқайиб чиқиб турган оёқлари устига ташлади...

Қош қорайиб келаётган маҳал тобуткашлар гўрковнинг устига тупроқ тортиб қўйишди. Сўнгра унинг қабагидан фолбин хотиннинг арзанда ўғли учун қабр эмас, шунчаки ўрага ўхшаш чуқур казишга базўр кучлари етди, холос...

* * *

Узун тун сукунатга ғарқ бўлиб ўтди. Қишлоқ аҳли навбатдаги янгиликдан фақат эрталаб хабар топди: тунда мулла, мурдашўй ва кечагина яккаю ёлғиз ўғлига аза очган фолбин хотин ими-жимиди куч-кўронини орқалаб қишлоқдан бош олиб кетишибди. Улар чамаси, таҳлика ичида шоша-пиша қишлоқни тарк этишган, ўзлари билан фақат йўлда асқотадиган зарур нарсаларнигина олишган эди: ховли юзасида бетартиб сочилиб ётган турли хил ашқол-дашқол, кийим-кечак ва дарвозаларнинг ланг очик қолгани ҳам шундан дарак бериб турарди.

Йиғилганлар мулла, мурдашўй ва фолбин хотиннинг бирпасда худди минг йиллик харобадек ҳувиллаб қолган ховлисига маънос тикилишаркан, улар нега қишлоқдан бош олиб кетишганини ич-ичларидан англаб туришарди.

Шундан сўнг бошқалар ҳам шу куннинг ўзидаёқ қишлоқдан бош олиб кета бошлади.

Бу ердаги минг йиллик ҳаёт бир лаҳзада чок-чокидан сўкилиб, остин-устун бўлиб кетганга ўхшарди: ҳамма таҳлика ичида шоша-пиша кўч-кўронини йиғиштирар, тажанг ва асабий қиёфада у ёқдан-бу ёққа югуриб юрар, аллақайёқдан улов топиб келар, қисқаси, ҳеч ким тиним билмасди.

Ажабланарлиси, ҳамма ўз ҳолича иш тутар, ҳеч ким бир-бирига сўз қотмас, ҳатто қаёққа кетаётганини ҳам

айтмасди. Бунинг устига, кундуз куни йўлга чиккудек бўлса, худди кимдир изидан тушиб таъкиб этадигандек, кўпчилик факат зим-зиё тунда қишлоқни тарк этар, бирон киши мабодо бу тун улгуролмай қолса, албатта, тишини тишига босиб, навбатдаги тунни кутарди. Қишлоқдан чикиб кетиш ҳам шундай сирли ва хуфиёна кечардики, на уловларнинг шовкини, на одамларнинг товуши ва на гўдақларнинг безовта йиғиси қулоққа чалинарди.

Охир-оқибат, орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай, қишлоқ бўм-бўш бўлиб қолди: энди бу ерда на гўдак йиғиси, на оналарнинг алласи ва на итларнинг бемаҳал акиллаб хуриши эшитилар, ҳаммаёқни ўлик сукунат қоплаб олганди.

Кўчаларда дайди шамол изғиб юрар ва дарвозаларни «ғийқ-ғийқ» этиб очиб-ёпганча ўйнарди.

Қишлоқдан энг охирида бир ҳафтада чўкиб, мункайиб қолган оқсоқол хотини билан чикиб кетди.

– У ерда, – деди оқсоқолнинг хотини анча олисда қолган қишлоқни боши билан ишора қилиб кўрсатаркан, – ҳеч зоғ қолмади-я. Тавба, одамнинг сира ишонгиси келмайди...

– Йўқ, қолди, – деди оқсоқол ва юришдан тўхтаб ортига ўтирилди, аммо қишлоққа қарашга ботинолмади. – Ёлғиз анави жинни қиз қолди. Тоғаси олиб кетаман деб кўп қисталанг қилибди, лекин кўнмабди. Хайҳотдек қишлоқда факат мана шу ақли ноқис қизнинг ўзи қолди...

Оқсоқолнинг овози аллақандай титраб, безовта эшитилган эса-да, хотинининг авзойида бирон-бир ўзгариш сезилмади, чамаси унга жинни қизнинг мутлақо қизиғи йўқ эди.

– Энди биз қаёққа борамиз? – сўради хотини жовдираб тикилганча.

Оксоқол жавоб бермади, чунки унинг ўзи ҳам қаёққа боришларини билмасди. У чуқур хўрсиниб қўйди-да, бошини ҳам қилганча кунчиқар томонга караб йўлга тушди. Хотини ҳам чор-ночор унинг изидан эргашди.

Суратдаги аёл

Юзингда доғ кўрдим... муборак бўлсин

Уйқудаги алахсирашдан

Шахарнинг кунчиқиш тарафида жойлашган мўъжазгина ҳовлида ижарада яшай бошлаганимнинг иккинчи йили, ёз ойи арафасида уй бекаси – камсуқум, одамови бева кампир кутилмаганда қазо қилди. Бека тун маҳали ўзининг ҳовли четидаги уйчасида қайтиш қилган, аммо унинг ўлимидан ҳеч ким хабар топмади. Фақат эртаси чошгоҳга яқин кампир ҳовли юзида кўринмагани, уйчанинг эшик-деразаси кеча оқшом қай тарзда бекитилган бўлса, ҳамон шундай турганлигини кўриб, дилимга хавотир оралади ва эшик ёнига келиб секин тақиллатдим. Орадан бир неча дақиқа ўтди, ичкаридан садо чиқмади. Кейин туткичини ушлаб секин итардим, эшик қулфланмаган экан, ғийқиллаб очилди: дераза дарпардаси тортиб кўйилганидан хона қопқоронғи эди, дафъатан кўзим ҳеч нарсани илғамади ва беихтиёр ичкарига қадам кўйдим-у, кўзим уй тўридаги тўшакда кимир этмай ётган бекага тушиб, вужудимни қалтироқ босди, кўркқанимдан нафасим ичимга тушиб кетди. Кампир шифтга қараб ётар, унинг юзи шишиб, қорайиб кетган, ияги тортилиб, оғзи ваҳимали тарзда очилиб қолган эди. Ўлибди, деган совук ўй миямга урилди ва отилиб ташкарига чикиб кетдим.

Кейинчалик беканинг сирли ўлими тўғрисида ўйларканман, назаримда, мархума қайтиш қилаётган фур-

саг боши устида ҳеч ким турмаслигини, ёлғиз ўзигина ажал билан юзма-юз келишини олдиндан билган ва бунга ҳозирлик ҳам кўриб кўйгандек туюлди. Чунки ўша куни уйга кирганимда майит қибла томон узатилган, кўл-оёқлари худди русумдагидек ўрни-ўрнида, фақат ияги боғланмаган эди. Шубҳасиз, буларнинг барини беканинг ўзи жони узилаётган дақиқалар бажаришга улгурган, чунки ўша тун ҳам, эртаси мен уйчага киргунимга қадар ҳам, ҳовлига бирор кимса қадам босмаганди.

Шуни хаёлимдан ўтказарканман, кампирнинг кўз ўнгимда кечган сўнгги икки йиллик умри давомида мудом овсарланиб, паришонхотир юриши, дам-бадам чуқур хўрсиниб кўйиши сабаблари аёнлашгандек бўлди.

У ўтган икки йил ичида, шубҳасиз, кўпроқ ўз ўлими тўғрисида ўйлаган ва ниҳоят, мана, ниятига мушарраф ҳам бўлди, деб ўйладим мен.

Унинг ўлиmidан хабар топгач, маҳалла аҳли ҳовлига ёпирилиб кела бошлади. Беканинг ўлими ҳеч кимни чуқур қайғуга солмади, номигагина садр тушиб гиря қилаётган беш-ўнта кампирни ҳисобга олмаганда, қолганлар шунчаки савоб учун келишган, алланарсалар тўғрисида бамайлихотир пичирлашиб ўтиришар эди.

Шомда марҳумани қабрга кўйдик...

Ҳовлида мен билан беканинг уйчасида чирок ёкиб икки кампир қолди. Кўп ўтмай улар ҳам кетишга чоғланишди. Қоқиниб-туртиниб ҳовлидан чиқишаркан, марҳуманинг фазилатлари ҳақида тинмай тўқиб-бичишар, гап орасида менга юзланиб, беканинг чироғини ҳеч бўлмаса қирк кунгача ўчирмай ўтиришимни қайта-қайта тайинлашарди.

Кампирлар ҳовлидан чиқишгач, дарвозани тамбалаб ўз кулбам томон юрдим. Майит чикқан ҳовлининг

руҳи оғир ва ваҳимали эди. Хонамга кириб, ўрнимга чўзиларканман, ҳеч нарса тўғрисида ўйламасликка тиришардим, лекин марҳуманинг тўшақда ётган ҳолати кўз ўнгимдан кетмай, юрагимдаги ваҳмни баттар зўриктирар, устига-устак, ҳовлида аллақандай шарпалар кезинаётгандай бўлар, гоҳида эса кимдир совук кўзларини лўқ қилиб деразадан қараб тургандай туюларди. Кўрпага бурканиб, кўзларимни юмдим, тунни алаҳсираб ўтказдим-да, тонг-сахар бугуноқ ҳовлидан кўчиб кетаман деб ўзимга-ўзим сўз бердим. Бирок тушга бормай, тунги ваҳималар тумандек тарқаб кетди ва кўчишни эртага дея пайсалга солдим...

Кунлар шу алфозда аста-секин ўта бошлади. Мен ҳовлида ёлғиз яшашга сира кўниколмас, ҳамон тунлари узок йиллар ёлғиз бекагина тириклик руҳини бағишлаб келган, унинг ўлимидан кейин эса аллақандай сирли киёфага кирган бу ҳовлида худди балонинг домида ётгандай алаҳсираб чиқар, кундуз кунлари эса, ўзим сезмаган ҳолда, кундалик машғулотга айланиб бораётган хизмат – дарвоза олдида туриб, онда-сонда фотиҳага келиб-кетадиган кишиларни қарши олиш билан банд бўлардим.

Шундай кунларнинг бирида марҳуманинг уйида сақланаётган ва мени доимо кизиқтириб келган эски жомадон, ундаги суратлар ёдимга тушди.

...Бурноғи қишнинг охирлари эди. Қандайдир юмуш билан эшикни тақиллатмасдан беканинг уйчасига кирдим. Кампир уй ўртасида мук тушиб ўтирганча қаршисида сочилиб ётган бир уюм суратни берилиб томоша қилаётган экан. У эшик очилганини ва уйга кирганимни аввал пайқамади, сўнг нимагадир хаёли бўлиниб, мени кўрди-ю, суратларни очик жомадонга шоша-пиша сола бошлади. Бека суратларни яширгач, орқа ўгириб ўтириб олди. Афтидан, руҳсатсиз уйга киришим ва суратларга кўзим тушгани уни қаттиқ ран-

житган эди – бир ҳафтача қовоғи осилиб, мен билан гаплашмай юрди. Шундан сўнг жомадондаги суратларга қизиқиб қолдим. Бека уйчасига камалиб олиб, уларга узоқ тикилар, сўнг аллақандай маънос тортиб қоларди. Бу эса суратларга бўлган қизиқишимни баттар оширар эди.

Ҳовлида ёлғиз яшай бошлаганимнинг олтинчи куни эрталаб беканинг уйига кирдим. Эски жомадонни осонгина топдим, тўрдаги токчада турган экан. Уни хонамга олиб келдим-да, ранги унниқиб кетган қопқоғини секин очдим: жомадоннинг ичи суратлар билан лик тўла эди. Энди беканинг бутун сир-асрорини билиб оламан деган ўйда шоша-пиша уларни бир-бир кўздан кечира бошладим. Ниҳоят, жомадон тубида четлари букланиб, юза қисми қорайиб кетган эски сурат қолгач, ҳафсалам пир бўлди. Мен ўша қишки воқеадан кейин жомадонда, албағта, қандайдир сирли сурат бўлиши керак, деб ўйлар ва бунга қаттиқ ишонардим. Айниқса, ўшанда беканинг ранжиши ва суратларни яшириши, бу ишончимни аланга олдирган эди. Афсуски, унда ҳеч қандай сирли сурат йўқ экан. Жомадон сураткашнинг одатдаги: «Жилмайинг, расмга оляпман!» деган овози янграган лаҳзада олинган, бақрайиб тушган кишиларнинг суратлари билан тўла эди. Уларнинг бирортасида ҳам марҳуманинг таниш чехраси учрамади. Юзтача расм худди битта нусхадан андоза олингандек, бир-бирига айнан ўхшар, ҳар бир суратда эркак билан аёлнинг маъносиз жилмайиб турган қиёфаси акс этганди.

Қаршимда сочилиб ётган суратларга тикилиб туриб, нега ўшанда бека буларни мендан яширганига тушунолмасдим. Балки, ўша сирли сурат шуларнинг орасидадир деган ўйда бутун диққатимни жамлаб суратларни титкилашга тушар, аммо кўз очиб юмгунча навбат ўша эски суратга келарди-ю, яна ҳафсалам пир бўлиб бўшашиб қолардим.

Ахийри жомадонда ҳеч қандай сирли сурат йўқлигига шубҳам қолмади, беканинг ўшандаги хатти-ҳаракатини унинг овсарлигига йўйиб, кўнглим тинчиди.

Жомадон суратлари билан хонамда қолди. Фақат зериккан чоғларимда шунчаки эрмак учун уларга кўз қиримни ташлаб қўярдим.

Аслида бу йилги ёзги таътилни қишлоқда ўтказиш ниятида эдим. Шу боис курсимизнинг жамаи талабалари ўз ташаббуслари билан узок юртдаги қандайдир қурилишга ёрдамга отланишганида, соғлиғимни баҳона қилиб қолдим. Аллақачон қишлоққа жўнаб кетишни мўлжаллаб қўйгандим, бироқ беканинг ўлими бу режамни орқага суриб юборди. Бунинг устига, ҳар бир фотиҳага келган мўйсафид: «Жон ўғлим, ҳеч қаёққа кетиб қолма, кимдир, албатта, марҳуманинг арвоҳи ҳурмати учун уйининг чироғини ёқиб ўтириши керак», деб қайта-қайта тайинлар, гапининг сўнгида: «Бир кун туз тотган жойга қирқ кун салом бер», деган ҳикмат бор, ўғлим», дея ҳовлида икки йилдан ошиқ вақт яшаётганимни писанда қилиб ўтарди. Улар гўё мен ҳовлини ҳозироқ ташлаб кетадигандек, астойдил куйиниб насиҳат қилишарди. Шу боис қўл-оёғим ипсиз боғланиб, ҳовлида қимир этмай ўтирардим.

Беканинг қайтиш қилганига йигирма кун тўлгач, азонда ҳовлига кампирлар йиғилиб, пича садр тушиб гиря қилишди, сўнг уйга кириб анча вақт марҳумани хотирлаб ўтиришди. Кампирлар кетишганидан сўнг ҳовлида яна ёлғиз қолдим. Дарвоза олдидаги ўриндикка беҳол ўтириб, ҳовлини кўздан кечири бошладим: беканинг эгасиз ҳувиллаб ётган уйчаси, нариги четдаги ўзимнинг ижара кулбам, атрофни қуршаб турган пахса девор, хуллас, теграмдаги барча-барча нарсалар кўзимга жуда хунук кўринди. Кимсасиз ҳовлида ёлғиз яшаётганим, тунлари алаҳсираб, совуқ терга ботиб чиқишим, айниқса, бирор тирик жонга сездирмасдан қоронғи уй-

часида жимгина ўлган бекани хаёлимдан ўтказарканман, хўрлигим келиб кетди, менинг тақдирим ҳам шундай кечса-я, деган ўй миямга ўрнашиб қолди. Ўзимни ожиз ва ҳеч кимга кераксиздай ҳис эта бошладим. Кейин хонамга кирдим-у, чўзилиб, ҳеч нарса тўғрисида ўйламай шифтга термулиб ётдим. Анча пайтдан сўнг қўлимни ёнбошимда очик турган жомадонга сукдим. Қўлимга ўша эски сурат илинди. Уни кўзларимга яқин келтирдим. Тикилиб қарадим-у, қўлларим титраб, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим: эски суратнинг юзасини қоплаб турган қора доғлар ортидан кимдир тирик нигоҳ билан, ҳа, айнан тирик нигоҳ билан тикилиб тургандек эди. Дераза қаршисига келиб, ёруғда яна суратга қарадим: ҳа, юракни алланечук музлатадиган нигоҳ билан тикилиб турган аёл чехраси кўринди. Сурат юзасини қоплаб турган куюк қора доғлар худди тўрли чачвондек унинг юзини беркитиб турарди. Суратга киприк қоқмай тикиларканман, аёл кўзимга мовий осмон бағрида кўкрагини шамолга тоблаб чарх ураётган қушлар галасига чексиз ҳавас ҳамда изтироб билан термулиб турган қафасдаги қушчага ўхшаб кўринди. Тўғри, у суратга тушаётган лаҳза ўзини зўрлаб жилмайишга уринганидан қуришқоқ қонсиз лабларида табассум жилва қилиб, маъюс чехраси равшан тортган бўлса-да, аммо йирик тим қора кўзларида бутунлай ўзга туйғу зоҳир эди. Назаримда, қандайдир истаклар жамланган хилқат бор эди унинг ботик кўзларида. Аёл суратга тушаётган фурсатда буни яширишга уринган шекилли, кўзларини катта-катта очганча тик қараб турар эди. Лекин унинг бу ҳолати худди қуёш юзини тўсмоқчи бўлган бир уюм қора булутга ўхшарди. Аёлнинг ўзи ҳам буни сезган чоғи, сири фош бўлишидан чўчибми, нигоҳида безовталиқ аломати акс этган эди.

Агар мен мана шу нигоҳ ортидаги сирли хилқатни кўрмаганимда, албатта, суратни ташлаб юборар ва уни қайта қўлимга олишим гумон эди. Шу тобда эса ундан

кўз узгим келмас, аста-секин аёл нигоҳидаги хилқатга асир бўлиб борардим.

Мен сурат жиннисига айландим. Энди ховлида ёлғиз яшаётганим, қишлоққа кетолмай қолганим, тунлари босинқираб алахсирашларим, беканинг ўлими, маҳалла кампирларининг панд-насиҳатлари – ҳамма ҳаммаси аҳамиятсиз бўлиб қолди. Хонамга камалиб олиб, фақат суратдаги аёл ҳақида ўйлар, унинг жодули кўзларига соатлаб термулар ва бундан ҳеч зерикмасдим.

Баъзан эса аёлнинг нигоҳи толикмасин деб, унинг кўзларини юмиб кўйиш мақсадида қовоклари устида бармоқларимни охиста юргизардим. Шунда у устимдан қаҳ-қаҳ отиб кулаётгандай туюлар ва уятдан қизарганимча ташқарига чиқиб кетардим. Алламаҳалгача кўчада бемақсад тентираб юриб, сўнг қайтиб келиб суратга қарашга ботинолмай, ўрнимга чўзилардим.

Бу тун ҳам шундай бўлди. Фақат хонадан чиқа туриб, азбаройи жаҳлим чикқанидан бўлса керак, суратни юзтубан қилиб кўйдим. Энди остонага етганимда, ортимдан кимнингдир энтиқиб нафас олгани ва қадам товуши эшитилди. Сапчиб ортга ўгирилдим-у, кўзларим косасидан чикқудек каттариб, ҳайкалдай қотиб қолдим: икки қадамча нарида суратдаги аёл синик жилмайиб турарди... Йўқ, мен туш кўраётганим йўқ, қаршимда айнан суратдаги аёл эди. Мен уни бошидаги яшил ранг рўмолидан, эгнидаги оқ гулли кўйлақдан ва пир-пир учаётган киприклари остидаги ўша хилқатдан танидим. Аёл узоқ йўл босиб келгандек энтиқиб-энтиқиб нафас олар, юзи ва бўйни қизариб кетган, нимадандир қаттиқ безовталаниб, атрофга олазарак аланглаганча ташқарига чиқишга ошиқарди.

Аёл менга эътибор ҳам бермади ва шарпадай сасадосиз хонадан чиқа бошлади. Мен беихтиёр унинг изидан юрдим.

Биз қуюқ тун бағрига кирдик. Аёлнинг безовталиги бироз босилган, лекин бирор оғиз сўз қотмас, худди бир юмуш билан кетаётган кишидек босиқ қадам ташлаб борарди. Мен эса ҳамон аёлнинг суратдан чикиб келиши ва ёнимда кимтиниб нафас олганча кетаётганини тасаввуримга сиғдиролмай, карахт бўлиб унга эргашиб борардим. Ҳар қадам ташлаганимда нимадир сўрамоқчидай аёлга боқардим, лекин тилим айланиб, ҳеч сўз қотолмасдим.

Кимсасиз жинкўчалар бўйлаб узоқ юрдик. Агар муюлишдан баҳайбат қора ит ақиллаб отилиб чикиб йўлимизни тўсмаганида, хали-бери изимизга қайтмаган бўлардик. Ит кутилмаганда пайдо бўлди ва жон-жаҳди билан ҳуришга тушди. Аёл жуда кўрқиб кетганидан, кўлимдан маҳкам ушлаб олди. Унинг аъзойи бадани, кўл-оёқлари дағ-дағ титрар эди. Шошиб ортимизга қайтдик. Ит бизни таъкиб этмади, худди хавф-хатарни бартараф қилгандек, тумшуғини осмонга чўзганча хуриб қолаверди.

Аёл буткул тинчини йўкотган, тинимсиз уф тортар, шошилиб қадам ташларди.

– Лўли хотиннинг сўзлари тўғри чиқди, – деди тўсатдан аламли овозда худди ўзига-ўзи гапираётгандай шивирлаб.

– Қанака лўли хотин? – дедим ҳеч нарсага тушунмай.

Аёл саволимни эшитмади чоғи, яна пичирлай кетди. Энди унинг овози сал бўлса-да равон, аммо аламзада эди.

– Мен бир пайтлар от туёғидан тушиб қолган эски тақадек одамларнинг ёдидан буткул унут бўлиб кетган эдим. Ҳовлимизга анчадан буён ҳеч бир хотин-халаж йўламай қўйганидан, худди тентакдек ўзим билан ўзим гаплашишни одат қилгандим. Улар келганда ҳам нима ўзгарарди, шунчаки кўнгил учун айтяпман-да... Шундай дилгир кунларнинг бирида ҳовлимизга елкасига бўз

тўрва осган қоп-қора лўли хотин кириб келди. Юрагим сикилиб ўтиргандим, лўли бўлса ҳам уни кўриб суюниб кетдим. «Уйга кириг», дея қилган мулозаматимга кўнмади, остонага яқин қуруқ ерга чўкди. Сўнг шишадек ялтироқ кўзларини менга мулойим тикди-да: «Кел, айланай, фол очиб кўяман», деди. Умрим бино бўлиб ҳеч қачон фол тўғрисида ўйламагандим. Шунинг учун бўлса керак, лўли хотиннинг кутилмаганда айтган сўзларига нима деб жавоб беришни билмай, ҳайрон туриб қолдим. У эса илжайиб оғзимга тикилди, сўнг ҳайрон турганимни кўриб, хоҳламаяпти, деб ўйлади, шекилли, ортик кистамади. Юзи жиддий тортиб, ховлига, эшик-деразаси ланг очик турган уйга ғалати қарай бошлади. Кўп ўтмай нигоҳини яна менга қадади, юзидаги бояги мулойимлик йўқолган, қарашларида юракни сескантирадиган ваҳм бор эди. Секин бошимни эгдим. Шундан сўнг лўли хотин нимадандир кўнгли тўлмагандай енгил хўрсинди ва босиқ овозда кироат билан сўзлай бошлади:

«Шу нарса доим ёдингда бўлсинки, илло-билло номахрам эркак билан бирга бўлишни тилингда сўйлама, дилингда ўйлама, кўзинг билан кўришга ва қулоғинг билан эшитишга ҳеч қачон орзуманд бўлма! Билсанг агар, буларнинг бари Муқаддас китобда зино деб ёзилган, ажри оғир кечади...»

Лўли хотин садақа беришимни ҳам қутмай, ховлидан чиқиб кетибди. Мен унинг кетганини пайқамай қолдим, аниқроғи, хушим ўзимда эмасди... У юзимга бир шапалок уриб кетгандай бўлди. Лўли хотин юрагимдаги бор сир-асрорни олдиндан билган ва атай қошимга келгандай эди. Назаримда, у лўлига, умуман, одамзодга ҳам ўхшамасди... Лекин у кетгандан сўнг бўғилиб кўз ёши тўкдим...

Биз ховлига яқинлашиб қолган эдик. Аёл ҳозиргина ўзи айтиб берган воқеадан таъсирланибми, баттар кўркувга тушган, мендан бир қадамча олдинда, худди қатл

майдонига кетаётган гунохкордек титраб борар эди. Мен унга таскин бериш тугул, кўнгил учун ҳам бир сўз тополмас, тилим ҳеч калимага келмасди.

Аёл ҳовлига кадам қўйиши билан изсиз ғойиб бўлди. Мен бу пайт бошимни ортга ўгирган эдим. Яна қайтиб олдинга караганимда, аёлнинг йўқлигини кўриб, ақлдан озаёздим ва телбалардек гандираклаб ҳовли юзида у ёқдан-бу ёққа югурганча уни излай бошладим: зим-зиё тун қўйнида кўзим бирор шарпани илғамас, фиғоним фалакка ўрларди. Аёл осмонга учганми, ерга кирганми – ҳеч қаерда йўқ эди. Бошим бузилган ари инидай тинимсиз ғувилларди. Қаёққа юришни билмай, ҳовли ўртасида қаққайиб туриб қолдим: рўй бераётган воқеалар ғайритабиий туюлаётганиданми, балки туш кўраётгандирман деб ўйлай бошладим: мана, аёл тун каби сездирмай ғойиб бўлди, энди мен тўсатдан уйғониб кетишим керак... Йўқ, буни ҳеч қандай тушга йўйиб бўлмасди. Ахир, ой, йил бурун эмас, атиги бир неча сония муқаддам, бир неча сония муқаддам-а, аёл мен билан кўчада ёнма-ён юрган, каршимиздан баҳайбат ит ҳуриб чиққанида қўлларимдан маҳкам тутиб олган ва менга лўли хотин воқеасини айтиб берганди-ку?! Юрагининг тузокқа илинган қушдай потирлаб уриши ҳамон қулоғим остида эшитилиб турибди-ку?! Йўқ, бу туш эмас, туш бўлганида кўнглим бунчалик безовталанмасди...

Сўнг яна шахд билан ҳовлининг ҳар бир бурчига – ошхонага, марҳума беканинг уйчасига ва ижарахонамга бош суқиб чиқдим, аммо ҳеч қаердан аёлни топа олмадим, у ўзидан на бир из, на бир нишон қолдирган эди. Мен сарҳадсиз саҳрода йўлини йўкотган сайёҳдек аёлни қаердан излашни билмасдим. Шу пайт, бирдан боя ўзим тескари ўгириб қўйган сурат ёдимга тушди ва отилиб ичкарига кирдим-да, расмга ёпишдим: хайрият, аёл суратда экан... У ўша, мен илк марта кўрган қиёфада турар, юзи-

да, кўзида бояги кўркувнинг ҳеч қандай аломати сезилмас, фақат ёноқлари хиёл кизаринкирагандек эди.

Мен аёлни ҳеч бўлмаса суратда топганимдан кўнглим хотиржам тортди.

Рости, ўтаётган кунларнинг ҳисобидан адашиб кетдим, зеро бунинг мен учун ҳеч қандай қизиғи ҳам йўқ эди. Кундузлари хонамда камалиб ўтиришим туфайли, ҳар куни шомга яқин мархуманинг руҳига атаб чирок ёқиш ва фотиҳа ўқиш учун ҳовлига келиб-кетадиган кампирларга онда-сонди кўзим тушиб қолар ва улар билан деярли гаплашмасдим.

Бугун беканинг қайтиш қилганига қирқ кун тўлган бўлса керак, ҳовлига яна хотин-халажлар йиғилишди. Улар, одатдагидек, бироз садр тушиб, йиғи-сиғи қилишди-да, сўнг уйга кириб чошгоҳга қадар ўтиришди. Аёллар тарқалишгач, ҳовлида икки кампир қолди. Ҳовли юзини ва беканинг уйини супуриб-сидириб тозалашди. Шом маҳали эса мархуманинг руҳига аталган сўнгги – қирқинчи чирокни ёқиб, дуойи фотиҳа қилгач, ҳар кунгидан енгил тортиб ҳовлидан чиқа бошлашди. Чика туриб, уларнинг бири ёнимда тўхтади ва афт-ангоримга бир муддат тикилиб, юмшоқ овозда:

– Рангингиз бунча синикиб кетибди, тобингиз йўқми, ўғлим? – деди меҳрибонлик билан.

– Йўғ-эй! – дедим жилмайишга уриниб.

– Ёлғиз ётишга кўркаётган бўлсангиз, набирамга айтаман, чиқади, – деди кампир.

– Йўқ, раҳмат! – дедим унинг таклифини рад этиб.

– Майли, ўзингиз биласиз, ўғлим, – деди кампир ва ортиқ сўз айтмай ташқарига чиқди.

Мен дарвозани тамбалаб, хонам томон юрдим.

Аёл суратдан чиқиб келган тундан сўнг унга янада қаттиқроқ боғланиб қолгандим. Аммо аёлнинг сир-синоатларига – унинг ғойибдан пайдо бўлиши ва яна изсиз йўқолиши, лўли хотин воқеасини айтиб беришига

тушуниб етмагандим. Сурагдаги аёл мен учун тошдеворли кўрғондек сирли эди. Баъзан унинг изтироб чангалида кийналаётган юзига тикилиб, турли хил тахминлар тўкирдим.

Эҳтимол, деб ўйлардим, аёл қуёшнинг энг югурик нурлари ҳам бўйлай олмайдиган, чоҳ тубидай қоронғи ва зах эски суратда яшайдан аллақачон безиган, лекин инон-ихтиёри қўлида эмаслигидан ҳеч қаякка кетолмаётгандир?

Балки, анча йил бурун – эҳтимол, у пайтда ўн саккиз ёшли дуркун қиз бўлган – бахт излаб бу сурат ичига кирган, бироқ кутган қувонч-шодликларини топа олмаган ва устига-устак, ортга қайтиш йўлини ҳам йўқотиб, ҳамон сурат ичида адашиб юргандир?

Балки сурат ҳам аёл илк марта қадам қўйган чоғда қордек оппоқ ва тиник бўлган, кейин аёлнинг ғамга йўғрилган нафаси тегиб, олов тушган дарахтнинг танасидек қорайиб кетгандир?

Йўқ, эҳтимол, аёл қачонлардир жохил кимсалар томонидан бу суратда яшашга маҳкум этилган ва бир умрга тилсимлаб ташлангандир?

Ўйларимнинг адоғи йўқ эди. Бу хаёлларни, аввало, ўзимни овутиш учун тўқиб-бичар ва бунга ишониб-ишонмай юрардим. Аммо юрагимда соғиниш, ўша аёлни қаршимда яна жонли қиёфада кўриш истаги мудом устивор эди.

Орадан беш кун ўтди. Аёл қайта суратдан чиқиб келмади.

Мен ҳар тун хонадан чиқа туриб, суратга узоқ илтижоли тикилардим. Бу ҳолат ҳар тун такрорланар ва аста-секин энди аёл ҳеч қачон суратдан чиқиб келмаса керак, дея ўйлай бошладим.

Бу тун ҳам унинг келишини жуда-жуда истаб, лекин келмаслигига кўпроқ ишониб хонамдан чиқа бошладим. Энди эшик тутқичига қўл узатган ҳам эдимки, ортимда

кимнингдир энтикиб нафас олаётгани эшитилгандек бўлди, илкис ўгирилдим-у, юрагим қувончдан ҳаприкиб кетди, қаршимда яна суратдаги аёл турарди! У аввалгидек нимадандир саросимада, теваракка олазарак боқарди.

У бу сафар ҳам менга эътибор қилмай, ёнимдан сирғалиб ўтди-да, шошиб ташқарига чиқди. Тезда унинг ортидан юрдим.

Тун лашкари мўр-малахдай борлиқни ишғол этган, атроф кудук тубидек қоп-қоронғи ва оғир сукунатга чўмганди. Ташқарига чиққач, аёлнинг кўрқуви босилди, шекилли, қадам ташлаши сусайди, нафас олиши ҳам сокин тортди. Биз тор жинкўча бўйлаб юриб борардик, тўғрироғи, аёл йўл бошлар, мен унинг кетидан эргашардим. Ҳар қаричи менга ёд бўлиб кетган жинкўчалар, афтидан, аёлга ҳам яхши таниш эди, у қаршимизда учрайдиган муюлиш ва кўчани кесиб ўтган ариқчаларни олдиндан сезар ва қадамини шунга мослаб ташларди.

Узоқ юрдик. Ниҳоят, аёл қандайдир ҳовли қаршисида тўхтади. Унга саволомуз тикилдим. Аёл эса қаршисидаги дарвозага, сўнг менга қаради-да, сирли жилмайди. Унинг сирли табассумига тушунмай, бир тавақали дарвозага бош суқдим ва ҳайратдан лол қотдим: биз марҳума беканинг ҳовлиси қаршисида турардик...

Имиллаб дарвозани очарканман, дам-бадам аёлга қарардим ва ҳайратимни яширолмай, беўхшов илжаюрдим. Ҳайратга тушишимнинг сабаби – биз ортга қайтмай туриб боя ўзимиз чикиб кетган ҳовли ёнида турардик...

Дарвоза тавақасини ланг очиб, ҳовлига кириш учун аёлга йўл бердим. Лекин аёл қимир этмай, юзимга тикилганча тураверди. Унинг нигоҳига дош беролмай, бошимни қуйи солдим. Аёл яна бир неча дақиқа шу алфозда қотиб турди-да, судралиб қадам ташлаганча ҳовлига

кирар экан, жудаям паст овозда алланималар дея шивирлади... Аммо унинг пичирлаб айтган сўзлари менга аниқ-тиник эшитилди: «Бунинг ҳам (мени назарда тутди, шекилли) бурни бор экан. Менинг эримнинг эса бурни йўқ...». Ҳайратдан дарвоза тўсинига суяниб қолдим.

Ўзимга келганимда, аёл яна изсиз ғойиб бўлганди. Лекин бу сафар унинг кетиб қолганидан хавотирга тушмадим, зеро, энди аёлнинг борар манзили менга аён эди. Пичирлаб айтган сўзлари мени аёлнинг юрагига ошно қилган, ундаги бор сир-асрорнинг калитини кўлимга тутқазган эди...

Қайтиб хонамга кирмадим, тонгга қадар кўчада юрдим. Фақат эрталаб келиб, суратни кўлимга олдим: шу пайтга қадар пайқамаган эканман, аёлнинг ўнг томонида қандайдир эркак кишининг қиёфаси акс этганди. Унинг бўйи аёлникидан пича узун, юзи заҳил бўлса керак, суратда янада қорайиб кўринарди. Синчиклаб қарадим: чиндан ҳам бурнининг ўрни кафтдек теп-текис эди... Суратга тушаётган фурсатда у юзидаги бу нуқсонни яширишга уринган шекилли, бошини эгиброк тутиб, зимдан нигоҳ ташлаб турарди.

Уларга анча вақт тикилиб қолдим. Кейин миямга келган фикрдан хира тортган кўнглим ёришгандай бўлди, назаримда, қанчалик оғир бўлмасин, фақат шу йўл билангина аёлни суратдан халос этиш мумкин эди.

Суратнинг эркак киши турган томонини йиртиб ташламоқчи бўлдим. Шу ниятда уни кўлимга олдим ва энди йиртишга чоғланаётганимда, аёлнинг ўнг қўли эркакнинг тизасида турганига кўзим тушди: агар йиртсам, аёл қўлсиз қоларди... Хаёлимда аёл қўлсиз қиёфада жонланди-ю, юрагим увушиб кетди, вужудимни муздек тер босди – қўлларимни суратдан тортиб олдим.

Аммо мени бошқа бир ўй қийнар эди: бундан буён суратдаги аёлга тикилиб, унинг чиқиб келишини кутиб жимгина яшаб юролмасдим, чунки шу пайтга қадар

кўзим тушмаган ва борлигини хаёлимга келтирмаган эркак ҳам бор эди. Энди қаршимда икки йўл турганини ҳис этдим: аёл кўлсиз қолса ҳамки, суратнинг эркак турган томонини йиртиб ташлашим керак ёки уни шундай қолдириб, ҳовлидан бош олиб чиқиб кетишим лозим.

Йўқ, барибир, суратни йирта олмадим. Ҳар гал уни йиртиш учун кўлимга олганимда, аёлнинг ўнг кўлидан кип-қизил қон отилаётгани кўз ўнгимда жонланаверар ва бармоқларим титраб, сурат ерга тушиб кетарди. Бунинг устига, суратдаги эркакнинг «йиртма» дегандек ёлвориб термулиши ҳам журъатимни чилпарчин этган эди.

Мағлуб қиёфада судралиб хонадан чиқа бошладим. Ортимдан кимнингдир суюниб қичқирган ва яна кимнингдир бўғик фарёди эшитилаётгандай бўлди. Мен эса елкамни зил-замбил юк босиб тургандек, бошимни ўгира олмасдим. Мана, остонага ҳам етдим... Эҳтимол, бу остонани энди ҳеч қачон ҳатламасман...

Эҳтимол, бундан буён суратдаги аёл дўзахдан ҳам қувилган арвоҳ мисол тунлари кўчада изғиб юрар ва унинг армонлари ҳеч қачон тўзим топмас... Билмайман. Миям ҳеч нарсани идрок этмай кўйганди. Мен учун ушбу дақиқада энг муҳими, сурат ёнидан узоқроқ кетиш эди.

Ҳовлидаги дарахт

Ҳовлимиздан оқиб ўтадиган ариқ лабидаги бу дарахт қишлоғимизда ягона ҳисобланарди. Дарахтнинг бўйи уйимиз томи билан тенг эди. У энига тарвақайлаб кетмаган, худди буталгандай қадди тик, танаси ва шохлари эса раҳматли бобомнинг ҳассасидай сип-силлиқ эди. Дарахтнинг кишини ҳайратга соладиган бир жиҳати бор эди. У йилда икки марта: баҳор билан куз бошларида гуллар, бироқ мева тугмасди.

Баҳорда дарахтнинг бикаранг ғуж-ғуж ғунчалари ҳовлимизга ўзгача файз бахш этар, унинг шохидан қушлар аримасди.

Кузнинг бошларида гуллаши чиндан ҳам ҳайратомуз эди, одамлар бундай пайтда унинг атрофида ўралашиб: «Наҳотки, кузда ҳам дарахт гулласа», дея кўзларига ишонмай, кўллари билан нафис ғунчаларни ушлаб-ушлаб кўришарди.

Яна шуниси кизиқки, ҳеч ким, ҳатто отам ҳам унинг қанақа дарахт эканини билмасди. Биз, болалар унинг энсиз кичик баргларига, текис шохларига қараб гилосга ўхшатардик ва ўзимизча уни шундай атардик. Аслида гилос эмаслигини билардик... Дарахт отамга бобомерос ёдгорлик ҳисобланар, шу сабабли уни ниҳоятда авайларди. Биздан ҳам шуни қаттиқ талаб қиларди.

Ёзнинг ўрталари эди. Онам синглим ва акамни эргаштириб, қўшни қишлоқда яшовчи бобомникига меҳмонга кетди. Уйда отам билан ёлғиз қолдик. Су-

пада ёнбошлаб ётган отам ботаётган қуёшнинг алвон шафакларида товланиб турган дарахтимизга хаёлга чўмганча тикилиб турарди.

– Ота, нега дарахтимиз ҳеч мева тугмайди? – деб сўрадим.

Саволимдан ажабланди, шекилли, анча вақт юзимга хайрон тикилиб қолди, сўнг: «Мевами? Тугади, ўғлим. Мана мен, сен, опанг, синглинг ва аканг шу дарахтнинг меваларимиз...» деди ўйчан.

Табиийки, отамнинг гапларини унчалик тушунмадим, буни ўзи ҳам сизди, шекилли, қўли билан бошимни силаб: «Бу гапларнинг маъносини катта бўлганинда тушуниб оларсан», деди ва бошқа бу ҳақда оғиз очмади.

Отам нафақат бу дарахтни, умуман, яшилликни севарди.

...Эшак аравадай имиллаб кетаётган эски поезднинг олд вагонларидан бири жазо муддатини ўтаб қайтаётган маҳбуслар билан тўла, улар бир-бири билан паст овозда шивирлашиб гаплашишар, аксарияти деразадан ташқарига қараганча чуқур хаёлга чўмиб боришарди. Вагоннинг олдинги томонида соч-соқоли ўсиб кетган, гавдали бир маҳбус ўнг тирсагини дераза раҳига қўйиб, ташқаридан кўз узмасди. Поезднинг имиллаб юриши жон-жонидан ўтиб кетган, «тезроқ манзилга ета қолсайдик...» деган ўй ичини тирнайди. У толиқди чоғи, деразадан сурилиб тахта ўриндикка ўтирди-да, нонушта қила бошлади.

Тамадди қилиб олгач, яна вагон деразаси қаршисига келди, ойнадан бошини елкасигача чиқариб, олдинга қаради, чамаси беш юз метрлар нарида, шундоқ темир йўл лабида нимадир қорайиб кўрингандай бўлди. Ниҳоят, ўша нарса аниқ-тиник кўринди: у қийғос барг ёзган дарахт экан. Ҳалиги киши ўзини босолмай, бошини шоша-пиша ичкарига олди-да, кўзлари чакнаб вагондагиларга ҳайқирди: «Оғайнилар, яшиллик! Ол-

динда кийғос барг ёзган дарахт», дея ўзини тамбурга урди.

Бир зумда вагон тўс-тўполон бўлиб кетди, ҳайкириқдан жонланган кишилар бир-бирларини итариб-туртиб шовқин кўтарганча, эшик томонга отилишди... Поезд йўл бўйидаги дарахт қаршисидан ўтишига ўн-йигирма метрлар қолганда, боя дарахтни биринчи бўлиб кўрган киши ўзини ерга отди, унинг ортидан қолганлар... Улар Хизрга йўликқандай дарахт шохларига осилишар, узок камок йилларида дилларида тугиб юрган энг эзгу сўзларини айтишиб, дарахт баргларини кўзларига тавоф айлалашар, юзлари кўзларидан тинимсиз оқаётган шукроналик ёшига ювиларди...

Онамнинг айтишича, ўша вагон деразасидан туриб дарахтни биринчи бўлиб кўрган киши – менинг отам экан. У йигитлик пайтида тухмат билан олти йилга камалганди...

Бизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ягона ёдгорлик, отамнинг айтишича, ҳовлимиздаги мана шу йилда икки марта гуллайдиган дарахт экан. Бобомнинг бобосими, балки унинг ҳам бобосими, хуллас, кунлардан бир кун шом маҳали кўлидаги ҳассасини ариқ лабига суқиб, ўзи таҳорат олгани ўтирибди. Бобом таҳорат олиб, ҳассага энди кўл узатмоқчи экан, ҳайратдан ёқа ушлаб қолибди: ариқ лабига суқилган ҳасса ниш отиб кўкараётган эмиш... Шу заҳотиёқ бобом: «Эй жонивор, сенинг танингда намлик бор экан-у, мен шунча вақт гуноҳга ботиб сени судраб юрибман... Майли, униб-ўсгин», дея ҳассасини шу ерда қолдирибди. Шу-шу то дунёдан кўз юмгунча ҳассага эҳтиёж сезмабди. Ўлим тўшагида ётганда эса ўғилларига: «Менинг ҳассамдан кўкарган ана у дарахт кўп хосиятли. Уни сизларга қолдираман, кўз қорачиғларингдай асранглар... Қулоқларингда бўлсин: кимки бу дарахтни хор қилса, ўзи ҳам дунёдан хор-зор бўлиб ўтади», деб васият қилган экан.

Дарахтимизнинг ўтмиши ҳақидаги бу гаплар биз, болаларга худди эртакка ўхшаб туюлар, унга ишониш-ишонмаслигимизни билмасдик.

Бир куни отамга: «Нега дарахтимиз бошқа дарахтларга ўхшаб томиридан кўпаймайди? Агар кўпайганда кўчатларини ковлаб олиб, ҳовлимизнинг бошқа ерларига ҳам ўтказар эдик», дедим.

– Кўпаймаганига сабаб, – деди отам, – унинг томири бошқа дарахтлар сингари ёнбошга эмас, ер қаърига қараб ўсади... Бунинг яна бир ажойиб хусусияти – бошқа дарахт илдизлари билан чатишмайди ҳамда ўзига керакли озукани ўзи топиб, ер устидаги танасини тоза ва мустаҳкам сақлайди...

Отам дарахтга болта ё қайчи уришга сира-сира руҳсат бермас, буни оғир гуноҳ, шафқатсизлик, деб биларди. Биздан сал узоқроқда яшайдиган, доимо соябонли кепка кийиб юрадиган Муҳожир лақабли киши билан отам ўртасида нифоқ ана шу дарахт туфайли келиб чикди. Муҳожир қишлоғимизга четдан келиб қолган, унинг насл-насабини, кимлигини биров билмас, бу ҳақда ўзи ҳам гапирмас эди. Муҳожир деган номни унга қишлоқдагилар қўйганди. Балки бир пайтлар бу лақаб унга оғир ботгандир, лекин кейинчалик шу қадар ўрганиб кетгандики, худди ота-онаси қўйиб кетган ноёб исмдай ардоқларди.

Шу Муҳожир бир куни ҳовлимизга қайчи кўтариб келди-да, отамдан:

– Ана шу дарахтингиздан пайвандлик берсангиз, – деб сўради.

– Пайванд солганингиз билан, барибир, уни кўкартиролмайсиз, – деди отам уни хушламай.

– Сиз пайвандлик бераверинг, у ёғи ўзимнинг ишим, – деди Муҳожир билафонлик билан.

– Пайванд қилишдан мақсад нима? Ахир бу дарахт мева бермаса... – деди отам дарахтга тиғ ургиси келмай.

– Шунчаки бир ҳавас-да... Нима, бизнинг ҳовлида ҳам битта шунақа дарахт ўсса ёмонми? – деди Муҳожир.

– Бу сизга, – деди отам жаҳл билан, – ҳавасга ўстирадиган дарахт эмас! Бунинг нави бошқача... Ундан кейин овора бўлманг, барибир, пайвандлик бермайман!

Шундай дея отам индамай нари кетди.

Муҳожирнинг ғайирлиги кўзиди, лекин ҳеч нарса демай кўзларини айёрона қисди-да, бир отамга, бир дарахтга караганча ҳовлимиздан чиқиб кетди. Ўша куни борлик тун кўрпасига буркангунча отам дарахт ёнидан кетмади, шундан сўнг икки-уч кун таъби хира тортиб юрди. Муҳожир билан эса, умуман гаплашмай кўйди.

Ердан қор ва зах кетиб, ўрнига қуёшнинг ҳовури энди инаётган пайт борлиқда узилиш, ўлик вақт ҳукм суради. Чор атроф кип-яланғоч, руҳсиз. Бундай пайтда одамда бепарволик, ланжлик пайдо бўлади. Ана шундай беҳаловат кунларда отам: «Болаларим, яна йигирма кунча зерикасиз, сўнг дарахтимиз барг ёзиб қолади», деб далда берарди. Шундай кунларнинг бирида окшомга яқин ҳовлимизга шаҳарда ўқийдиган катта опам кириб келди. Дафъатан уни таниёлмай қолдик: у тақимига урадиган тим қора сочларини елкасидан кестирибди, эгнида бели бўғма, баданига ёпишиб турган, тиззадан келадиган оқ матодан кўйлак. Опам ўзига ҳайрон тикилиб турганимизни сездю, сир бой бермай олдингидай шарақлаб кулганича отамнинг кучоғига отилди. Отам уни хушламайгина пешонасидан ўпиб кўйди. Одатдагидай навбат менга келди, опам ўнг юзимдан чўлп этиб ўпди-да, кўлимга тилларанг қоғозга ўроғлиқ конфет тутқазди. Отамга ўғринча қараб, совғани олдим.

Тунда ҳамма ухлаб қолганидан сўнг отам билан онамнинг опам тўғрисидаги гаплари қулоғимга чалинди:

– Қизимиз сочини кестирибди... – деди онам паст овозда.

– Кўрдим... Ҳамма айб ўзимизда, тарбияни тўғри беролмабмиз, – деди отам уф тортиб.

Отам бетобланиб қолганда дарахтимизнинг куртак ёзишига ўн кунлар қолганди. Шомга яқин кетмонни кўтариб даладан қайтган отам: «Этим увушиб кетаяпти», дея кўрпага ўраниб олди. Кундузи нам ерга ётиб бироз мизғиган экан.

Онамнинг «доктор чақирайлик» деганига сира кўнмади. «Эрталабгача ўтиб кетар, устимга қалинроқ кўрпа ёпинглар», деди у. Лекин туни билан «оҳ-воҳ» қилиб, эрталаб белида хуруж қилаётган оғрикнинг зўридан ўрнидан туролмай қолди.

Онам шифокор чақирди ва отамни касалхонага ётқизадиган бўлишди. Уни ҳовлимиздан олиб чиқаётганда: «Дарахтга кўз-қулоқ бўлинглар», дея қайта-қайта тайинлади.

Бу гапдан биз, болалар қандайдир ҳушёр тортиб қолдик.

Баъзан кунора, баъзан ҳар куни оиламиздан ким касалхонага бормасин, отам энг аввал дарахт ҳақида сўрарди. Орадан бир ҳафта ўтди, лекин отамнинг касали тузалай демас, касалхонага қандай келтирилган бўлса, шу алфозда ўрнидан қимирлай олмасдан, шифтга термулиб ётарди. Отамнинг ҳисоби бўйича шу кунларда дарахт куртак ёзиши керак эди. Лекин унинг танасида бирон жонланиш бўлганини кўрмадик, у қишда қандай бўлса, шундайлигича қакқайиб турарди. Биз учун энг оғири касалхонага бориш ва отамнинг илинж тўла кўзларига қараш эди.

Баҳор яримлай деб қолганда ҳам дарахтимизда жонланиш сезилмади. Энди отам ҳам у ҳақда сўрамай кўйди, фақат шифокорларга: «Тузалмасам ҳам уйимга кетаман», деб ёш боладай хархаша қила бошлади.

Мен бу гапни мактабдан уйга қайтаётганимда Муҳожирнинг қизидан эшитдим.

– Энди бизнинг ҳам сизларнинг ховлингизда ўсадиган дарахтга ўхшаш ўз дарахтимиз бўлади, – мактанди Муҳожирнинг кизи лабларини чўччайтириб.

– Ҳеч-да, – дедим ковоғимни уйиб, – бизнинг дарахтимиз бошқа ҳеч қаерда ўсмайди...

– Ие, ҳали хабаринг йўқми? – деди Муҳожирнинг кизи ажабланиб. – Отам анави дароз аканг бор-ку, ўшанга занжири узун эски чўнтак соатини берган эди, эвазига дарахтларингни шохидан бир эмас, учта кесиб келтириб берди. Отам аллақачонлар пайванд қилиб кўйган...

Унинг гапларидан жаҳлим чиқди ва биқинига тирноқларимни ботириб, қаттиқ чимчилаб олдим-у, шу заҳоти уйга чопдим. Муҳожирнинг қизи чинқириб йиғлаганича қолди.

Ўпкам оғзимга тикилгудек бўлиб ҳовлимизга кириб келдим ва дарахтимиз остига тўшалган ўринда ҳушсиз ётган отамга кўзим тушиб, бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим, сўнг Муҳожирнинг қизидан эшитганларимни оқизмай-томизмай айтдим.

Отамнинг кўнгли багтар хира тортди, у тирсакларига суяниб ёстикдан бошини кўтарди ва қон тўлган кўзлари билан ҳовли юзасидан акамни излади. Акам ҳовлимизга киравришдаги бир оёғи синик курсида бошини қуйи эгиб ўтирарди.

– Шу гаплар ростми? – деди отам унга хириллаган овозда.

Онам, синглим ва мен нафасимизни ичимизга ютганча акамнинг оғзини пойлардик. Акам кўрқа-писа бошини кўтариб отамга бир қаради-да, сўнг яна қуйи солди...

– Демак, рост! – деди отам қаҳр билан, сўнг дона-дона оҳангда, – иккинчи бу ҳовлида қорангни кўрмай. Йўқол! – дея хансираганча бошини ёстикқа ташлади.

Ҳовлидан акамнинг қандай чиқиб кетганини кўрмай қолибман, онам билан синглимнинг унсиз йиғлаётганидан англадимки, акам кетган...

Буни отам ҳам сизди, лекин унинг юзида қаҳр қотиб қолганди.

– Ўғлим! – деди отам менга, – дарахтнинг устига чиқиб, кесилган шохларига қара-чи...

Кўз очиб юмгунча дарахтга чиқиб олдим: ростдан дарахтнинг учта шохчаси кесилган экан. Қайчи ўтмас бўлганми, шохлар тишлаб тортилгандай, ғажиб ташланган эди.

– Топдингми? – деди отам, – яхшилаб разм сол-чи, намлик борми?..

Шохлар қуриб қолган эди. Мен отамдан кўзларимни олиб қочдим...

– Энди пастга туш, – деди отам ва болта келтиришни буюрди.

Мен ўтинхонадан болта олиб келдим.

– Дарахт танасини озроқ тил-чи! – деди отам.

Танадан бир пайраха ўрничча чамаси кесдим. Отам яна тирсакларига суяниб, ёстикдан ўмганини кўтарди ва ўткир нигоҳини дарахтнинг кесилган жойига қадади... Унинг юзи аввал хом сурпдай бўзарди, кейин боши шилқ этиб ёстикқа тушди.

– Белкуракни олиб кел, энди дарахтнинг остини қовла! – деди у шивирлаб.

Дарахт остидан бир белкурак тупроқ қовлаб олган эдим, димоғимга қандайдир бадбўй хид урилди, энгашиб тупроққа яхшироқ разм солдим: унга қандайдир сарғиш нарса сингиб кетган эди. Отам минг азоб билан типирчилай-типирчилай ўрнидан кўзғалди ва қалтироқ

қўлларини чўзиб ковланган тупрокдан бир сиқим олиб, кўзига яқин келтирди.

– Дори сепишган экан, ваҳшийлар! – деди у илондай вишиллаб ва дарахт пойига судралиб келди-да, тупрокни сидириб, томирларини ушлаб кўрди. Илдизларни дарахтларнинг тириклик белгиси – намлик буткул тарк этмаган эди...

Отамнинг юзида умид шуълаланди...

– Оз бўлса-да, ҳали вақт бор экан. Энди оёққа туришим керак, – пичирлади у дарахт томирларига қараб...

Мундарижа

Қақнус қанотидаги умр (қисса)	3
Қора кун (қисса)	65
Сурагдаги аёл (ҳикоя)	127
Ҳовлидаги дарахт (ҳикоя).....	142

Ҳамроев, Шодикул.
Х-49 Қакнус қанотидаги умр. [Матн]: қисса ва ҳикоялар /
Ш. Ҳамроев. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 152 б.

ISBN 978-9943-28-628-3

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6

Адабий-бадший нашр

Шодикул Ҳамроев

ҚАҚНУС ҚАНОТИДАГИ УМР

Қисса ва ҳикоялар

Мухаррир *Ж. Матёқубов*
Рассом-дизайнер *У. Сулаймонов*
Техник муҳаррир *Б. Каримов*
Мусахҳиҳ *С. Салоҳутдинова*
Кичик муҳаррирлар: *Г. Ералиева, Д. Холматова*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси АІ №158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 14 июнда рухсат этилди.
Бичими 80x100^{1/32}. «Газетная пухлая» қоғози.
«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табоғи 7,98. Нашр табоғи 6,52.
Адади 3000 нусха. Буюртма №16-422.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz


ШОДИКУЛ ХАМРОЕВ

Қақнус

қанотидаги

УМР

ISBN 978-9943-28-628-3



9 789943 286283

«O'ZBEKISTON»